

ОДИЛ ЁҚУБОВ

БИР
ФЕЛЬЕТОН
КИССАСИ

ПОВЕСТЬ

Ю

Уз
РССР

91

ГБ УзССР

55037

ЎҶСР ДАВЛАТ БАДИИ
АДАВИЕТ НАШРИЕТИ
Тошкент — 1961

Езуучи Одил Еқубовнинг бу повести ҳам илгариги асарларидек ёшларга багишланган. Повесть қаҳрамонлари курвашувчан, иитилувчан ёшлар. Бу ёшлар янгилик учун, соғ юрак ва муҳаббат учун курашадилар. Автор бу кураш на интилишларни жуда ҳаяжонли қилиб тасвирлайди: бир журналист Салтанат ҳақида фельетон еавди. Би-роқ у фельетонни Салтанатни яхши билмасдан туриб дэганди. Натижада, чин ҳақиқатни излаш бошланади. Бу излаш автор учун күп Қирралы образларни очиб бернишда хизмат қиласади. Фельетон нима учун хато дээилгак эди? Бунга тұлароқ жағоб топниш учун қиссаны үқият.

Еқубов Одил.

Бир фельетон қиссаны. Повесть.
здабиәншар, 1964.

188 бет. Тиражи 15 000.

Т., Уз-

Якубов Адыл. История одного фельетона.
Повесть.

1

Телеграмма фақат икки жумладан иборат эди: «Самадова түғрисидаги фельетонни тұхтатып туришингизни қатьяң илтимос қиласман тчк. Сабабини телеграммада айтиш қибін зпт. Эрта-индин бориб шахсан тушунтираман тчк. Коммунист Амина Азизова» тчк.

Юрагим «шиғ» этиб редакторга қардым. У алмисоқдан қолған эски креслода мужмайиб ўтирад, уйқусиэликдан киртәйиб қолған күзларида: «Хүш, бу ёғи қандоқ бўлди, ошна?» деган савол ўйнар эди.

— Қачон келди бу?.. Ахир... фельетон чиқиб кетди-ку!

— Ҳамма гап шунда-да, оғайнин!.. Аммо шу сафар пича шошма-шошарлик қилмадикмиин, деб қўрқяпман...

Редакторнинг сўзи оғзида қолди, шу пайт рўларадаги диванда ўтирган ва менга тез-тез кўзинни қисиб қараётган бўлим бошлиғим Каримий (ўша куни у навбатчи эди) шитоб билан ўрнидан турди, қўлини шимининг чўнтағига солиб, редакторнинг қаршисида тўхтади:

— Биз учун бу телеграмма янгилик эмас-ку, Ҳошимжон ака? Ҳамиша бўлиб турадиган гап. Менингча, бу фельетонни бир кун эмас, бир минут ҳам тутиб туришга ҳаққимиз йўқ эди. Айниқса, ҳозирги долзарб кунларда. Уни босиб тўғри қилганимиз!

Ҳошимжон ака киртайган кўзларини юмди. У одатда эътиroz билдиromoқчи бўлса шундай киларди.

— Ҳмм, бу... Амина Азизова деганлари ким, танийсизми?

— Танийман.

— Хўш?

— Илгари ўқитувчи эди, ҳозир бригадирлик қиласи.

— Илгари ўқитувчи, ҳозир бригадир...
Бу қандоқ бўлди?

— Масалан... Нима десам бўлади? Узи шунаقا сал... ғалатироқ аёл. Қўлида ўқиганман. Биламан.

— Хмм,— деди редактор ва кўзларини юминқираб юзимга ҳаял тикилиб қолди.— Ўзи... ишни пухта қилганимидингиз?

— Бўлмаса-чи? Ҳар бир ҳарфи учун бошим билан жавоб бераман!

Хошимжон ака сийрак қошларини си-
лаб кулди:

— Бошингиз ҳали ўзингизга керак бў-
лади, ука.

— Тўғри-ю, бироқ... вёрсткадан олдин
ўша ердаги штатсиз мухбиримиз Маҳ-
муджонга яна бир ўқиб берганман. Ҳар
ҳолда анча пишиқ йигит.

— Пишиқ бўлганда қандоқ!— деди
Каримий.— Синаалган одам. Ўзингиз ҳам
билсангиз керак, Хошимжон ака? Доим
хабарларини босиб турамиз-ку?

Редактор индамай яна қошларини си-
лай бошлади. Мен унинг одатдагидек:
«Хўш, хуллас, бу ёғи нима бўлади энди?»
дейкишини кутган эдим, лекин у тўсатдан
Каримийга юзланиб бўшашиброқ гапир-
ди:

— «Гулистон»ни тўхтатиб туришга
тўғри келади.— Негадир хўрсиниб қўй-
ди.— Үрнига бошка тайёр материал
борми?

Каримий елкасини учирди.

— Бор, аммо... Ҳайронман, Ҳошимжон ака! Наҳот энди шу телеграмма деб...

— Олиб киринг ўша материални!

Каримий ер остидан менга қараб қўйди, сўнгра бутун вужуди билан эътиroz билдириб, ғарч-ғурч юрганча чиқиб кетди. Каримиининг бунчалик тажанг булиши бежиз эмас, газетанинг навбатдаги сонида унишг «Гулистон» колхози ҳақида ўткир тақиидий мақоласи босилиши керак эди.

Ҳошимжон ака, гўё Каримиининг асабий ҳаракатларини пайқамагандай биринкки дақиқа кўзини юмиб, қнимир этмай ўтириди, кейин ўзича гапириб қўйди:

— Ҳа-а... Ишни пухта қилган бўлсангиз майли-ю, аммо... — у кўзларини очиб юзимга тикилди.— Ҳалқимиэда «Етти ўлчаб, бир кес», деган мақол бор, ука. Эҳтимол, бу мақол бунёдга келганда газета ўзи бўлмагандиру, лекин халқ бу ҳикматли гапни биз журналистлар учун яратганни дейман-да! Сиз ёшсиз, ука, бизнинг шу ишда сочимиз оқарди, кўп нарсани кўрдик...

Ҳарсафар редактор шу хилда гап бошлаганида (Ҳошимжон ака эса бу гапни

ҳар күн юз бор тақрорлайды десам лоғ бўлмайди!) кулгим қистарди, ҳатто гижинардим. Ёлғиз мен эмас, редакциядаги ҳамма ёшлар бу тўғрида пичинг килишарди, чунки Ҳошимжон ака бу билан ўз журъатсизлигини яширмоқчи эканига ҳамманинг имони комил эди. Бу журъатсизлик туфайли,— биз бунга ҳам амин эдик,— газетамиэ хийла занф, дидсиз, мароқсиэ чиқарди.

Лекин бу сафар Ҳошимжон ака гал бошлиши биланоқ юрагим яна боягидай бирдан «ШИҒ» этиб, пешонамга совуқ тер чиқди... Нега? Бунақа ваҳима босишига асос йўқ-ку?

Кўэ олдимга негадир Мўмин ака келди, куюниб айтган сўзлари эсимга тушди: «Энди... ўзингиз бир иложини топмасангиз бўлмайди, мулла, бу беҳаё ҳамма ёш-ялангни йўлдан урадиган бўлди...»

Йўқ, фельетондан қиттак ҳам шубҳаланадиган жойим йўқ!

Ҳошимжон аканинг гаплари яна ғашимга тега бошлади. У киши ўша оҳанг ва ўша мазмунда тағин беш-олти минут гапирдиёв! Охири бу гаплар шу билан тугадики, редактор шалоги чиқиб кетган

Эски «Москвич»ини берадиган, мен каллайи саҳарлаб Жарқудуққа жүнайдиган бўлдим.

— Газета аллақачон етиб борган бўлса ҳам ажаб эмас,— деди Ҳошимжон ака,— демоқчиманки, Амина опангиз фельетонни ўқиб жиғибнйрони чиқаётгандир. Сиз у кишига ётири билан тушунтириинг, эътироzlари бўлса бамайлихотир қулоқ солинг... Хуллас, гапнинг пўскалласи, тинчлик бўлсин-да, ука!

У тап-тақир, юмaloқ бошики силаб жилмайди. Мен ҳам беихтиёр кулиб юбордим. Ҳар ҳолда ғалати одам Ҳошимжон ака!

Ним қоронғи узун йўлакда Каримий учради.

— Хўш, нима бўлди?

— Нима бўларди, саҳармардондан: «Жарқудуқ қайдасан, қайдасан», деган лапарни бошлаймиз.

Каримий қўлидаги материални гижимлаб, тажанг бўлди.

— Сени билмадиму, аммо мен бу мажматил билан ишлаша олмайман!— деди у, қалин соchlарини орқага силтаб.— На ўзинг бир нимани ёзиб ёлчийсан, на ўр-

тоқларингнинг ёлчиганини кўрасан! Ҳайронман!

Очиғини айтсам, гарчанд Каримийни азалдан унча хушламасам ҳам, унинг бу гаплари сарёғдек ёқиб кетди менга. Лекин ҳозир у билан дардлашиб туришга фурсатим йўқ, бир-икки соат бўлса ҳам мизғиб олишим керак эди.

— Ҳўп, ишлагинг келмаса «Роҳатижон» ресторанинг шеф поварига ариза бер,— дедим.— Бундан буён журналистларнинг ҳаёт-мамот масаласини ўша кити ҳал қиласмиш. Фақат битта илтинос, шоферга айтиб қўйсанг: соат тўртга ҳовлига борсин. Ўша ердан тўғри чиқиб кетамиз.

— Ҳо... Мажмагил машинасини ҳам аямади дегин ҳали?— кулди Каримий.— Сен деганда жонини ҳам аямайди.

— Манманлигинг туққан онангга ҳам ёқмайди шу замонда. Кеккайиб юргунча муроса қилишни ўрган, нодон!

— Ҳоо? Шундай гапга чечанлигинг билан Матлубахоннинг кўнглинн хушлай олмаганингга ҳайронман.

— Матлубахонга нима бўпти?

— Билмасам,— деди Каримий,— боя йўлда кўриб қолиб: «Нечук камнамо бў-

либ кетдинги?» десам, лабини буриб: «Энди редакциягизни елкамнинг чуқури кўрсин!» деди-ку?..

— Шу гапниям магзини чақолмадингми ҳали? Аэбаройи сени кўришга кўзи бўлмаганидан айтганда бу гапни, хом-калла?— шундай дедиму. Каримиининг жавобини кутмасдан бўлимга кириб кетдим. Аммо унинг личинги қўнглимини баттар гаш қилди, чунки Матлуба билан чаплашиб қолганимиз рост эди. Бунга ҳам бир чеккаси ўша фельетон сабаб бўлган.

Мен фельетонларимни босилмасдан бурун Матлубага кўрсатиш одатим йўқ эди. Лекин шу сафар фельетон жуда ўтириб чиққани учунмі, ё уни редакцияда кўкларга кўтариб мақташганлари учунми, ишқилиб, гранка келиши билан қўлтиққа урдиму, институтга қараб чопдим. (Матлуба институтнинг учинчи курсида ўқийди, мен у билан шу йил ёзда практикага келиб, бўлимимида бир ой ишлаганида танишганман.)

Факультетда кўринмади.

Ҳовлига чиқсам, гулзорнинг ўртасидаги скамейкада ўтирибди. Бир ёнида ўзи билан бирга ўқийдиган узун бўйли, ёш

бұлса ҳам аломат шляпа кийиб ва галстук тақиб юрадиган олифта йигит, бир ёнида нотаниш бир қыз.

Олифта йигит қизиқ бир нарсанн ҳикоя қилиб берәётган бұлса керак, Матлуба билан дугонаси қотиб-қотиб қулишарди. Айниңса, Матлуба очилиб кетган зди. У овози жонон пиёладай жаранглаб, шундай қаттық кулардикі, гоҳо йиқилиб түшгүдек бұлиб, йигиттінг елкасига сұяниб қолар, йигит зса уннинг құлнини ушлаб-ушлаб құяр зди.

Жоним чиқиб, күзимга олам қоронғи күрнінб кетди:

— Матлуба! — деб бақириб юбордим.

Матлуба ялт этиб қаради, менин күриб үрнідан иргиб турди. Сүнгра калта қирқілған ва қалдиргочнинг қанотидек тобланадаётгап қоп-қора соchlарини тузата-тузата олдимга чопқыллаб келди.

Нам киприклар орасидаги катта қора күзлари гүё шудринг билан ювилған чаросдай ялт-юлт қилиб, кулиб турар, иккі кулғици үйнаб, үзи ҳам үн түрт күнлик ойдек чараплаб кетган зди. У гүё, мана қаранг, мен қандай чиройлиман, қандай ёқимтойман, наҳот мендай қыздан гина қилишга ботинсанғиз, деб турғандай ту-

юлди-ю, күнглимдәги раشك ўти баттар аланғаланди.

— Нега бундай қиласиз, Матлуба?

— Ҳа, нима қилибман? — гүё тушунмаган бўлиб қошларини чимирди Матлуба.

— Иккинчи бундай қилганингиэни кўрай!..

— Вой, нима килдим? Айтинг ахир!

— У ким?

— Уми? — Матлуба бирдан хандон отиб кулиб юборди. — У — шляпа!

— Бўлмаса, бунақа шляпа билан чақчақлашиб ўтиришингиэни хоҳламайман!

— Шунақами?

— Шунақа.

— Бўлмаса... — Матлуба ҳамон юзида кулгичлари ўйнаб, нам киприклари орасида пар-пар ёниб турган кўзларини сувэиб қаради. — Бўлмаса ҳайр, сизга!

Матлуба кулиб гапиргани учунми, мен уни шунчаки ҳазиллашяпти деб ўйладим, анча жойга борганидагина:

— Матлуба! — дедим кетидан эргашиб. — Тўхтант. Ахир, мана... фельетон. Кўринг, эртага чиқади.

Матлуба лоақал қайрилиб ҳам қарамасдан:

— Раҳмат. Чиққанида ўқирмиз керак бўлса!— деди-да, ичкарига кириб кетди.

Орқасидан кирсам, ялинчоқлик бўлар деб, йигитлик иззат-нафс йўл қўймади-да, тарвузим қўлтигимдан тushiб қайтиб кетдим.

Мен уни эрталаб фельетонни ўқиган-дан кейин бир келиб кетар, ҳеч бўлмаса телефон қилиб табриклаб қўяр, деб ўйла-ган эдим. Кун бўйи ҳар сафар телефон жиринглаганда юрагим бир ҳаприқиб кутдим, йўқ, телефон қилмади. Мана энди устама устак бу гап чиқди!..

Таваккал қилиб, секин трубкани олдим.

— Алло!

Трубкада майин, ингичка товуш эши-тилди. Дарҳол танидим — Матлубанинг етти-саккиз яшар синглиси!

Ўйларига борганимда бир-икки марта гаплашганимиз учун у ҳам мени овозим-дан таниди шекилли:

— Борлар, борлар, ҳозир чақираман!— деди севиниб, сўнgra трубкадан: — Опа, сизни чақираптилар!— деган овоз эшитилди. Ҳаял ўтмай: — Ўзлари шу ердалару, йўқ дегин, деяптилар! — деди қизча.— А? Ҳозир айтдингиз-ку, шунаقا дегин деб? Ана, куляптилар, йўқ-йўқ, келяптилар.

Тұсатдан трубкада Матлубанинг товуши эшитилди:

— Елғон айтяпти. Ҳеч ким кулаётгани нүқі! Тушундигиэми?

Трубка «шақ» этиб үрнига түштани билинди.

Матлуба гаплашгиси келмаган бұлса ҳам, ажабо, елкамдан босиб турған бир тошдан қутулғандай бұлдим. Бироқ стол-нинг тортмасидан фельетон «делө»сіни олиб варақтай бошлашим билан негадир тағын күнглім ғаш булыб. хаёлимни но-тинг үйлар чулғаб олди. Делони құлтиқ-лаб, секін ташқарига чиқдим.

Күча совуқ, ҳаво айниб, шамол күтарылған, дарахт соялари худди белан-чакдай тебранар, йўл бўйидаги мажнунтоллар эса, гўё жүнлари ҳурпайған афсонавий маҳлуқларга ўхшар эди. Плашчимнинг ёқасини кўтариб, кимса-сиз кўчалардан ёлғиз кетдим. Онда-сонда менга ўхшаб ёқасини кўтариб олган йигит-қизлар учраб қоларди, бироқ улар-га диққат қилмас, ўз үйларим билан банд эдим. Тұсатдан хаёлнимга бир фикр келди-ю, күнглімни ғаш қилиб турған үй-ларнинг боисига тушунғандай бўлдим.

Мен фельетондаги фактларнинг нотү-

ри чиқишидан әмас, балқи қишлоқдаги баъзи одамлар, айниқса, Амина ола билан учрашишдан юрагын бөзилламоқда әди!

Бунинг ҳам сабаби бор.

Амина ола мактабимизда химиядан дарс берарди. Үұша пайтлардағең әши қирқлардан ошиб қолған, новча, яғиндор хотин әди. Үқитадыған фани қийинлигі устига үта кетған талабчан, қаттиққүл үқитувчи әди. Мен эсам химияни жинимдан ҳам ёмон күрардым. Шунинг учун ҳам күшінча дарсга яхши тайёрланмай келардым. Аммо йил охиригача шу тариқа борсам ҳам, имтиҳонлар яқинлашғанда бир ҳафта-үн күн үтириб, ҳамма қонун-қоидаларни ёдлаб чиқардым-да, имтиҳондан туппа-тузук үтиб олардым. Амина ола мени ана шу одатим учун ёқтырmasди. Бир маҳаллар у менга «Қори» деган лақаб ҳам қўйган. Мактабни битириб, журналистликка ўқий бошлаганимни эшиганида эса: «Ана энди жойингни топибсан! Шеърингни ёзиб, олди-қочди гапларингни түқиб юраверсан!» деган әди кулиб.

Унинг ғалати феълинин шундан ҳам билса бўладники, бурноғи йил ҳаммани

ҳайратда қолдириб, мактабни ташлаб колхозга чиққан, икки йилдан бери бригадир бўлиб ишлар эди.

Мана энди мен у киши билан суҳбатлашишга, тушунмаганини тушунтиришга мажбурман. Аммо журналистнинг вазифасини «солди-қочди гап тўқиши»дан иборат деб ўйлаган бир кимсага гап уқтириб бўлармикан?

Бу фикр ўйга етгунимча, ҳатто ётганимдан кейин ҳам анча маҳалгача тинчлик бермади. Охири бошимни кўрпага буркаб олдим.

II

Жарқудуққа кун чиқар-чиқмас етиб бордик.

Нима қилиш керак? Тўғри Амина опанинг олдига бораверсаммикин, ё аввал Маҳмудга учрашганим маъқулми? Бир тўхтамга келгунча идорага ҳам яқинлашиб қолдик.

Ҳар қалай Амина опанинг олдига дабдурустдан кириб боришга юрагим дов бермади. Шофердан Маҳмудларниги ҳайдашни илтимос қилдим.

Маҳмудларнинг ҳовлиси сельсонинг орқасида, машина баёур юрадиган торкӯчада эди.

Бир амаллаб кириб бордик. Икки та-вақали твиши күхна дарвоза. Шофер сиг-нал берди.

Бир лаҳзадан кейин дарвоза «ғийқ» этиб очилиб, елкасида эски бекасам түн, оёғида калыш Маҳмуд күрінди. Үйқудан ҳозир турғанми, ё шошганиданми, сий-рак малла ранг соchlари түзғиган, ўзи ҳам бир нимадан ҳадиксираган одамдай күзлари олазарак.

— Э, хайрият ўзлари кептилар,— деди у. Құлинни күксига қўйиб күришаркан.— Қадамларига ҳасанот!. Қани, сиз ҳам тушинг, шофер aka!

Мен туман орасидан эндигина пайқа-дим: дарахтлар, уйларнинг томи, пахса деворлар кечаси тушган қировдан оппоқ, гүё бир энлик қор ёққандек.

Худди шаҳар ҳовлисига ўхшаган тор-гина ҳовлиниң бир четида оғзини қизил рўмол билан ўраб олган, қизил кўйлак ва қизил камзуллик нозиккина жувон самоварга олов ташламоқда эди.

У шошиб рўмолини пешонасигача ту-ширди, эгилиб салом берди. Енндан ўта-ётганимизда худди ёш боладай қизиқси-ниб қараган маъсум кўзларига кўзим ту-шиб қолди. У шошиб юзини олиб қочди.

— Чойингни тезлат! — деди Маҳмуд ва
эшикни очиб, менга йўл берди.

Шифтига қўл чўэса тегадиган, девор-
ларини живир-живир қозиқлунги ва сўза-
налар қоплаган чорси хонага кирдик.
Хонада гувиллаб печъ ёнмоқда, печнинг
ёнгинасидаги столда даста-даста бўлиб,
газеталардан қирқилган ҳар хил хабар-
лар, шеър дафтарлари ётарди.

Маҳмуд стулиси суриб қўяркан:

— Эрта-индин қўшни колхоз планни
бажаради,— деди, узун қўш бурнининг
учида илиниб турган кўзойнагини тўғри-
лаб.— Шунга... Бир нима қилиб берсан
девдим...

У фельетон тўғрисида гап очишга журъ-
ат этолмай қийналаётгандай туюлди.

— Хўш, нима бўляпти ўзи бу ерда?

— Ха шу... Салтанат-да!

— Хўш?

— Билмадим. Аввал... қишлоқдан бош
олиб чиқиб кетмоқчи, дейишуви. Кейин
эшитсан, асаби бузилиб касалхонага
тушганмиш.

— Касалхонага тушганмиш? Асаби бу-
зилиб? — Юрагим хаприқиб, ўрнимдан
қандай туриб кетгашмни билмай қол-
дим.— Қачон чиқди бу гап?

— Қачон бўларди? Кеча фельетон бо-
силган газетани олганидан кейин-да!—
деди Маҳмуд ва шошиб қўшимча қил-
ди: — Ўзи унақа ваҳима қиласиган эма-
су, Амина опа шов-шув кўтариб юборди-
ларда!

Беихтиёр энтикдим:

— Узи... шу срдами?

— Шу ерда, амбулаторияда.

— Қалай? Яъни асаби бузилгани қана-
қаси?

— Мен ҳам ҳайронман!— Маҳмуд ел-
касини учирди.— Ҳар хил олди-қочди
гаплар юрибди. Олдин дод солиб йиғла-
ганиши, бошини деворга уриб ёрганиши,
Кейин докторлар келиб ҳушига келти-
ришган дейишади. Хуллас... беҳуда гап!
Дағдага билан қўрқитмоқчи бўлган, вас-
салом!

— Тўхтанг! Нега энди у тўсатдан бун-
чаликка боради? Ахир тунов куни... тур-
қи-таровати бошқача эди-ку?

— Билмасам...— Маҳмуд бошини со-
либ, ингички, нозик бармоқлари билан
пешонасини ишқалай бошлади.— Газе-
тада урилгандан кейин... Билмасам энди.

Мен унинг юзидан кўзимни узиб, де-
разага қарадим:

«Бошини деворга уриб ёрганмиш... Докторлар келиб ҳушига келтирғанмиш...»

Яна боягидай совуқ ваҳима ёпирилиб келиб вужудимни қамраб олди-ю, тиззалирим Қалтираб кетди. Назаримда, Маҳмуднинг ўзијам талвасага тушиб қолғандай, тўғрироғи, у мендан ниманидир яшираётгандай туюлди.

Кўкрагимни тўлдириб чуқур нафас олдиму, ўрнимдан турдим.

— Юринг, кетдик!

— Қаёққа?

— Қаёққа бўларди? Касалхонага, йўқ, аввал Амина опанинг олдига борамиз.

Ўэзими босишга қанча уринмай, текис йўлда қоқила-қоқила кўчага чиқдим. Ахир... агар Салтанатнинг бундай қилишига чишдан ҳам фақат фельетон сабаб бўлса, демак, тунов куни нимадир назар-эътиборимдан четда қолган, муҳим бир нарсани пайқамаганман!. Лекин нимани? Ахир мен ҳамма фактларни биттама-битта текшириб чиқсан, қанчадан-қанча одамлар билан сұхбатлашган эдим-ку?!

Амина опанинг ҳовлисига Маҳмуд бошлаб олиб борди. Унинг уйи мактабининг орқасида, амбулаториянинг ёнги-

насида экап. Маҳмуд кириб кетди да, ҳаял ўтмай уйида йўқлигини айтиб чиқди. Биз каёқка боришимизни билмай турган эдик, кўчанишг бошида ўзи кўриниб қолди.

Оёғида лойгарчиликда киядиган резинка боти, эгнида баъзи жойлари тақир бўлиб оқяриб қолган эскироқ пўстин, бошида тинит рўмол. Бу кийимда Амина опа кўзимга илгаригидан ҳам бўйдор, яғриндорпроқ кўринди, бироқ ўзи озгин, чакка суяклари туртиб чиқсан узунчақ юзи яна ҳам қорайиб кетган. Қўлидаги тугунига қараганда, эҳтимол, шифохонадан келаётган бўлса...

У машинага яқин келиб тўхтади. Саломимиизга алик ҳам олмасдан қалин қошларини чимириб, бир зум тикилиб тургач:

— Ҳа, мақтангани келдингми? — деб сўради бўғиқ товуш билан.

Беихтиёр кўзимни четга олиб қочдим.

— Телеграммангиши, кеча фельетон чиққандан кейин олдик.

— Шунақами? Бундан чиқди, қанақа чоралар кўрилганин текширгани келибдилар-да?

— Йўқ...

Ер остидан секин Маҳмудга күз ташладым. У бир нимадан ҳадиксирагач қүшдай типирчилаб үзини қаёққа қўйинни билмай, безовта бўлиб қолган эди.

— Телеграммангиз ўзи мажбур қилди келишга, гапингиз бўлса эшитайлик, ҳақиқат қилайлик...

Амина опа ҳамон мендан кўзини олмай, сезилар-сезилмас истеҳзали кулнисираб туради.

— Сиз ҳақиқат қилишга қодирмисиз?— Амина опа бу гапни айтишга айтса ҳам, менинг талвасага тушиб қолганимни куриб бир оз юмшади шекилли, шу заҳотиёқ:— Қани юр-чи, бўлмаса,— деди ва кетимиздан эргашмоқчи бўлган Маҳмудга юзланди:— Ижозат берсалар, биз бу киши билан ёлғиз гаплашсак.

— Хўп-хўп, албатта,— деди Маҳмуд шошқалоқлик билан кўзойнагини тўғрилаб.

Биз шафтолизор ҳовлидан ўтиб, олди айнон, пасткамгина уйга кирдик. Ўйда бир кимса йўқ, каттагина хона бўлиб, ҳувиллаб қолган, бироқ ҳамма нарса жой-жойида, саранжом-саринита эди.

Тўрдаги катта рамкадан қалин қошлиари худди Амина опаниклиек бир би-

рига туташган, чакка сүяклари туртиб чиққан бир йигит эшикдан кирган одамга тикилиб турарди. Мен уни танирдим. У — Амина оғаннинг ёлғиз уғли, пахтачиллик машиналарининг ихтирочиси, машхур конструктор эди.

Амина Опа мепп кираверишдаги чарм қолланган диванга таклиф қилди, ўзи рўмолини ечаркан:

— Мен сенинг енгилтак эканингни билардиму,— деди энтикиб,— бироқ бунақа... дўппи деса бош олиш одатинг борлигини билмасдим. Салтанат ҳам майлику-я, рансни бунчалик беобрў қилишга нима ҳаққинги бор?

Бу сўз мисоли бир чақмоқ бўлиб тегди-ла, баданимдан ўт чиқариб юборди.

— Нима бўлди ўзи?— дедим куйипиб.— Нима қилди?

— Нима бўларди, ўзини бир нима қилиб қўйишинга оз қолди Салтанат! Шу!

Амина оға четроқдаги стулни суриб, рўпарамга ўтирди. Мен унинг сўнгги бир-икки пил ичида яна ҳам қариб, пешонасидағи, кўзларининг четидаги ажинлари кўпайиб, кўзларни киртайиб колганини эндиғина аниқ кўрдим. Силлиқ

Қиленб таралған сиірек сочлари ҳам худди қирор түштандай оқариб қолған зән.

— Билмадым,— дедім бирдан руҳим тушиб.— Ахир мен үзи билан гаплашувдим, бунақа эмас эди-ку?

— Қанақа эди бўлмаса? Жуда бедаб, беҳаёэ эдими?

— Йўқ, бироқ...

— Бўлмаса... Атиги бир йил ичида нимага бунчалик ўзгариб қолганини ўйлаб кўрдингми? Агар янгишмасам, уни биринчи марта мақтаб ёзган ҳам ўзлари эдилар шекилли?— деди Амина опа ва яна боягидай кинояли жилмайди.— Сизнингча, унинг бундай бўлишига ёлғиз ўзи айбор. Шунақами?

— Айбор бўлмаса... Қанчадан-қанча одамлар билан таплашганимни айтмай қўя қолай, улар ҳаммаси мени чалғитган бўла қолишини, аммо мен үзи билан ҳам суҳбатлашгандим-ку, лоақал ўзи...

— Ҳа, үзи нима қилди?

— Сиз унинг менга қанақа муюмала қилганини бир кўрсангиз эди!

— Бундан чиқди, иззат-нафсларига тегиб кетган экян-да?

Амина опанинг пичинги қанчалик ач-

чиқ бўлмасин, уни ютишга мажбур бўлдим.

— Хўл, майли, мени чалғитишган бўлсин! — дедим ва Амина опанинг гап отишга оғиз жуфтлагакини кўриб, сўзи ни бўлдим.— Ҳатто жўрттага қилган бўла қолай бу ишни. Аммо... Энди ҳақиқатни билишим мумкинми? Нима гап ўзи?

Амина опа индамай четга қаради. Буниси ўлганинг устига чиқиб тепгандан бўлди-ю, тўсатдан тошдай бир нарса томоғимга келиб тиқилди.

— Майли, шима хам дейман. Сиз менинг тўғримда доим ёмон фикрда юардингиз, бу фикрингизни ўзгартиринг, дебмайман...

Ўпкам тўлиб ерга қарадим. Мен уннинг: «Нима иш қилдингки, сен тўғриладиги фикримни ўзгартирадиган?» дейнишини, ё шунга ўхшаш бирор гап айтишини кутган эдим, лекин у бундай қилмади.

Менинг овозимдаги титроқ таъсир этдими ё бошқа бир нарса сабаб бўлдими. ишқилиб, Амина опа яна бир оз сукут сақлагач, шахт билан ўрнидан турди-да, пўстинини елкасига ташлаб, рўмолини ўрай бошлади.

— Ҳақиқатни билишни истасанг... ўзи

гапыриб берсін!— деди у.— Мен тағсип-
лотини билмайман. Үз оғзидан әшишга-
нинг яхши!..

Мен сөвінгешкімдамми, ё аксина, тал-
васага тушиб қолганимдамми:

— Үзи түзукми? Гаплаша оладими?—
деб юборибман.

Амина опа юзимга қарамасдан:—
Бугун тузук. Нега гаплашмасин?— деди
ва әшик томон юраркан:— Яхшиям
вақтида билиб қолиб, олдини олдик,
булмаса... билмадым, пима бўларди?—
деб қўйди.

Амбулаторияга қандай етиб қолгани-
мизни билмайман.

Ҳар сафар бир лаҳзадан кейин Салта-
нат билаң юзма-юз келишимни ўйласа-
нимда, эсимга бир ҳафта олдин бўлган
тўқнашув тушарди. Унинг ғалати қилиқ-
лари кўз олдимга келиб, кинояли кулги-
си қулогимга әшишилиб кетарди-да: «Эн-
ди қандай қарши оларкин?» деган ўйдан
юрагим энр титрарди.

Машина катта кўча юзасидаги тепароқ
жойга қурилган бир қаватли оддийгина
бино олдида тўхтади.

Амина опа: «Ҳозир» деди-да, шошга-
нича ичкарига кириб кетди. Ер остидан

аста Маҳмудга кўэ ташладим: у худди сөвқотаётгандай бошини ичига олиб, ғуҗанак бўлиб ўтиради.

Машинадан аста тушдим.

Бояги туман тарқаган, терак бўйи кўтарилиб қолган қуёп ҳамма ёқни чараклатиб юборган эди. Шишадай ялтиллаб қолган ер бети эрий бошлаган, сёқ ости сирғанчиқ эди.

Амбулаториянинг олдидаги кунгай жойда уч-тўртта чол-камнир, болалари ни бағриларига босиб олган бир-икки аёл ўтиради. Худди қаҳратон қишидагидай ҳаммасенинг эгнида пахтали чопон, сёқларида этик, бошларида қалия рўмол ва телпак.

Каттакон маҳкамаларнинг раҳбарлари ҳам «мухбир» деган сўзни эштиш билан дарҳол қабул қилишади. Шунинг учунми, ё Амина опа ўзи тақлиф қилгани учунми, мен унинг тезда қайтиб чиқиб: «Қани, киринг» дейишини кутган эдим. Лекин Амина опа чорак соатча кутдириб, кейин чиқди.

У аллақандай ўйчан, худди бир нимадан хижолат чеккан одамдай қалин қошлиари чимирилган эди. Рўпарамда тўхтаб, қозимга маъюс тикилди:

— Нима қыламыз, сен билан... гаплашмасмиш...

Мен Салтанатдан ҳар шымани күтсам ҳам, бундай жавобни күтмаган әдім. Бир вақтнинг ўзида ҳам ҳақорат, ҳам туғён, ҳам алам ҳисси юрагимда «гув» этиб, вужудимни ловиллатиб юборди.

— Нега? Ноҳақ эканман, айтсин дардини, тушунтиксин! Лозим топса... дүп-посласин, шарманда қылсан. Бироқ... бундай қилиши инсофданмас-ку? Нима демоқчи бу билан?

Амина опа ўйчан кўзларини юмин-қираб, яна бир лаҳза юзимга тикилиб турди. Афтидан, дилимдаги галаённи сезган бўлса керак, боягидаи апча юмшаган оҳангда гапирди:

— Яхши, сен бир оз сабр қил. Мен бригадага бориб келишим керак. Соат... — Амина опа қўл соатига қаради, — иккида шу ерда кут. Мен ҳам келаман. Яна бир гаплашаман.

— Хўл. Машинада олиб бориб қўя колсин.

— Раҳмат, икки қадам жой.

Амина опа рўкарадаги ариқдан ўтиб қатор толлар орасида ғойиб бўлди.

Мен анчагача нима қилишимни бил-

май караҳт бўлиб турдим, ниҳоят, ён чўн-тагимдан блокнотимни олиб уч-тўрт оғизи сўз ёздим да, шоферга узатдим:

— Сиз ҳам жўнайверинг, ука. Бу хатти редакторга ўз қўлингиз билан топширасиз.

Машина қўзғалди, бироқ сал юрмасдаш яна тўхтаб. Маҳмуднинг боши кўринди:

— Ҳа бу... чой-пой масаласи...

— Раҳмат, чой бўлса ичдим. Сиз ҳам ишингиэдан қолманг, дўстим.

Машина муюлнишдан бурилиб кетгач, мен ҳам ариқдан ўтиб, олисдаги қирга қараб кетдим.

Ариқ билан қирнинг ўртасида катта сой бор, сойга етгуинча бир томонда бир-бирига тулашиб кетган қатор боғлар, бир томонида кенг пахтазор.

Япроқлари тўкилиб, шипшийдам бўлиб қолган дараҳтлар гўё ялангочлигидан иймангандай шумшайнib турибди, пахтазорда эса ДТ-54 маркали иккита трактор қора-қўнғир ғўзапояни ағдар-тўнтар қилиб, ерни шудгорламоқда.

Мен эриб шилта бўлиб қолгаш ердан сирғана сирғана сойга яқнилашганим-

да, беш тишли плуги ер бағрини тилиб айланаётган иккита тракторнинг бири олдимдан чиқди.

Тракторни Амина опанинг үзи ҳайдаб келар, унинг ёнида ҳаво ранг комбине-зони бўй-бастига ярашиб тушган қизил дуррали бир қиз туради. Мен бу хуббичим қизни қаерладир кўрган эдим. Ушанда ҳам эгнида худди шу комбине-зон, бошида чиройига чирой қўшган шу қизил дурра бор эди... Ҳа, Мўмин аканинг бригадасида кўрган эканман! Исим ҳам эсимда — Юлдузхон!

Трактор яқинлашиб қолганда Амина опа рулни Юлдузхонга тутқазди да, ерга сакраб тушди, тушди-ю, тиззасидан шудгорга ботиб қолди. Аммо бундан хафа бўлмади чоғи, хандон отиб кулиб юборган Юлдузхонга қараб жилмайди да, оғини зўрга судраб боса-боса мен томонга юрди.

Қўлимни узатиб, тортиб олдим.

— Эҳтиёт бўлинг, опа. Бунақада ботиб кетишингиз ҳам ҳеч гап әмас!

— Ҳозир ботсак ҳам ёзда янраймиз! — кулди Амина опа.— Дехқон бўлсанг шудгор қил, деганлари мана шу да, укажон!

Атиги бир соат олдин жуда совуқ қарши олган бу ўкташ аёлнинг «укажон» дейиши қулоғимга илиқ әшитилиб, күнглимини эритиб юборди.

— Демак, келаси йили яхши ҳосил кўтарасиз,— дедим уни хурсанд қилиш учун.

Амина опа жавоб бермади. Тобора узоқлашаётган трактордан кўзини узмай сўради:

— Қаёққа кетяпсан?

— Шу... айланиб юрибман...

— Бекор юргунча Мўминжон акангдан бир хабар олиб қўйсанг бўлмасмиди,— деди Амина опа ҳамон юзимга қарамасдан.

Мен Мўмин аканинг бултур планини бажаролмаганини билардим, бундан ўн кун олдин Салтанат муносабати билан келганимда у: «Албатта бажарамиз, мулла!» деб жавоб берган эди, лекин Амина опашинг киноясига караганда, бу йил ҳам ишлари пачавага ўхшаб қолди.

— Нима, бу йил ҳам бажаролмасмикан планини?

— Иўқ, нега, мухбирларнинг ёзишига караганда, бажаришлари керак!— Ами-

на опа яна истеҳзоли кулимсиради ва түсатдан кўзлари чақнаб юзимга тикилди:— Икки гапнинг бирида, деҳқонмаш деб, кўкракларига урадилару, деҳқонга муносиб иш қилмайдилар. Мана, уч йил бўлтики, далалари шудгор кўрмайди. Бир қоп ёмон кўсак деб, ўн центнер пахтадан маҳрум бўладилар. Хотин-қизларнинг меҳнатини-ку айтмай қўя қолай! Сиздақа мухбирлар бўлса... Мисол қилиб ёзишгани ёзишган. Мисол керакми давлатга, ё пахтами?

Беихтиёр кўзидан кўзимни олиб қочдим.

— Хўп, майли,— бир оз юмшади Амина опа,— хафа бўлманг, укажон. Шунчаки... тоҳо куйиб кетасан киши!

У боғларга қараб кетди, мен эса, кўнглим боягидан ҳам ғаш бўлиб, сойга томон бурилдим.

Сой бўйида, чуқур жарликнинг остида беш-ўн тул жийда бўларди. Сойга яқинлашганимда шу жийдазордан шўх кулги, қий-чув овозлар эшитилди.

Мен мактаб ўқувчилариридир, деб ўйлаган әдим, бориб қарасам, пахтакор қизлар экан.

Бир-иккитаси жийданинг тепасига чи-

қиб шохларини силкимоқда, қолғанлари, оёқларида ботмон-ботмон лой бўлса ҳам, худди ёш болалардай бир-бири билан қувлашиб, талашиб-тортишиб дувдув тўкилаётган жийдаларни теришмоқда эди.

Жийда қоқаётган қналардан бири менни кўриб қолиб:

— Жийда енг, амаки! — деди-да, қийкириб кулиб юборди.

Ердаги қизларнинг ҳаммаси баравар менга қарашди.

— Вої ўлай, райондан келган вакил бўлмасин! — деди биттаси ва ўз ҳазилидан ўзи уялиб юзини яширди.

— Вакил бўлса нима, ишни қойил қилиб қўйгандан кейин ўйнаймизни, жийда терамизми, ихтиёр ўзимизда-да! — деди иккиячиси.

Ҳамма қизлар бирдан хандоя отиб кулишиди.

Жийданинг дув-дув тўкилиши, қизларнинг қий·чуви беғубор болалик йилларимни, мактабдан қайтаётганда девор ошиб олма ўғирлашларимизни, қўйнимизни ёнроқча тўлдириб, кўча чангитиб юрган чоғларимни эсимга туширди-да, кўнглим алланечук бўлиб кетди.

Кабинетда ўтириб нозиклашиб қолғанимни эндигина сездим: қирга қараб сал юрмасданоқ ўпкам оғзымға тиқилиб ҳансирай бошладим, қир тепасиға чиққанимда эса тиззаларим қалтираб, тинкам қуриган эди.

Солининг икки томонига жойлашган қишлоқ, гарчанд бөглар яланғоч бұлса ҳам, күнглимға «жиз» этиб тегди да, күзимға жуда файзли күршиңб кетди. Қир тепасидан у худди суратдай бежирим ва гүзәл туюларди, пастда, сой бүйіда ўтлаб юрган әчкілар тепадан худди донлаб юрган товуқларға ўхшаб кетарди.

Анчагача жарлик ёнидаги жиідазорға, қоп-қора яланғоч бөглар орасида япроқлари түкілмаган ва бир қараашда худди атласға ўранған қызларни эслатадиган битта-ярымта тут ва олмаларға тикиліб үтирдим, аммо салдан кейин хаселим яна Салтанатта кетди, тұгрироги, у ҳақда бенхтиёр ўйлай бошлаганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

Таъбим шундай хира, юрагим шундай сиқилған, Салтанатнинг олдида қаттың гуноқкордаіман. Аммо бу ҳаммаси Салтанатнинг күтилмаганда фельетонни күш-

лига қаттиқ олиб, касалхонага түшиб қолғандан эмасмикан? Ахир бундай пайтада кишининг кишига раҳм-шафқати ортиши табиний-ку? Афтидан, шундай бўлса керак, чунки мен нечоғлик ўйла-май, виждоним олдида азоб чекишимга бирор асос тополмас эдим. Ахир фелье-тон ёзилмасидан анча аввал худди шу Салтанатни кўкларга кўтарган, шуҳрати бутуни республикага таралишига сабаб бўлган ҳам ўзим эдим-ку?! Шунга қа-рамасдан, бу фельетонни ҳам мен ёзган эканман, бу ишни одатдаги таъбир билан айтганда, онгли равишда қилған эдим-ку? Ё бирор жойда янглишдимми, бирор мени чалғитдими?

Яна ўйга толдим.

III

Салтанат билан ҳамқишлоқман десам бўлади. Бизнинг қишлоғимиз бу ердан ниҳояти беш-олти чақирим юқорида, тоғ оралиғида. Қишлоғимизда фақат бошланғич мактаб бўлгани учун бешинчи синфдан бошлаб шу қишлоқдаги ўрта мактабга қатнаб ўқирдик.

Мен Салтанатни илк бор институттинг иккинчи курсини тамомлаб, каникулга келганимда күрганман.

Биз бир гурух йигитлар ёзги клуб олдида кино бошланишини кутиб турғандык, Салтанат иккى дугонаси билан кетиб қолди. Оёғида пушти ранг босоножка, эгнида нафис хонатлас күйлак, бир үрим йүғон қора сочи белніг түшиб турған бұқыз ҳатто ёнидаги истараси иссиққина дугоналари олдида ҳам гүё Зұхра юлдузидай қарақлаб ажралып турарды.

Оппоқ лўлпи юзи, шўх қуралай кўзлари кулиб, аллақандай порлаб турар, ўзи ҳам дуркингина бир қиз эдики, дафъатан мен уни бир ёқдан практикага келган студенткамикин, деб ўйлабман. Аммо шу маҳал, ёнимдаги йигитлардан бири:

— Уни қара! — деди кўзини қисиб.— Эндиғина саккизинчини битирди ю, аммо аллақачон...

Йигит тилга олиб бўлмайдиган бир сўзни айтиб, хандон отиб кулди.

Шундан кейин Салтанатни ўнинчи синфни битирувчилар кечасида (бу тўйга одатдагидай ҳаммамиз йигилган эдик) кўрдим.

Салтанат яна ҳам очилыб, түлин ойдек чарақлаб, шундай яйраб-яшнаб кетган эдиккі, қараган сайин қарагинг келарди. Лекин кече давомида у ёнидати новча, қотма йигитдан бир қадам ҳам силжимади. Ҳатто ұша йигитдан бошқа йигитлар билан танцага ҳам тушмади. Бу бошқа йигитларнинг ғашини келтирар, дилларида ҳасад үйғотар, бироқ бунга ҳеч бир асос Ыўқ, чунки Салтанатнинг үзи бошқа қизлардан қанчалик ажралиб турса, унинг Йигити ҳам бошқа йигитлар орасыда шунчалик күэга ташланиб турар эди: нафис түлқинланиб, чап қошигача тушган қилин қоп қора сочи, келишган қийғир бурни чөхрасига аллақандай жасорат бағишлаган, худди қизларниңдай катта қора күзлари эса, аксинча, чөхрасига аллақандай маъсумлик бахш этар эди.

Йигитнинг исми Қулақмад эди. Мен унн сал танирдим. У биздан уч-түрт синф юқори үқиған, мактабни тутратгандан кейин армияға чақирилди, яқындагина қайтган эди.

Гоҳо мен Салтанат билан Қулақмад бир-бирларига мулоим жилмайиб қаратанларини күриб колардим. Шундай

пайтларда иккени ҳам қандайлир нурга чўмилиб, гўё баҳорда, бир кечада гулга кирган ниҳолдай яшнаб кетарди назаримда.

Шундан беш-олти ой кейин, ноябрнинг охирларида институтимиз қишлоқقا ёрдамга чиқди-ю. Салтанатни Мўмин ақанинг бригадасида учратдим.

Суриштириб билсам, ёзда Салтанатларнинг тўйлари бўлган, иккиси ҳам колхозда қолган — Қулаҳмад бригадада табелчилик қиласар, Салтанат теримчи бўлиб ишлар экан.

У баҳордагидан хиёл ўзгарган, оплоқ лўппи юзлари қуёшда куйиб корабиб кетган, бироқ ўзи илгаригидай қувноқ, ҳатто олов эди, доим кулиб, суэилиб турдиган шўх қуралай кўзлари ҳамон юракларни жизиллатар, жарангли кулгиси дилларни қитиқлар эди.

Уша йили у ўн тошна пахта тернишга вайда берган, биз борган куплари вайдасини бажариш арафасида турган экан.

Дарҳол суратини олдиму, кичикроқ бир лавҳа ёзиб газетага юбордим.

Менинг омадим юришиб турган эканми, ё Салтанатнинг бахти чопган экан-

ми, пшқилиб, бир ҳафта ўтар-ўтмас унинг кулиб тушган сурати ва каминанинг лавҳаси (лавҳага «Жарқудук чевари» деб ном қўйишибди) газетанинг биринчи саҳифасида босилиб чикди.

Уша куни кечқурун Қулаҳмад мени уйларига таклиф қилди.

Улар идоранинг ёнгинасида, икки хонали шинамгина бир уйда туришаркан. Бизни Қулаҳмаддиниг опаси — олтмиш олтмиш беш ёшлардаги мулойим бир кампир қарши олди. Келин-куёвнинг хонаси бўлса керак, бежиримгина бе-затилган хонага жой қилиб, олдимиэга дастурхон ёэди.

Қош қорайиб қолганда даладан Салтанат ҳам қайтиб келди. У келиши билан ҳовлига мисоли жон кириб, уйнинг файзига файз қўшилди. Елиб-югуриб ўчоқка олон ёқди, бир лаҳзада жаз-буз қилиб, ўртага бир лаган қовурма палов келтириб қўйди. Қулаҳмаддинг «яримта»си бор экан, у ҳам очилди.

Ярим кечагача чақчақлашиб ўтирилик. Яримтанинг кучиданми, ё Салтанат билан Қулаҳмаддиниг иноклиги, гоҳо кўзимни шамғалат қилиб жилмайиб қўйиш-

лари, эхтиросли боқишилари күнглимга жиэжис теккан эканми, ишқилиб, кетаётиб: «Киройи турмуш шундай булсада!» деган гап күнглимдан ўтгани эсимда.

Менинг лавҳамдан кейин Салтанат түғрисида бошқа газеталарда ҳам биринкита хабарлар чиқди-ю, шу-шу бир ҳафтада машҳур бўлиб кетди.

Шундан кейин Салтанатни ҳам, эрини ҳам бир йилча кўрмадим. Фақат бултур ёзда, ўшандаги машинада ўтиб кетаётуб, Салтанатга узоқдан кўзим тушиб колди: у оёғида этик, елкасида кетмон, бир гурӯҳ қизлар орасида, кўча бўйидаги пахтазорда кетиб борарди.

Бу йил тоҳ Матлуба, тоҳ бошқа ишлар билан бўлиб қишлоққа умуман боролмадим; Салтанат эса ёдимдан ҳам чиқа бошлаган экан, бундан иккига ҳафта олдин релаксияга келган бир хабар эсимга солди.

Хабарни ўқиб, кўзларимга ишонмадим. Унинг номи ҳам бўлакча — «Меҳнатни «роҳат»га сотган танноз!» бўлиб, «роҳат» сўзининг қўштириноқ ичига олингани ниҳоятда таажжублантириди.

Хабарда гап Салтанат ҳақида борар-

ди. Гүё у деярли бир йилдан бери колхозда ишламай қўйган, эридан ҳам ажраб кетган, яқиндан буён эса, соғ меҳнат орқасида эришган яхши номига доғ тушириб, сельпо ошхонасида буфетчилик қила бошлаган, ҳатто ёш йигитларни йўлдан уриш даражасига бориб етган эмиш!

Агар хабарининг тагида Маҳмуднинг имзоси бўлмаса, бу гапларга сира ишонмасдим!

Маҳмуд колхоз кутубхонасида мудир булиб ишларди. Гарчанд, қиёфасидан техникумни тамомлаган кап-катта йигит эмас, гўё саккизинчи синф ўқувчисига ўхшаб кўринса ҳам, ўзи анча басиқ, ишчан, штатсиз мухбирларимиз орасида энг пухта, энг сермаҳсул ва ишончлиларидан ҳисобланар эди.

Мухбирликдан ташқари шонрлиги ҳам бор, ҳар келганимда қўлимга дафттар-дафттар янги шеърларини тутқазар, умумак, содда, софдил бир йигит эди!

Хабарни ён чўнтақка солиб, эртасига-еқ йўлга тушдим.

Қишлоққа келишти билан ҳаммадан бурун Маҳмудни толиб олдим. Кутубхо-

напиңг зах, ним қоронги хонасига кириб олиб, бир соатча гаплашдик.

Маҳмуд хабарта құшимча қилиб, шунақа нарсаларни гапириб бердики, қулоқларымга ишонмадим.

— Бўлмаса...— деди Маҳмуд, кўзой-наклари устидан юзимга жиддий тикилиб.— Наҳот турмушимизда ҳанузгача хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабат мавжудлигини кўрабила туриб аёл кишини қоралаб ёсам? Мажбур бўлдим, сабаб — бутун қишлоқ норози. Ёшларга салбий таъсир кўрсатяпти. Умуман... сиз кўрган Салтанатнинг соясига ҳам ўхшамайди у хозир. Жа... бошқача бўлиб, очилиб кетгани...

Маҳмуддинг оғзи, заҳил юзига қоп тепди, пешонаси, бурининг учини мунчоқ-мунчоқ тер босди.

Мен:

— Балки эри... — леб эътиroz билдиromoқчи бўлған эдим, Маҳмуд қўлини силтади:

— Қўйнинг ўша ландавурни! Үнга қолса Салтанатхон шу бугун қайтиб келса-ю, у оғига йиқилса!

— Бўлмаса нега бупақа айниб қолди?

Шамол бұлмаса теракнинг учи қимирла-
майди, ахир!

— Сабаби... — Маҳмуд пешонасики си-
лаб кинояли жайлайди. — Қишлоқда ҳар
хил гап юрибди. Үтган йили қишида тоби
кочиб, бир-икки ой шаҳарда — касалхо-
пода даволанған. Нима бўлса ҳам ӯшан-
дан бўлған. Одамларнинг гапига қара-
ганда, касалхонанинг бош врачи билап
ҳам ҳалигидақа...

— Нима керак, бунақа миш-мис! Ғий-
батларни гап деб гапириб? Сиз мухбир-
ку, ахир!

Маҳмудники ҳам тутиб кетди чоги, лаб-
ларни титради:

— Майли! Эяди индамаганим бўлсин!
Бу ёғини ўзингиз ҳал қилинг! Аммо бирон
сўзим ёлғон чиқса, калламни олнинг!

Бир ўйим тўғри Салтанатнинг олдига
бормоқчи ҳам бўлдиму, бир оз мулоҳаза-
дал кейин аввал колхоз раҳбарлари би-
лан учрашишин, қолаверса, Қулаҳмад-
нинг қўйнига қўл солиб, у ёқ-бу ёғини
суринтириб кўришин маъқул топдим.

Колхоз раиси яқиндагина сайланган,
илгари райкомда ишлатган Камол деган
ёш йигит эди. Шаҳарга келиб-кетиб тура-
диган ҳамқишлоқларимдан уни анча

уддабурон, бамаъни йигит, деб эшитган бўлсам ҳам, ўзини яхши танимас эдим. Партия ташкилотчиси эса, бизнинг қишлоқдан чиққан, бир маҳаллар районда женотдел ҳам бўлган Ҳалима опа деган соддагина бир аёл эди.

Мен аввал Ҳалима опа билан учрамоқчи бўлдим. Бироқ баҳтга қарши Ҳалима опа ҳам, раис ҳам идорада йўқ — икковлари ҳам районда экан. Фурсатни бой бермаслик учун Маҳмуд билан маслаҳатлашдим-да, Мўмин аканинг бригадасига кетдик.

Бу бригада шийпони қишлоқнинг чеккасида, шаҳарга борадиган тош йўлнинг шундоқ бўйида эди.

Биз борганда тушки овқатни ёб бўлган теримчи аёллар қоп-қанорларнин елкаларига ташлаб, бирин-кетин пактазорга кириб кетишмоқда эди.

Бригада бошлиғи Мўмин ака билан Қулаҳмад шийпоннинг кунгай томонида эпдигина овқатланиб бўлиб, ҳисоб-китоб қилишаётган экан.

Қулаҳмадни кўриб юрагим беихтиёр «шиғ» этди. Афт-апгори ҳам, аҳпол-руҳнияти ҳам жуда ғарив эди: соч-соқоллари ўсиб, юзлари қорайиб кетган, бир маҳал-

лар чөхрасынга мардлик ва жасорат бағишилаган қийғир бурни сүррайиб қолибди. Босида эски дүлли, әгнида кир пахтали фуфайка, қандайдир жуда чўкиб кетган, фақат қиаларникига ўхшаган катта, бурунгидай чиройли маъюс кўаларигина худди нажот кутгандай жовдираਬ турар эди.

У мени кўрганда ўша масъуд дамлари эснга тушиб кетдими, ё бошқами, ишқилиб, бирдан кўзлари чақнаб, ўрнидан иргиб турди, қўл қовуштириб салом берди. Мўмин ака ҳам мийигида жилмайиб, худди ёши улуғ одамни қарши олаётгандай, пешвоз чиқди:

— Э, келинг, мулла, келинг!

Қулаҳмад дарҳол чой-пой тараддуғига тушди. Биз Мўмин ака билан у ёқ-бу ёқдан, кўпроқ пахта ҳақида, бригада планини бажара оладими-йўқми, шу тўғрида сұхбатлашиб ўтирдик.

Мўмин ака чиндан ҳам қўйдек ювош, исми жисмига монанд жуда мўмин-қобил бир одам эди. Лекин омади кетган эканми («Бир бахтингиз чопмаса, шунаقا бўлар экан, мулла!»), ё бошқами, ишқилиб, бултурдан беря планини бажара олмай кўнгли чўкиб қолган эди.

Қулақмад патнисда иккита нон билап бир чойнак чой олиб келди, рұпарамиэга чўккалаб, чой қуя бошлади.

У келгандан кейин гап узилди-да, үнғайсияланиб жим қолдик. Окири үзим сўз очишта мажбур бўлдим:

— Хўш, бу қандоқ бўлди, Қулақмад ака? Салтанат масаласини айтаман...

Қулақмад кўзлари жавдираб қандайдир вянчли жилмайди, дўпписини бошига ишқалаб, жойнда бир қўзғалиб қўйди.

— Ҳа, энди,— деди дудуқланиб.— Бил-масак... Шу... Шундоқ бўлди-ку!

— Шундоқ бўлишига сабаб? Эҳтимол...— зўрма-зўраки кулдим.— Эҳтимол, бой-феодалларча муомала қилгандирсиз?

Қулақмад ялт этиб юзимга қаради. Катта маъюс кўзлари тўсатдан ғалати чарақлаб кетди.

— Мана, дастурхон устида ўтириб-миэ!— деди у, алам-изтиробга тўла ҳазин овоз билан.— Икки йил бир ёстиққа бош қўйиб ақалли бир марта санлаган бўлсам, йигит ўлай, мулла ака!

Қулақмад шундай фигони чиқиб, шундай куйиниб гапирдикни, вужудим жимирилаб, аламли кўзларидан кўзимни олиб қочдим.

Үртага яна жимлик чўкди. Назаримда, Қулаҳмад йиғлаб юборадигандай туюлди. Пайқаб ўтирибман. Маҳмуд бир-икки марта: «Хўш, ака, энди инондингизми?» дегандек зидан қараб қўйди, бироқ мен индамадим, бир нима дейишга тилим ҳам бормади, чунки, фавқулодда кўтарилган зўр довул ёш ниҳолли қандай эгса, бу мусибат ҳам Қулаҳмадни шундай эгиб кўйгани усиз ҳам кўриниб туради. Ниҳоят, Мўмин ака томоқ қириб, бир йўталиб олгандан кейин:

— Энді, ўзингиздан қолар гап йўқ, мулла,— деди босиқ оҳангда.— Бугунги сиёсатда хотин-қизларга бир нима деб бўлмайди-ю, аммо-лекин нафси ламрни айтганда, Қулаҳмадда гуноҳ йўқ. Бир йигит шунчали бўлар, мулла. Бир ярим-икки йил муроса қилиб бир оғиз ёмон гапирганини билмайман. Тағин билмадик — ҳозир хотинларнинг даври келган!

Гарчанд вазият қанчалик оғир бўлса ҳам, шундай кулгим қистадинки, ўзимни аранг босдим. Айни маҳалда ортиқча гапга ҳам ўрни қолмаган эди.

Биз қўзғалдик. Хайрлашаётганимизда Қулаҳмад:

— Энди... ўзингиздан қолар гап йўқ,

Мулла вка,— дели, этигининг учи билан
ер чизиб.— Салтанат сизни жуда иззат
қилади... Етиги билан бир гаплашсангиз.
Майли, мен тайёр. Майда-чуйда гап-сўз-
ларни эшиитмаган бўла қолай, инсофга
келсин.

Тўғрисинни айтсам, Қулаҳмаднинг гали
менга унча ёқмади: Ахир йигит деган ҳач
шуниقا бўладими? Қадр-қимматини бил-
маган бир кимса олдида ўзини шунича-
лик ерга урадими? Йигитлик ғурури, из-
зат-нафс дегандан зифирдек борми ўзи
унда?

Бу хаёл кўнглимга келса ҳам, дард
устига чипқон бўлмасин деб, индамай
қўя қолдим.

Шийпондан чиқиб, тош йўлга яқинлаш-
танимизда ён томондаги пахтазордан
бизга қараб келаётган уч-тўртта қиз-жу-
вонларни кўрдик. Олдинда ҳали Амина
опа бригадасида кўрганим тракторчи қиз
Юлдузхон келмоқда. Бошқа қизлар биз-
ни кўрганда аллақандай ийманинқираб
қолишди, у эса қадди-қоматини яна ҳам
хушбичим қилиб кўрсатган бежирим
этакчаси билан қовжираган ғўзапоялар-
ни гарч-ғурч босиб, дадил юриб қелди-да,
бирдан тўхтаб:

— Салом, ўртоқ мұхбиә! — деди юлдуздек чарақлаб турған шұх, қора құзларини сал сузиб. Қизнинг комбинезон ярашиб түшгән хүшбічим қомати, солдаттарча битта-битта қадам ташлаб келиши, кулимсираб галириши менга жуда ҳуш ёқиб түшди-ю, беихтиёр жилмайдым:

— Салом, синглім, келинг.

— Келдик,— деди Юлдузхон ва истіхола қилиб үзокроқда түхтаган дугоналарига үйрілди:

— Вой, мунча ҳүрнаймасаларинг? Келиб қўришинглар ақалли...

Шу пайт орқадан бўш араванинг тарақ-туруғи эшитилиб, қизнинг сўзи оғзида қолди.

Биз қайрилиб қарашга улгурмасданоқ ёнимизга қўш от қўшилган шотилик арава келиб түхтади. Аравада Мўмин ака ўтиради. Ү пишқириб юлқинган отларни баёўр түхтатди ва учлари пастга осилган яккам-дуккам мўйловлари тагидан жилмайиб, тракторчи қизга юзланди:

— Хўш, Юлдуз қизим, қундуз қизим, мулла акасини кўргилари кепти-да, лаббай?

Үзокроқда турған қизлар уялишиб

юзларини тескари буриб олишди. Юлдузхон эса, аксинча, ғуур билан бош силкиди:

— Ҳа, бир күрайлик девдик!

Мўмин ака дўпписини тўғрилаб, қошини учирди:

— Ҳа, кўрса арзигудек йигит. Аммолекин... айтадиган гапларинг борми? Бўлса айтиб қолинглар, қизларим.

Юлдузхон ҳамон кўзларини сал қисиб юзимга тикилиб турарди.

— Қани-қани, оппоқ қизларим, гапларинг бўлса айта қолинглар,— деди Мўмин ака.— Мулла маҳтал бўлиб қолмаснилар, Юлдуз қизим.

Юлдузхон индамади, у ҳануз кузиш мендан олмасди. Унинг бу қарашидан аллақандай бўлиб кетдим:

— Рост, гапларинг бўлса, марҳамат, айтинглар.

— Иўқ!— деди киэ тўсатдан.— Шунчаки...— Унинг қоп-қора ингичка қошлари чимирилиб, лабларининг четида ғалати табассум жилва қилди.— Шунчаки... Сизни бир кўриб қўйтгани келувдик, мухбир ака!

У кескин буршиди-да, чопқиллаганича ўзини дугоналарининг даврасига урди.

Қызлар ҳам худди бир нимадан чүчиб кетгандай «гур» этиб, пахтазорға шұнғиши.

Мен бир лақза анграйиб, қараб қолдым, назаримда, қызларнинг бу қилиғи бежиз әмас, бу ерда қандайдир бир сир бордай туюлди.

Шу пайт Мұмин ака қамчисини чарсиллатиб қолди:

— Бу ҳам үшанинг касофати, ҳамма ёш-яланғни йўлдан уриб бўлди, беҳаё!.. Қани, чиқинг аравага, мулла!

Мұмин ака азбаройи кубиб кетганидан бўлса керак, қишлоқ кўчаларига кириб борганимизча оғиз очиб лом-мим демади, бироқ аравадан тушаётганимизда қўлтиғимдан ушлаб четга бошлади.

— Мен сизга яна бир гап айтай, мулла,— деди у, бўйники қашиб,— худо йигит одамга бунақасини рўпара қила кўрмасин. Тунов куни буфетнинг олдидан ўтиб кетаётсан, қаршимдан чиқиб қолди денг. Қошини учирив: «Юз грамм отиб кетинг, почча!» деса бўладими! Олпоқ соқолим билан-а!— У киртайган кўзларини қисиб ва бошини аламли чайқаб кулимсираб қўйди.— Аммо-лекин йигит ўзи ярашиши хоҳлабди — бир нима де-

ёлмаймігэ. Үзингиздан қолар ғап Ыүқ, ука, бригадада ёш қызлар күп, ишқишлиб, үшаларга касофатті тегмаса бўлди бизга.

Афтидан, у Салтанатнинг бригадага қайтишини хоҳламас, айни замонда Қул-аҳмаднинг кўнглига озор беринин ҳам истамас эди.

Ростини айтсам, Мўмин аканинг бу гаплари дилимга бир оз шубҳа солиб қўйди. Ахир бизда гоҳо арзимаган нарса-гаёқ аёл кишининг номини ёмонга чикариш ҳоллари йўқ эмас-ку? Мўмин ака ҳам ўша эски ақидаларнинг таъсирида гапирмадимикан бу гапларни? Бўлмаса, наҳот битта гапга, эҳтимолки, ҳазил гапта шунча маъно бераб, катта сирдай четга тортиб, қулоғимга шивирлаб юрса?

Айни маҳалда бунинг ҳаммаси хаёлимни қитиқлаб, кўнглимдаги қизиқишини тагин ҳам аллангалатиб юборган эди. Хуллас, бу сафар идорага киришга ҳам сабрим етмасдан, тўғри сельпо ошхонаси томон йўл олдим.

Маҳмуд ёнимда ўрдак юриш қишлиб, йўрғалаб борар, гоҳо-гоҳо кўзойнаклари устидан қараб қўяр эди. У йўлда, аравада келаётганимиэдаёқ бир-иккى марта چўнтағидан қалин ён дафтирининг учини

чиқариб күрсатиб қўпли. Бу шеърлар й бўлиши керак, афтидан, менга кўрсатишга ошиқар, лекин гап очмаганимдан кейин айтишга ийманар эди.

Сельпо ошхонаси катта кўчанинг муло-лишида, бурунги замондан қолган боло-хоналик уйда эди. Уйнинг биринчи қава-тида катта дўкон, болохонада эса ошхона билан буфет жойлашган эди.

Биз идорадан сал ўтмасданоқ дўкон томондан радиола овози эшишилди.

— Ўша! Салтанатхон! — деди Маҳмуд, маъноли кулимсираб.

Болохонали уйга яқинлашганимизда, у қандайdir безовталаниб, типирчилаб қолди, назаримда, Салтанат билан учра-шишдан қўрқаётгандай туюлди.

Дўконнинг ёнидан ўтаётганимизда тепада, буфетнинг эшигида, эгнида сурранг макингош, қўлида похол шляпа, қадди-қомаги келишган, қотма, новча бир пигит кўринди. Йигитнинг қора ма-гиздан келгин чўзиқ юзи, катта қинғир бурни, айниқса, қош-кўзининг қоралиги уни бир оз лўлига ўхшатиб кўрсатар, ла-бининг четидаги пичоқ тилғандай ингич-ка, чуқур тиртиги негадир бу ўхшашлик-ни тағин ҳам кучайтирган эди.

Маҳмуд уни күриши билан галати бўлиб кетди.

— Ия, Камол ака-ю! — шилшиди у.— Қаранг, ҳали бизга, районга кётди дейиншувди, бу ёқда юрибди-ку? Миш-мишларда жон бор эканда бундан чиқди.

Миш-мишларда жон борми-йўқми, буни билмадиму, бироқ, бизни кўрганда Камол ака ҳам хиёл ўнғайсиэланиб қолгандай бўлди. Пастга тушиб кўришастганида эса, лўлиларга ўхшаган мардона қиёфасига мос тушмаган уятчанлик билан қулоқларигача қизариб кетди.

Мен ўзимни таништириб, жўрттага идорада бўлган гапни айтувдим, у негадир баттар қизариб, қисилиб-қимтиниб қолди:

— Йўқ-йўқ,— деди у қоп-қора, қалин қошларини чимириб.— Районда нима қиласман? Шу ерда... жиндек овқатланай деб... Марҳамат, мен тайёр,— қўшимча қилди у.

— Раҳмат, олдин Салтанат билан ташлашиб олайлик.

— Яхши, мен идорада бўламан,— деди Камол ака ва шошиб хайрлашди.

Мен зинапояга оёқ қўйишим билан юрагим бирдан орзиқиб кетиб, юзимга

Песнек қон тепди: болохона эшигилда Салтанат турарди!

Оёғида пошиаси баланд бежирим қизил туфли, әгнида оҳори тўкилмаган оқ ҳалат. Яна бу ҳалат шундай усталлик билан тикилганки, анча тўлишган қадди-қоматини, туртиб чиқиб турган кўкрагини кўз-кўз қилгандек. Бунинг устига, қуралай кўзларини, лабларини шундай нафосат билан бўяган, соchlарини эса пешонасига тушириб, ҳаво ранг капрон дуррача билан томогининг остидан шундай танғиганки, ҳар қандай йигитни ҳам маҳлиё қилиб қўяди десам, лоф бўлмас.

Салтанат мени кўриши билан бир озилирчилаб, довдираб қолди. Ҳар ҳолда менга шундай туюлди. Лекин бу бирдақиқагина давом этди, кейин ҳушини йиғиб олди шекилли, қўлларини орқасига қилиб, эшикка суюнди-да, кулимснради.

— Ия, келинг, Үчқун ака! Оламда бормисиз? Сизни ҳам кўрадиган кун бўларкан-а, ёзувчи ака?— деди, қошларини ғалати учирив.

Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди! Хайрият, Маҳмуд жавоб топиб қутқариб қолди:

— Ани мөхмөн йўқлаб келганда бир пиёла чойингиз борми, ё?..

— Марҳамат, чой-пойни билмадиму, бироқ юзта-юзтадан доим топилади! — Салтанат бошини силкитиб бир кулди-дя, лип этиб ичкарига кириб кетди.

Зинадан чиқар эканмиз, Маҳмуд этилиб юзимга қаради ва маънодор жилмайди.

— Кошини учиринин кўрдиларми? Жа...

Жеркиб ташладим:

— Нима керак шу гап? Ё ҳасадинг келяптими сенга қошини учирмагани учун?

Маҳмуд қулоқларигача ловуллаб, пиншиллаб қолди, аммо индамади.

Буфет деганлари энига уч, узунига тўрт метр келар-келмас торгина бир хона эди. Хонанинг ўртасида озодагина оқ дастурхон ёпилган учта стол турар, тўрда, ёғоч тўсиннинг орқасида катта эски буфет бўлиб, буфетга ранг-баранг шишалар терилган, беиш-олти банка консерва, папирос ва бошқа майда-чуйдалар ҳам қўйилган эди.

Ёғоч тўсиннинг бир четида пластинка жойланган қутичаси билан «Белорусь» приёмниги турарди.

Биз кирганда Салтанат устуңға сүйи-
ған қолда пешонасига түшгаш жинга-
лак сочларини түгрилаб, ҳаво ранғ дур-
расини қайта таңғимоқда эди. Шу пайт
унинг оппоқ нозик бармоқларида ялт-
ялт чақнаган ёқут күэли тилла узукка
күзим түшди.

Биз киришимиз биләп у қаддини
ростлаб, кулимсиради.

— Марқамат, ёзуучи якалар! Түрга
чиқинглар!

Ажабо! Наҳот күэларини айёронса су-
зинб қулиб турған бу ёш жувон мен
яхши билған, бир оз шұх, чүрткесар,
айни замонда ниҳоятда иффатли, меҳ-
натчан Салтанат бўлса?

Салтанат үзига қандайдир ярашиб
түшган ўғри тишини күрсатиб, Маҳмуд-
га қараб жилмайди.

— Кечирасиз, сиэга қайсисидан қуай,
ўртоқ тонг юлдузи?

Маҳмуд яна боягидай типирчылаб,
үзини қўядиган жой топмай қолди.

— Тонг юлдузи? — тушунмадим мен.

— Ҳа, бу акамлар колхозчи қиёлар
түғрисида донм газетатага «Тонг юлдуз-
лари» деган мақола ёзғанлари ёзған.
Шунга айтаман да!

У бизни мазах қилаётганига энди шубда қолмади. Тўрдаги столга утиб ўтиредим.

— Менга қаранг, Салтанатхон, сиз билан бир жиддий гаплашсак деб келувдим.

— Раотдан-а?

— Бу гапнинг куладиган жойи йўқ-ку?

— Нега энди куладиган жойи бўлмас экан? Наҳот шундай чиройли, ёш жувон билан жиддий гаплашмоқчи бўлган ёш йигит ёлғиз келмасдан, шеригини бошлаб келса?

Боядан бери ундан сира кутмаган гапларни эшитаётган бўлсан ҳам, бунчаликка боришини тасаввур этмаган эдим. Уят ва ғазабдан карахт бўлиб, анчагача тилим гапга келмай қолди. Салтанат эса қуралай кўзларини сал сузив, кулимсираб турарди. Афтидан, Маҳмуднинг ёзганлари, ҳамқишлоқларимнинг миш-мишлари бежиз эмас, у билан гаплашиб ўтиришининг фойдаси йўқ эди!

— Хўп, майли бўлмаса,—дедим ниҳоят.—Агар гаплашишини хоҳламасангиз, нима ҳам дердим.

Мен Салтанатнинг яна бир шима деб

пичинг отишини, ё мазаҳ қилишини кутгани эдим, бироқ у түсатдан бошини кескин силкиди-да, лип этиб келиб рўгарамга ўтири.

Энди чақнаб турган қуралай қўзларининг, билинар-билинмас бўялган лабларининг четидаги бояги хиёл шўх, хиёл кинояли табассум ўчган, қиёфаси кескин эди.

— Мен билан гаплашиб нима қилардингииз? — деди у, қўлларини ияғига тираб. — Бор гапни Мўмин акангиздан сўраб қўя қолмабсиз-да?

Беихтиёр кулимсирадим.

— У киши билан ҳам гаплашдик.

— Гаплашган бўлсангииз бўлти-да.

Мендан нимасини сўрайсиз?

Мен ўзиҳни босиб, хаёлимни йиғиб олиш учун бир оз сукут сақлаб, бир-иккни йўталиб қўйдим.

— Ҳар ҳолда бир-биrimизни таниймиз, — дедим ниҳоят. — Сизнинг ҳақингизда биринчи марта газетага ёзган ҳам мен эдим.

— Раҳмат.

— Шундан кейин помингиз чиқди, эл-юртга танилдингиз...

Салтанат түсатдан қўлларини иягидан

тортыб олди, тилла узук чақнаган оппоқ, нағис бармоқлари биләп столни асабиң черта бошлади.

— Биламан, илгари яхши эдим, одобли эдим. Иш күрсатиб номим чиққан— бунням биламаи. Бироқ.. мумкин бўлса, тинч қўйинг мени, акажон! Ном ҳам керак эмас менга, шон-шуҳрат ҳам.

— Нега? Ахир...

— Негалигини тушунтириб бергандир, ўша Мўмин акангиэ? Қолгани бўлса Қулаҳмад акангиздан сўранг. Ундан қолганини...— Салтанат кўзлари чақнаб Маҳмудга юзланди.— Ундан қолганини мана... «тонг юлдузи» айтиб берар!

Мен зимидан Маҳмудга қўз ташладим. У бошини қўйи солиб, стол устидаги ушоқ вонни юмалатиб ўтирас, қулоқлари ҳамон ловуллаб ёнар эди.

— Мен ҳайроиман,— дедим ниҳоят.— Эҳтимол, биз яшгишаётгандирмиз. Бироқ инсоф билан айтганда, Қулаҳмад аката ҳам осон эмас. Шундай мўмин-мулойим, камтар йигит...

Салтанат эрининг исмини вайтишим билан лаблари титраб, юзидан қон қоча бошлаганини кўргач, олдини олишга ҳаракат қилдим:

— Балки мен билмасман. Агар ёмон бўлса, сизга бой-феодалларча муносабатда бўлса...

— Бой-феодалларча муносабат эмиш! Кўлидан келса қилади-да бой-феодалларча муносабатни ҳам!

— Бўлмаса гулоҳи нима унинг? Уму-май... Ким билан гаплашсак кўнглингиз тўлади? Ҳалиги олифта раис биланми? Уша йигит...

Сўзим оғзимда қолди. Раиснинг исми-ни тилга олишим билан Салтанат худди чаён чаққандай ўрнидан сакраб турди:

— Йўқ! Тинч қўйинг раисни! Ишониб бўлармиди олифта раисга?! Ундан кўра... боринг тағин ўша Мўмин ака-нгизга!

Бу гап усиз ҳам тўлиб турган сабр косамни тоштириб юборди-да, беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим.

— Менга қаранг! — дедим бўғилиб.

— Раҳмат, қараб бўлдим!

— Ҳаддингиздан ошиббисиз, Салтанатхон. Ҳали ҳам бўлса сиздақа юзта буфетидан битта Мўмин ака яхши, чунки...

Салтанат гапимнинг охирини эшитмади, тўсатдан юзи оплоқ оқариб кетди.

— Яхши бўлса, боринг, мақташингииздан қолманг ўша ойим супургини!—деди титраб ва югуриб бориб эшикни шартта очди:

— Жўнаңг иззатингиз борида? Бўлмаса ҳозир дод соламан!

Кейин ҳар эслаганимда бир кулиб юрдим! Шунақаям крагим ўйнаб, капалағим учиб кетибдики, эшикдан бамисоли ўқдай отилиб чиқибман! Қарасам, Маҳмуд мендан ҳам бурун отилиб чиққан экан!

Авнал ғазабим қайнаб, дағ-дағ титрадим. Вужудимни ларзага солган бу титроқдан анчагача қутула олмадим. Кейин аста-секин титроқ босилиб, кулгим қистай бошлади. Ниҳоят, бошини ликиллашиб, йўргалаб бораётган Маҳмудга қараб хохолаб кулиб юбордим. Ахир ўзиңгиз ўйлаб кўринг: кечагина сиздан истиҳола қилиб, кўрганда уялганидан ўзини қаёққа яширишини билмай юрган бир қиз бугун сизни шундай беҳурмат қилса! Ҳаттоқи, ёш боладай калака қилиб ҳайдаб чиқарса!

Албатта, бир оздан кейин кулги босилди-ю, хаёлимни оғир ўйлар чулғаб олди: ахир, бунинг ҳаммаси ёшлар ора-

сида одобсызлик яа ахлоқсызлик күчайиб бораётганидаң далолат бермайдими?

Тұғрисини айтсам, шу маҳалгача катталардан шунақа галлар әшитсам, ёшларнің ахлоқсызлығы тұғрисида бирор нима деса, гашым келарди, ҳатто жеркиб ташлардим. Бүшің қаммаси «чолларга хос» бир нараса экаплығини күйиб-нишиб исбот қилардим, ё илжайиб құя қолардим. Аммо Салтанат билан бұлған тұқнашув күзимпі очди, биз күп нарсаларга енгіл қарай бошлаганимизни күрсатди. «Эскилік сарқытлари билан курашама», деб юриб, күп ажайиб аңъалалардаң айрилиб қолганимиздан далолат берди!

Маҳмуднинг бунчалик куюнишига, Мұмин аканинг бунчалик ташвишланишига шундагина түшүнгән здим. Ҳа, улар ҳақ: Салтанатни шу холда қолдириш уннинг үзиге фойда келтирмаганидек, бутун қишлоқ ёшларинің ахлоқыга ҳам ёмон таъсир қилишига шубҳам қолмаган зди!

Кечқуруп индорага бордим.

Ҳалима опа үз кабинетида экан, анча гаплашиб үтирудик.

Ү кейинги бир-иккі йилда хийла қа-

риб қолган, юмалоқ тұла юшни, күзларининг четини ажин босган, бироқ үзин бурунгидай сұзамол ва чұрткесар, айни замонда жұда солда ва оқ күнгил эди.

Салтанат тұғрисида фикримиз бир жойдан чиқди.

— Мен ҳам құрқиб юрувдим, еш яланға әмон таъсир қилаётганини күриб,—деди у.—Яхши қилибсан келиб!

Бирга Камол ақашынг олдига чиқдик.

Бу сафар раис түшда күрганимизидан ҳам хушбічім, айни маҳалда жуда еш күрніди күзимга.

Мен унга Салтанат тұғрисида өзмоқчи эканимни жүрттага очиқ айтмадым. Лекип хайрлашаётіб учини чиқарғандым, шунда ҳам бир сапчиб түшди.

— Билмасам энди,—деди худди күзимга тұғри қараңға юзи чидай олматап одамдай ерга тикилиб.—Нима қилибдикі, шунчалик...

Мен сұзини бўлдим:

— Бундан чиқдикі, бу юриши тұғри экан да? Шунақачи?

Камол ақа индамай қолди.

«Еш бўлсалар ҳам ўрганибдилар-да баъзи эски раисларининг қылгини!—де-

дим ичимда.—Тагин бу киши халққа ота-
хон бўлмоқчи эмиш!»

Жаҳл устида бир нима деб юбормас-
лик учун тишимни тишимга қўйиб совуқ-
қина хайрлашдим. Орқамдан Ҳалима
опа ҳам чиқди.

— Бу ёққа қара, бир оғиз гап бор.—
деди у.

Биз яна партия ташкилотчиси кабине-
тига кирдик. Назаримда, бу сафар Ҳа-
лима опа нимадандир ташвишланиб,
талласага тушиб қолгандай кўринди.

Мени диванга таклиф қилиб, ўзи
ёнимга ўтирди.

— Қишлоқда майда-чуйда миш-миш
гаплар юрувди,— деди у.— Мен бу гап-
ларга иномасдан, айтган одамларни
койиб берган эдим...

Мен унинг нима демоқчи эканини ту-
шуниб, бенхтиёр жилмайгандим, Ҳали-
ма опа:

— Сенга ҳам айтишдими?— деб кул-
ди-да, очилиб кетди:— Одамлардан
эшитгандирсан — халқ раисимизни жуда
яхши кўриб қолди. Еш бўлса ҳам пишиқ
чиқди: ишбилармон, мўмин-мулойим,
бировга сан демайди. Ўзиям механиз-
тор-инженер экан, анча янгиликлар ки-

ритялти. Бироқ... бу қыз билан гап-сұз бўлса, бўтун обрўси ер билан битта бўлади.

— Мақсадингизга тушундим, опа.

— Ҳа, балли!— Ҳалима опа эркалаб елкамни қоқиб қўйди.— Ҳозир пайқаб қолдим, олдини олмасак бўлмас экан!— деди у.— Обрўли одам, шу қизни деб иснодга қолмасин.

Мен: «Бирорларнинг жуфти ҳалолига кўз олайтириб юрган бир кимсаннинг обрўсини ўйлагунча, танобини тортиб қўйсангиз бўлмасмиди», дегим келди-ю, тагин ўзимни босдим.

— Хўп, қўлимнэдан келган ёрдами-мизни аямаймиз.

— Раҳмат, чироғим,— деди Ҳалима опа.

Хайрлашиб эшикха чиқсам, ҳовлида Қулаҳмад пойлаб турибди!

Бошида пилтаси чиқпіб кетган эски дўппи, оёғида йиртиқ-ямоқ этик, эгнида паҳтали фуфайка... Шу сабаб бўлдими, ё ўзим ҳам тўлиб турган эканманми, ишқилиб, ёши катталиги ҳам эсимдан чиқиб:

— Бу қанака юриш?— дедим тута-киб.— Бу юришда Салтанат сизни боши-

га урсунми? Умуман... Йигитмисиз, ё латта?

Қулақмад шошиб қолиб, атрофига аланглади.

— Нима бўлди, нима қилди, мулла ака?

— Нима бўлганини сўрагунча, ўзингизни бир ойнага солиб кўринг!

— Ҳа энди...— Қулақмад бошини осилтириб, чуқур тин олди.— Энди бизга... ясан·тусан на даркор, мулла ака?

— Ясан·тусан даркор бўлмаса... Бу юришингиз ҳам оз! Ҳали баттар бўласиз!

Бу гапни айтишга айтдиму, аммо худди қизларникидек жавдираబ турган маъюс кўзларига, ҳазин нигохига кўзим тушиб, яна кўнглим эриб кетди. Четга тортиб, анча маслаҳат бердим, йўл-йўрнқ кўрсатдим.

— Агар гапимга кирсангиз,— дедим охири,— шу қизни деб куйманг. Худо ҳақи, тирноғингизга ҳам арзимайди!.. Ўзингизни қўлга олинг бир оз. Қаддингизни тутинг. Қийининг. Ҳарбий хизматдан қайтган пайтларингиздагидан кўкрак кериб юринг! Ёшсиз. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қизлар ошиқ бўладиган кўркингиз, қадди-қоматингиз бор.

Нима қиласиз ўз қадр-қимматнингизни
ерга уриб, дўстим!

Қулаҳмад менинг бу гапларимни боши-
ни кўтармасдан индамай эшилди, аммо
(жигардан уриб қўйса қийин экан!) бо-
шини секин чайқади.

— Йўқ, мулла ака,— деди синиқ овоз
 билан.— Бизга энди бошқа севги насиб
 эмас. Инсофга келса шу, келмаса... Раҳ-
 мат сизга, мулла ака.

Ичимда сўкиниб қўя қолдим, ҳатто
 ҳайрлашмадим ҳам. Бироқ, тўғрисини
 айтсам, шу гапдан кейин фельетон ёзиш
 кераклигига шубҳам қолмади. Ахир ўзининг-
 из бир ўйлаб кўринг, бу ёқда бу бечора
 ичини ит тирнаоб шу аҳволда юрса-ю, у
 ёқда ёш раис билан Салтанатхон унақа
 қилишса? Ким билсин, эҳтимол, бу фелье-
 тон уларнинг иккенини бир оз ўйлантириб
 қўяр, эс-ҳушнини йўқотган бу бечорага
 ҳам бир нафи тегар, деган тўхтамга кел-
 дим ахийри. Салтанатнинг бунчаликка
 боришини билганимда... Лекин билгандага
 ҳам айбим нима менинг? Бирор фактни
 бузиб кўрсатибманми?

Осмонда худди енгил елканлардай се-
 кин сузиб юрган сплоқ булутларга тики-
 либ узоқ ўйладим, лекин қанча ўйламай,

виждоним олдида қизарадиган бир нарсани тополмадим. Фақат бир нарса, у ҳам бўлса ўшандада тракторчи қиз билан четга чиқиб гаплашмаганим кўнглимга пича шубҳа солар, назаримда, ўша куни унинг йўлга чиқиб туриши бежиз эмасдай туюлар эди. Қолаверса, фельветоннинг баъзи ўринларида дағалроқ иборалар ишлатибман. Ўйлаб қарасам, «танкоз», «сатанг», «нозанин» деган сўзлар кўпайиб кетибди, умуман, фельветонни ёзишда ҳам, ўшандада Салтанат билан учрашганимда ҳам бир оз босикроқ бўлишим керак эди, қизишимасам бўларди, лекин... у-чи? У ҳатто гаплашишини ҳам истамади-ку ахир? Зотан, унинг ўшандаги қилиғи ва айтган гапларига бардош қилиш мумкинимиди ўзи?

Бу ўйлардан миям ғовлаб қаддимни тутиб ўтирдим.

Шу пайт пастда, сой бўйида, қирга томон секин ўрмалаб келаётган ҳаво ранг «Волга»га кўзим тушди.

«Волга» қир этагигача етгач, чалга, пахтазорга қараб бурилди, бироқ сал юрмасдан тўхтади. Сўнгра эшиги очилиб, бир одам тушди да, мен томонга кела бошлади. Ким бўлди экан?

Ҳайрон бўлиб ўрнимдан турдим-да,
секик пастга туша бошладим. Уч-тўрт
қадам юрмасданоқ юрагим «шиғ» этди.
Раис! Камол ака!

Миямда чақмоқ чақилгандек бир нима
«ялт» этди-да, фельетоннинг охирги жум-
лаларни эсимга тушди. «Ҳурматли газет-
хон, эҳтимол сиз: «Колхоз раиси қаёқлар-
ла юрибди, жиловини тортиб қўймасдан
бу нозаниннинг?» деб ўйларсиз. Афсуски,
раис акамларнинг ўзлари ҳам нозанин-
нинг хумор кўзларига маст бўлиб, мўй-
ловларини бураб, лабларини ялаб, парво-
на бўлиб юрибдилар!..»

Иссик, ҳатто қайнот бир тўлқин вужу-
димни қамраб олди. Назаримда, у ҳозир
ғазабга тўлиб келгану, менга заҳрини со-
чадигандай. Бироқ яқинроқ борганданда ўй-
чан кўзларига кўзим тушиб, бир оз ҳу-
шимни йиғиб олдим. Камол ака қалин
қоп-қора қошлигини сал чимириб, юзим-
га тикилиб келарди. Узунчоқ юзи бурун-
гидан ҳам чўзилиб, қорайиб кетган, кўз-
лари четида мен илгари сезмаган чуқур
чизиқлар пайдо бўлгану, бу чизиқлар
чехраснга янги, маъюс ифода бағишла-
ган.

Биз индамай қўл бернишиб кўришдик.

— Келганингизни эши туудим. Учинчи бригадага кетаётувдим. қарасам, бирор ўтирибди. Сиэ бўлсангиз керак, деб бурилдим.

— Раҳмат,— дедим, нима дейишимни билмасдан.

Индамасдан пастга туша бошладик.

Камол ака машинага беш-олти қадам етмасдан тўхтади:

— Фельетонингизни ўқидим. Жуда... қотирибсиз!— У истеҳзали қулимсираб юзимга қаради.

— Билмадим энди...— дедим.— Агар поҳақ осилган бўлсам, кечирасиз.

Камол ака бошини кескин силтади:

— Гал менда эмас!

Мен унинг тўсатдан чақнаб-чараклаб кетган кўзларидан кўзимни олиб қочдим.

— Бўлмаса... Билмадим энди. Мен ҳам уни бунчаликка боради деб... Ҳаммасига фақат шу фельетон сабаб бўлдими-кан, ё?

— Агар... фақат шу фельетон сабаб бўлганда, ҳозир сиз билан бундай гаплашиб турмас эдим!

Бу сўз гўё эрталабдан бери елкамдан босиб турган катта бир тоғни олиб ташлади-ю, енгил тин олдим.

— Ҳаммамиз ҳам яхшимиз,— деди Ка-
мол ака.— Мана, ўқиб күринг, сиздан
яширадиган жойим йўқ!— У ён чўнтаги-
дан тўрт букланган бир қоғоз олиб менга
узатди.

Хатда йирик, юмалоқ ҳарфлар билан
шу сўзлар ёзилган эди:

«Ҳурматли Камол ака! Бу хат билан
сизни безовта қилсан, кечирасиз. Мен
қишлоқдан бош олиб чиқиб кетишга
аҳд қилдим. Киши туғилиб ўсгани қишло-
ғини ташлаб кетиши нечоғлик мушкул
экан! Буни энди билдим. Бироқ бу мақо-
ладан кейин бу ерда қандай бош кўтариб
юраман, одамларнинг юзига қандай қа-
райман, Камол ака?!

Менга айтган ҳамма яхши гапларингиз,
яхши ниятларингиз учун раҳмат. Фақат
мендан умидингизни узинг. Сабабини сў-
раманг. Сабаби кўп. Кейин... «Тенг тенги
билан, тезак қоли билан» деган эскилар.
Сизга чин юрагимдан баҳт ҳамда саодат
тилайман. Мен баҳти қаро, ким яқинлаш-
са қорам юқадиган бир қозон бўлдим.
Мана сизга ҳам қорам тегди, ҳаммадан
шунисига хафа бўлиб кетдим. Кечиринг,
ҳар нечук, ўшалар ўйлаганчалик ёмон
одам эмас эдим. Салтанат».

Мен анчагача нима дейишимни билмай, хатни узоқ ўқиган бўлиб, ундан кўзимни узмай туриб қолдим. Аслида эса тилим сўзга келмай лол бўлиб қолган эдим. Ниҳоят:

— Бундоқ экан, нега ўшандада мен билан тузукроқ гаплашмади? — дедиму, Камол аканинг: «Гўё ўшандада тузукроқ гаплашадиган турқингиз бор эди!» дейишини кутиб, юрагим орқасига тортиб кетди. Бироқ Камол ака «Уф» тортди:

— Чунки... Мени ким деб ўйлайсиз? — деб сўради секин. — Мен ҳам ўша феодаларнинг биттасиман-да! Бўлмаса уни жонимдан ортиқ севсаму, наҳот бу ярамас фикрлар тузогидан юлиб ололмаган бўлсам? Тенг тенги, тезак қопи билан эмиш!

Камол ака бу гапни бўрилиб, худди юраги ўртанаётгандай тутақиб гапирди, сўнгра секин қўлини силтади:

— Майли. Сиз боринг, учрашинг. Ҳаммасини ўзи гапириб берсин. Бошқа гапларни кечқурун гаплашармиз.

Мен ҳайрон бўлиб унга қарадим. Камол ака менинг кўя қарашимга тушунли шекилли:

— Боринг, гаплашади. Боя гаплашмайман деган экан, мен айтдим, гапла-

шади¹— деди у.— Ҳоҳласанғиз, ана, ма-
шинада бора қолинг. Мен пиёда кетсам
жам бўлади. Бу ёғи яқин.

Мен соатимга қарадим — Амина опа билан учрашишимизга ҳали ярим соат бор.

— Раҳмат. Шундоқ сойдан кесиб ўта қоламан.

Биз ажрашдик.

IV

Салтанат билан бош врачнинг қабулхонасиға ёндош торгина хонада учрашдик.

Унинг олдиға мени Амина опа бошлаб кирди. Биз кирганда Салтанат рӯпарадаги дераза олдида қўлларини орқасига қилиб турарди.

Эгнида ҳамширалар киядиган оқ ҳалат, оғифида шиппак. Тўладан келган юмалоқ юзи сал сўлғин, фақат илгаригидай порпор ёнган қуралай кўзлари ва оқ дурраси остидан чиқиб, чап қошигача тушиб турган майнин жингалак соchlаригина тунов кунги Салтанатни эслатарди.

Эшикдан кирган жойда тўхтаб салом бердиму, Салтанатнинг жимгина тикилиб қолганини кўриб, пешонамдан тер чиқиб кетди.

— Қани, ўтири,— деди Амина опа мен-

га.— Сен ҳам ўтир, Салтанат,— құшымча қилди у.

— Нимага ўтираман?— Салтанат билин-билинмас жилмайди.

Мен шундагина кона деярлы бүш эканини, унда күк рангга бүялган битта табуретка билан битта эски столдан бошқа ҳеч нараса иүқлигини күрдім.

— Стул олиб кириб берайми, ё?

— Йүқ-йүқ.— деди Салтанат шошиб.

— Бұлмаса күп қовоғингни солавер-масдан гаплашгин буек билан.

Салтанат биринчи марта күзини мендан узиб ерга қаради.

— Мен... Нима ҳам дердим?

— Бүни қүй, қизим. Гапириб бер күнг-лингдаги дардингни. Билиб қўйисин бу... ёзуви ўртоқ!

Амина опанинг пичнинг отаётганини сез-сам ҳам, тишимни тишимга қўйиб индамай ўтиравердим.

— Нима? Мен чиқиб турайми?— деди Амина опа.

Салтанат «майли» деб ишора қилды чамаси, Амина опа секин чиқиб кетди. Мен ер остидан Салтанатга күэ ташладым. У ҳамон менга тикилиб турған экан, кўзим кўзига тушиши билан энтикди, оқ

халат тағидан туртиб турған күкраги бир күтарилиб тушди.

— Мен сиз билан гаплашмоқчи эмас-дим,— деди у халатининг тұгмасини ұйнаб.— Опамлар билан... Камол акам қүнишмади. Майли, мана,— у халатининг чүнтагидан иккى букланған бир конверт олди.— Бу хатни атаңнан сизге ёзған здим. Бошқа гапим йұқ сизге айтадиган.

Салтанат мактубин құлымга тутқазаркан, яна бир әнтиқди, күкрагини тұлдыриб چұқур тин олди.

— Ұқиб чиқарсиз әринмасаңғиз. Бошқа галингиз бұлса, кейин учрашармаз.

Салтанат бошили қуяни солганича бир-бир қадам босиб чиқып кетди. Мен стулни деразаининг олдига суреб үтирдім, күнглем алланечук бўлиб, ўзимга аталған конвертни очдим.

Бояғи таниш дастхат! Битта-битта терилған йирик ҳарфлар билан ёзилған каттагина хат:

«Мұхтарам ёзуачи акамиэт!»

Сиз мен тұғримда «Жарқудук таннози» деган фельветон ёзибсиз. Ұқиб чиқдим. Хийла усталык билан, қиәнәк қилиб, үқиғанлар куладиган қилиб ёзибсиз, мен шарафлы меҳнатдан қочиб, таннозлик

йўлига ўтиб олганимни ҳамда ахлоқим бузилиб, ёшларни йўлдан ураётганимни сатира ўти билан шафқатсиз қоралабсиэ. Қаламингизнинг ўткирлигига қойил қолдим. Фақат биттаю битта гапнингиз бағримни ханжардай тилиб кетди: сиз мени мөҳнатдан қочган дебсиз, дангасаликда айблабсиэ! Кечирасиз, ёзувчи ака, нима десангиз денг, бироқ мөҳнатдан қочди деган гапнингизга сира·сира қўшилмайман. Ахир инсоф қилинг·да, ёзувчи ака! Агар мөҳнатдан қочсан, бурноғи йили ўзингиз мақтаган чоғларлагидай далада тер тўкиб ишлармидим? Үн тонналаб пахта терармидим?

Сиага ёлғон, менга чин, ёзувчи ака, агар ишонсангиз, бултур ёзда, ҳаттоқи ҳомиладор эканлигимда ҳам бир кун ищдан қолган эмасман, устига·устак куэда саккиз тонна пахта териб бернишга аҳдпаймон қилганман.

Энди бу ёгини эшитинг.

Эсимдан чиқмаса пахтам беш-олти тоннага етаёзган эди чамаси, бир кун ўзимни жуда қийнаб юборган эканманми, ё бўлмаса касал эканманми, билмадим, ишқилиб, кечқурунга боргандা, пиқилиб колибман.

Яхши ҳам қызлар бар экан, шийпенга суяб олиб боришли.

Борсак Мұмін аканға жаңа машинасига пахта ортиб ҳозир жұнай деб турған эканлар. Бизни күриб тұхтадилар. Қызлар тушунтириши шекилли, бошимга келиб: «Нима бұлди, оппоқ қызим?» деб сүрадилар.

Нима дердім? Дод деб юборишимдан құрқиб тишимни тишимга құйиб тұлғаниб ётибман.

Кейин нима бұлғанимни билмай қолдым, фақат ұшым борида у кишининг бир гапи дилимни пічоқ бұлиб тилицелер кетди.

«Машина касалхонага боралмайды. Құриб турибсанлар, пунктта кетяпты. Бу машина бормаса шу бугун план тұлмай қолады! Ҳозир бориб арава юбортира-ман», дедилар-у, жұнаб кетдилар.

Сиз ёшсыз, әхтимол тушунмайсиз, би-роқ... Мен ариқ бүйіда бир соатта ётиб қолибман. Кейин арава келиб олиб кетибди.

Уша куни шифохонага етмасданоқ йўлда бола ташладым!

Мен бу болани шундай умид билан күтгани әдім, шундай умид билан күтгаш әдімкі!. Ишқилиб, шундан кейин барча-

дан күнглим совиб, олам күзимга қоронғи күриниб кетгани рост.

Ахир ўзингиз айта қолинг-чи, ёзуви ака, шу иши инсоффданми у кишининг? ӽшанда пахтани тушириб, аввал мени қасалхонага элтиб қўйганда бирор бир нима дермиди Мўмин акангиэга? Йўқ, демасди! Бироқ у киши бундай қилмадилар. Нега десангиз, у кишига мақтov керак эди, шуҳрат керак эди! Бўлмаса... Ёз бўйи бошқа бригадирлар ғўзага иккиёқлама ишлов бериб, кетмонни оз ишлатишга уринганда, нечун бу киши ҳадеб кетмонга эўр берадилар! Амина опамлар кечаю кундуз терим машинасига йўл очиш ташвишида юрганда, бу киши куз келди дегунча жўрттага пахтазорга сув қўйиб юборадилар!

Сизга ёлғон, менга чин, ёзуви ака, бола ташлаб шифохонага тушмагунимча бу гаплар хаёлимга ҳам келмаган эди, ҳаммаси ўшандан кейин бошланди. Сиз яхши кўрган Қулаҳмад акангиэ бўлса, шуларнинг ҳаммасини кўриб-билиб туриб, Ойимсупургига бир оғиз бир нима дейишга ярамадилар... Икки йил бир ёстиққа бош қўйиб, умид билан турмуш қурганимизда акангиэ ақалли бир марта пешона

теримни артиб, қўлимдан кетмонимни олмаганини айтмай қўя қолай, майли, у киши филдек йигит бўлсалар ҳам, чаккаларига қалам қистириб табелчилик қилдилар, мен ёш келинчак солдатча этик кийиб, ёзда кетмон чопдим, куэда тоннаб пахта тердим. Майли, бунга нолимайман, нолиш хаёлимга ҳам келган эмас. Бироқ, ҳалиги воқеадан кейин, акангизнинг оёқларига йиқилиб ялиниб-ялвордим: уч-тўрт ойга рухсат беринг, саводим бор, дугоналарим билан курсда ўқиб, механизатор бўлиб олай, дедим. Йўқ, бунга ҳам розилик бермадилар, нега десангиз, Ойимсупургининг қаҳр-ғазабига учраб, табелчилик лавозимидан айрилиб қолишдан қўрқдилар.

Бу ҳам майли. Учакишиб (учакишганини бўйнимга оламан, ёзуви ака) бригададан кетиб қолганимдан кейин, Ойимсупурги менга не туҳматлар ортмади, не таъна-маломатлар ёғдирмади! Акангиз бўлса ақалли бир оғиз сўз билан ёнимни олишга ярамадилар, Мўмин ака тарқатган беҳуда туҳматлардан асраб қолишга юраклари дов бермади. Ҳаммасидан шуниси алам қиласди кишиига!

Билмадим энди, балки мен ноҳақдир-

ман. Бунақа экан, балки тегишли жойларга ёзиб борсам бўларди. Бошда шундай қилмоқчи ҳам бўлдим. Арзимни айтиб раис акамларнинг олдига ҳам бордим. (Камол акамни эмас, илгариги отахоннимизни айтяпман.) Бироқ у киши койиб бердилар. «Бир сафар хато ўтса ўтгандир у одамдан, шунга шунча ногора чаласанми?» дедилар у киши.

Шу-шу, ўчакишиб кетганим чин. Бироқ сизга ёлғон, менга рост, ёзувчи ака, қанча кутдим акангизни. У ёқда Ойимсупурги, бу ёқда менинг юзимга биттадан шапати уриб, қўлимдан етаклаб олиб кетармикинлар, деб орзиқиб кутган пайтларим ҳам бўлди. Йўқ, бу ҳам қўлидан келмади акангизнинг, севимли отахонларининг измидан чиқолмадилар у киши.

Кечиринг, ёзувчи ака. Сиз мендан ҳар қанча ўпкаласангиз арзийди. Кўнглимда бунақа дардим бор экан, тупов куни ёрилсан бўларди. Бироқ, ишонсангиз, ўша пайтда ҳаммадаи кўнглим қолиб, сиз келганда ҳам бир нарсадан тўлиб-тошиб турган эдим, қолаверса, ёнингизда писмиқ шоирни кўрдиму, фиконим фалакка чиқиб кетди.

Ўстига-устак, сиз ҳам: «Сендақа юзта

буфетчидан битта Мұмін ака ортиқ!» деб юбордиганғау, кейин нима бұлғанимни билмайман...

Майли, «гап күп, күмир оз» деганларидек, айтаверсам гап күп, ёзуучи ака.

Мен үәзімга ачинмайман, негаки, шұндағы бұлышыға үзім ҳам сабабчиман, фақат... Камол акамға корам юққаныға ачинаман. Сиз у кишиңи билмас экансиз!..

Мархұм ойымлар үлім олдида ҳаммадан розылук сұраган әділар. Тұғилиціб үсгап жойлардан кетиш күзініңға үлімдан ҳам ёмон күринастгани учунни. Билмадым, ҳамма билан розылашгым келялти. Ёмон гапырган бұлсам сиз ҳам кечириңг, күрішмасак рози бўлинг, Учқун ака. Салтанат деб билгайсиз».

«Кечириңг... рози бўлинг...» Құз олдим пардаланиб, томогимга әндоқдай бир нарса келиб тиқилди.

Үрнимдан секін туриб дераза олдига бордим. Назаримда гүё миямда бир қуюн күтариլғану, ҳамма фикрларимни түзгитиб юборғанда! Фақат бир нарса күнглимға хиёл тасялли берарди: Салтанат «Қишлоқдан бошини олиб чиқиб кетген эмас», Амина опа айтгандек. «Үзини бир бало қилиб қўйған» ҳам эмас эди!

Лекин фельетончи? Бу ёғи нима бўла-ди? Ҳошимжон акага, дўстларимга нима дейман? Матлубанинг юзинга қандай қарайман?

Тўсатдан кузимга: «Редакция «Жарқу-дуқ таннози» фельетони бўйича текшириш ўтказди, фактлар тасдиқланмади, редакцияни чалғитгани учун фельетон авторига қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди ва ишдан ҳайдалди», деган сўзлар кўриниб кетди-ю, вужудимни совуқ тер босиб, тиззамгача қалтироқ кирди.

Кейинчалик ҳар эслаганимда ўзимдан бир жирканадиган бўлдим, бироқ ўша пайтда ҳаммадан бурун ҳаёлимга шу фикрлар келгани ҳали-ҳали эсимда! Худди: «чўкаётган — чўпга тирмашар» ле-ганиларидек, шоша-пиша ўзимни оқлайдиган фактлар қидира бошладим: «Ахир мен бу фельетонни ёзишдан олдин ҳамма билан, шу жумладан, партия ташкилотчиси, ҳатто раненинг ўзи билан ҳам суҳбатлашган эдим-ку? Шундок экан, бириичи навбатда улар жавоб беришсин! Менинг айбим нима ахир?» Лекин айни маҳалда бу ўйларнинг биттаси ҳам миямга ўрнашмас, хулди деворга тегиб сапчиган контокдек сапчир, кўнглимининг

бир четида ҳозир гап айрим фактлар әмас, балки адолат, виждон ва одамгарчilik каби түшүнчаларга бориб тақала-диган қандайдыр бошқа масалалар устида кетаётганини анық ҳис қилардым.

Ажабо, нахот Мұмин ака, қүйдай ювош, мусичадай беозор күринган Мұмин ака шүнчаликка борган бұлса? Қулақмадчи? У Мұмин акадан ҳам мұмни-мулайим, мәхрибон, колаверса, жабрланған бир одам бұлиб күринганди-ку құзимга?

Аммо Салтанаттің хатларини қайта заслашим билан, бұлдай шубҳага боришнінг үзи виждонсизлик билан барабар эканига, ҳозир бу хаёлларга берилиб бу ерда үтиришнінг мавриди әмаслигига иқрор бұлардиму, лекин нима қилишимші үзім ҳам билмасдым, айнан замонда нимадир килишим кераклигини, акс ҳолда бу нарса умрбод дилимдан кеткайтынған бир из қолдиришини түшунардым.

Әшикка қараб бир қадам ташлаган әдім ҳамки, останада Камол ака күрнди. Афтидан, ранг-рүйим жуда үзгариб кеттеган бұлса керак:

— Ҳа, нима гап? — деди у юзимга тикилиб.

— Мана, ўқиб күринг! — хатни узатдим унга.

— Сиз... бир ёққа шошяпсизми?

— Ҳа. Мен Мұмін ака билан ҳалиги... Қулақмадни топиб бир гаплашсам девдим. Бориб келай...

— Яхши,— деди Камол ака ва яна боягидай юзимга узоқ тикилиб қаради. Назаримда, у күнглімдаги ғалаённи сезиб қолган ва буннинг сабабларини тушунмоқчи бўларди.

— Қулақмадингиз шу ерда, ҳовлида,— деди у ниҳоят, ўячан кўзларини юзимдан узиб.

— Бўлмаса... хатни у кишига ҳам беринг, ўқиб кўрсип. Мен айтаман, киради!

Камол ака стулга ўтиаркан, «майли» деган маънода бош силкиди.

Қулақмад эрталаб чол-кампирлар ўтирган жойда ўтирас, кўринишидаи, Салтанатга овкат олиб келган бўлса керак, қўлида тугуни ҳам бор эди.

У мени кўраркан, худди генерални кўрган солдатдай апил-тапил ўрнидан турди.

Тунов кунги танбеҳларим қаттиқ теккан эканими, ё бошқами, ишқилиб, уст-

бошини тузатган, ҳатто бир нав олифтанамо кийинган — оёғида тумшуги бигиз кора туфли, эгнида янги сур ранг костюм, соқол-мўйловини олдириб, қалин ўсиқ соchlарини силлиқ қилиб тарагану, ўша мактабни битирувчилар кечаси Салтанат билан кўрганимдагидай хушбичим, куркам бир йигитга айланган-қолган эди!Faқат кўзлари хиёл бежо ва хатти-ҳаракатларида ўзига ишонмаган одамларда бўладиган шошқалсқлик бор.

— Хўш, бу қандай бўлди? — дедим, дедиму, яна анлиша билан гилимни тишладим.

Шунда Қулаҳмад:

— Мана шу... Шунақа бўлди, — деб ғудранди.

Мен унинг чиндан ҳам пишиқ, келишган қоматига, аллакандай яянчли жавдираған кўзларига бир зум тикилиб қолдим. Салтанатнинг хатидаги: «Мен акангизни сира бунчалик латта деб ўйламаган эдим!» деган сўzlари эсимга тушди. Тунов кунгидай тагин бир силтаб ташлагим келди-ю, яна фельетон эсимга тушиб, индамадим.

— Мўмин ака қаёқда юрибди?

— Қаёқда бўларди? Далада-да! — де-

ли Қулақмад ва савол назари билан юзимга қаради.

— Хўп бўлмаса, мен у кишипинг олди-га кетдим. Сиз ичкарига киринг. Камол ақада бир хат бор, ўқиб кўринг.

— Менга-я?

— Ха, сизга! Аввал ўқиб чиқинг, кеч-курун идорада гаплашамиз.

Шундай дедиму, унинг аяичли жавди-раган кўзларини, икки букилган новча қоматини кўрмаслик учун кескин бури-либ, йўлга тушдим.

v

Мўмин ака билан ўша таниш шийпон орқасида учрашдик. Бу сафар дала ту-нов кунгидан ҳам файзи кетган, одам яна ҳам сийраклашған, худди қора со-вуюқдан кейин яланғоч бўлиб, ҳувиллаб қолган боғларга ўхшаган пахтазорининг ҳар жой-ҳар жойида уч-тўртта киз-жувон кўринарди. У ер-бу ерда қолиб кетган битта-яримта кўсакларни териб юрган бу вёлларни кўришим билан эрталаб Амина опа айтган таплар эсимга тушиб кетди. Афтидан, у ҳақ, Мўмин аканинг бу уринишлари қуруқ чираннишдан бош-қа нарса эмас эди.

Мұмін ақа шийлониң орқасыда, туршакдай қотиб қолған күракларни қоп-қанорларга тиқаёттан уч-түртта йигитта бosh бўлиб, кўрсатма бериб турарди. Чанг-тўзондан қош-киприклари, соқол-мўйлови худди тегирмончининг соқол-мўйловидай оппоқ, уст-боши ҳам юпун, аммо ўзи бурунгидай хушвақт, йигитлар билан ҳазил-мутойиба қилиб кулмоқда эди.

Мени кўриб, қош-кўзларини артди, мулоим кулимсираб пешвоз чиқди.

— Э, келинг, мулла, бормисиз оламда?

— Ҳорманглар! — дедим, йигитларга қараб.

— Э, саломат бўлинг, мулла ака!

Улар саф тортиб, қўлларини кўксиларига қўйиб, навбат билан кўришишди.

— Мана,— деди Мұмін ака,— «Битта ҳам кўрак қолдирмасдан йифиб олайлик!» деган топшириқларингта амал қиляпмиз, мулла.

У мендан мақтов кутиб кўзларимга тикилди.

— Шийлонга кирами? Жиндай гап бор.

шайди бу воқеа. Сиз машинага пахта ортаётган экансиз чамаси?

— Лаббай?— деди Мўмин ака ва худди тушунмай қинналаётган одамдай бир-инки йўталиб қўйди.

— Ўша куни планни бажариб, рапорт берадиган кунингиз эканми?— тагин эслатдим мен.

— А? Ҳа...— Мўмин аканинг чеҳраси бир ёришли-ю, яна қовоги солинди.— Машина бўлмаса арава бергандирмиз, эсимдан чиқибди,— деди бошнин чайқаб.

— Арава кечикиб бориб, йўлда боласи тушган экан!

— Енирай, ростданми?— деди Мўмин ака ёқасини ушлаб.

Унинг чаңг босган киприклари орасидан жавдираб турган қўй кўзларнда шундай самимий таажжуб, ҳатто ачииш акс этдики, бириичи лафъа кўнглимдаш: «Салтанатнинг ҳатлари таъсирида бу одамни ноҳақ ранжитаётганим йўқмикан?— деган бир фикр ўтди.— Ахир нега мен Салтанатнинг ҳамма гапларига ишониб, бу одамнинг жавобига ишонмаслигим керак? Мўмин ака шунчаликка борган экан. Салтанат нега ўтган сафар

учрашганимизда ҳамма ҳақиқатни очиб ташламади?»

— Бу қандоқ бўлди, оқсоқол, наҳот Салтанат ёлғон гапирса?

— Қайдам,— Мўмин ака бошини секин чайқади.— Мабодо ақл-ҳушнмдан ажраб қолган бўлмасам... Мана, худо шоҳид, эсимда йўқ, мулла. Хуллас қалом, ҳозир жуфти ҳалоли, ўзлари билган Қулаҳмад келади. Иноммасангиз ўз оғзидан эши-тинг, мулла.

Бу сафар Мўмин аканинг овози ўзга-риб, яккам-дуккам мўйлови ғалати тит-раб ўрнидан қўзғалди:

— Гап шу, мулла. Тағин мана, ҳур-матли қариялар бор бригадада. Лозим кўрсангиз, суриштириб, ҳақиқат қилар-сиз. Энди бизга рухсат...

— Кечирасиз, яна бир савол...

Мўмин ака шунчалик самимий, куйниб-ранжиб гапирдики, уни тўхтатишга аранг журъат этдим.

Тураётган Мўмин ака жойига ўтирди.

— Бу йил машина теримига неча гектар ажратган эдингиз?

— Ҳмм...— деди Мўмин ака ва илжа-ниб қўйди.— Энди... гапнинг жилови қа-ёққа буриляпти — кўриб турибман, мул-

— Қанақа гап?— Мұмін ака шундай деб сұради-ю, яна ўзи олдимга тушиб йүл бошлади:— Қани-жәни, мулла, мархамат!

Үнға Салтанат қўйган лақаб эсимга тушиб кетди: «Ойымсупурғи!» Мұмін ака шийпоннинг ўнг томонидаги ним қоронғи хонага бошлаб кирди. Хонанинг биттаю битта деразасидан тушган нур худди прожектордай фақат бир бурчакнингина ёритиб турар, ўртадаги катта бесўнақай столда чанг босган журналлар ётар эди.

Мұмін ака столнинг ёнида тўхтаб:

— Бу... чой-пойни нима қиласми, мулла?— деб сұради.

— Раҳмат, ҳеч ҳожати йўқ.

Мұмін ака рўпарамдаги табуреткага омонатгина ўтирди. Мен Эндиғина унинг сал тараддуға тушиб, кўалари бежоланиб қолганини пайқадим. Умуман, мен шу топда дурбиннинг бир томонидан қарашга ўрганиб қолган, энди эса иккинчи томонидан қараб, тамом бошқа нарсаларни кўриб ҳайратланаётган одамдек таажжубда эдим. Назаримда, рўпарамда илгариги Мұмін ака эмас, тамом бошқа бир одам турар эди.

— Хүш Бұлғай гаплардан хабарингиз бордир?

— Қайси гапни айтадилар, мұлла?

— Қайси гапни бұларди. Салтанатни айтаяпман...

— Ҳа-а... — Мүмин ака ўтирган жойида бир құзгалиб олди, худын бошиң қичишиб кетаестгандай, дүпписини бир-икки марта тузатыб, зұрма-зұраки жилмайды: Фельветонларини үқидик, Аммо-лекин, бай-бай, сұзларини айтаман, бамисоли ханжар-а, ханжар! Офарин, мұлла, оғарин...

Бекесдан тарсаки еган одамдай, юзимдан, бутун вужудимдан үт чиқиб кетди.

— Ҳа, энди... Шу... — дедім ғұлдирағ. — Фельветонни ҳозирча құйиб турайлиқ. Мен сиздан бошқа бир нарсаны сұрамоқчи әдім.

— Хүш?

— Эсингизда бұлса, бир марта Салтанат пахтаазорда йиқилиб қолиб, сиздан матпана сұраган экан.

— Пахтаазорда?.. Йиқилиб дейсінми? — Мүмин ака пешонасияни тириштирди, сийрак бароқ қошлари бир-бирига туташди.

— Бултур кузыда содир бўлганга ўх-

ла, нима қиласиз, араваси қуруқ олиб кочиб? Машинага йўл бермадинг демоқ-чимисиз, шуми?

— Башарти.

— Бўлмаса... Бу сафар ҳам сабр қиласиз, Қулаҳмад келсин. Машинада терилганми-йўқми, ҳаммаси дафтарда кўрга ҳассадек яққол кўрсатилган, ҳа!

Салтанатнинг гаплари беҳудами, ёазбаройи Қулаҳмадга ишонганидан шундай деяптими бу одам?

— Машинага йўл очиқ бўлса, нега ҳалиги... Юлдузхон кетиб қолди бригададан?

— Нега дейдилар-а, мулла? — Мўмин ака: «ёшсиэ-да, ука», деган маънода бoshини ликиллатиб жилмайди.— Негаки, у ҳам ўша сиз фельетон қилган беҳаёнинг чилдирмасига ўйнаётганлардан биттаси. Иш эмас, чақимчилик бўлса буларга!

Мўмин аканинг овози кескин жаранглади. Мулойим кўзлари учқун сочиб чақнаб кетди. Бироқ бу кўпга чўзилмади. Иккинчи дақиқада кўзини кўзимдан олиб ерга тикилди ва боягидай ранжиган бир товушда:

— Хўп, ука, нима ҳам дердик,— делихўрсиниб.— Биз эпли қаридик. Шоирлар

айтгандек, турмушдан орқала қолдик. Аммо лекин бир нарса сал алам қиласи, мулла: оппоқ соқолнимиз билан биәннинг тапимиз инобатга ўтмайди-ю, ўша... ўшаларниг гапи инобатга ўтади. Майли, тағин ўзингиз биласиз. Мана, Қулаҳмад келсин, ўшандан сўранг. У ёқда Ҳалима опа бор, бошқалар бор, хуллас, ўзингиз ҳакиқат қиласиз, мулла.

Бошқа гапга ҳожат қолмаган, афтидан, ёлгиэ Қулаҳмад эмас, Юлдузхон ва Амина опаларни ҳам бир жойга тўпласмасдан туриб бу одамга бир нима дейиш кийин эди.

— Хўп бўлмаса.

Шиўлоннинг ичи Қанчалик қоронги вя заҳ эканини ташқариға чиқиб қуёш нуридан кўзларим қамашиб кетганидагина билдим.

Ажабо, декабрниг сўнгги кунлари бўлса ҳам, қуёш шундай илиқ ва майин эдики, назаримда, гўё юзимга жажжи қизчанинг момиқ қўллари теккандай туюлди, ҳатто қорайнib ётган пахтазор ҳам кузимга бошқача кўриниб кетди. Лекин бу манзаранинг гаштини суролмай қолдим, чунки шу пайт орқамдан чиққан Мўмин ака:

— Ия, раис акамлар ҳам кептиларда! — деб юборди.

Мен шундагинча хирмошнинг ёнида турган ҳаво ранг «Волга»га кўзим тушди.

Камол ака афтидан илгарироқ келган, лекин гапимиизга ҳалакит бермаслик учун, фўзаларни оралаб кетган экан.

Биз эшикда кўриннишимиз билан у пахтазордан чиқиб келди. Унинг ҳам авзойи бузуқдай кўриниди.

— Ҳорманг, оқсоқол, ишлар қалай?

— Шукур. Мана, вазифани ўринлатсан деган умидда... — Мўмин ака сўзини тутгатмасдан си-верига алланглади, ҳудди ўзига ишонмай, ёр-биродарларидан најот сўраган ўқувчи боладай, кўзлари мўлтиллаб хирмонлаги йигитларга қарди.— Мана шу, ётибмиэ қўлдан келгунча ҳаракат қилиб...

Камол ака индамади, лабини тишлаб ва қошларини чимириб бир лаҳза ўйланниб турди: назаримда унинг қалбидан катта бир ғалаён бошланган, бироқ у ўзини боснишга уринмоқда эди.

— Ҳаракат қилаётганингизни кўряпман. Раҳмат. Бироқ... Кеча мен сизга нима деган эдим? Бугун шудгорни бошлиб юборинг, демаганимидим, оқсоқол?

Мұмін ақа зұрға жавоб берди:

— Дегенсиз, аммо... Битта ҳам күрак
нобуд бұлмасин, деб...

— Ахир бу... қовжираң, бужмайнб әт-
ган битта күракни деб, келаси Ыил үн
центнердан маңрум бұламизу, оқсоқол?
Ұзингиз тажрибали пахтакорсиз, била-
сиз-ку, Мұмін ақа?

Камол ақа бу сафар бояғидан ҳам паст
овоз билан, бироқ шундай күйиниб гапири-
дик, Мұмін ақа азбаройи сүз тополмай
қолганидан мойлик дүпписини ҳадеб бо-
шиға ишқаларди.

Камол ақа унинг жавобини күтиб бир
дақиқа индамай турди-да:

— Хұп, біз кетдик,— деди, ҳамон
күзини ердан уәмасдан.— Эртадан бош-
лаб шудгорга киришинг. Мен Амина ола-
га айтаман — битта «ДТ»сінни сиэга юбо-
ради.

Мұмін ақа илжайиб бош иргади:

— Хұп, хұп, раис ақа, бажо келтира-
миз.

— Кейин... Хотин-қызларга ҳам рухсат
беринг. Күрдим, бекор юришибди пахта-
зорда.— Камол ақа ер остидан менга
қаради:— Қани, кетдикми, ука?

Машина тунов куни Юлдузхонлар би-

лан учрашган жойимизга яқинлашганда
Камол ака мен томонга бурилди:

— Бир-иккита қиэжувон сиэга учраш-
моқчи әкан. Эртага идорага боринглар,
дедим, майлими?

— Майли-ю... Нима гаплари бор әкан?
Хозир гаплаша қолсам ҳам бўлар...

Камол ака тиазамга қўлини қўйди:

— Сиз шошманг, ука,— деди ва ўйчан
кўзлари билан юзимга тикилиб сўра-
ди:— Гаплашдингиэми Мўмин ака би-
лан?

— Гаплашдим. Лекин у киши бўйнила-
рига олмадилар.

— Нимани?

— Ҳаммасинни. Бояги хатдаги гапларни
аётяпман. Биттасини ҳам бўйниларига
олмадилар.

— Шунинг учун ҳам эртага гаплашай-
лик дедим-да.

Назаримда, мен ҳали ҳам тагига етол-
маган аллақандай сир бор. Камол ака
эса бу сирни билса ҳам ҳали-ҳозир ай-
тишни истамас эди.

Машина идорага яқинлашганда:

— Хўп, бўлмаса, ука, сиз қолаверинг,—
деди Камол ака.— Мен яна бир жойда
ишм бор, ярим соатда бориб келаман.

Одатда одам гавжум бўладиган дарвоза олдида ҳозир ҳеч ким кўринмас эди. Бироқ ҳовлига киришим билан кутубхонанинг рўпарасидаги гулзорнинг четида ўтирган Қулаҳмад билан Маҳмудга кўзим тушди. Маҳмуд Қулаҳмаднинг қулагига энгашиб ва қўлларини пахса қилиб куйиб-пишиб гапирав. Қулаҳмад эсле ер чизиб ўтирав эди.

Маҳмуд мени кўриб, шошиб қаддииш ростлади, кўзойнагини тўғрилай-тўғрилай пешвоз чиқди:

— Э, қаёқларда қолдинги, жон ака! Ўйда ош дамлатиб.. роса йўлингизни пойладик!

— Раҳмат, овқат бўлса едик.

Қулаҳмаднинг ёнига бориб ўтирдим:

— Салтанатнинг хатини беришдими?

Қулаҳмад юзимга қарамасдан бош ирғади:

— Ҳа, ўқидик.

— Сиз-чи?

— Эшиздик. Қулаҳмад акам айтиб бердилар мазмунини. Аммо...— Маҳмуд елкасини қисди, лаблари асабий титраб кетди.— Ҳайронман!

— Хўш?

— Ахир.. Нима демоқчи? Меҳнатини...

Соф меңнат кишиларини қораламоқчимилар?

Мен унинг кўзойнак тагида чақнаб тикандай қадалиб турған қисиқ кўзларига қарадим: наҳот бу йигитчани бу ҳодиса ҳам ўйлантирмаган бўлса, кўнглига қитдай бир ташвиш солмаган бўлса?

— Йўқ, Салтанат меңнатни, чинакам меңнаткаш одамларни әмас, сизу менга ўхшаганларни қоралајапти!

— Мен... Мен унинг мушугини пишт дебманми?

— Пишт демасангиз демагандирсиз. Лекин... бу ердаги майдада галларга ишониб... ҳаммани ҷалғитиб юргунча, яхшилаб аниқласангиз бўлмасмиди!

— А?— Маҳмуд худди тўсатдан чаён чақиб олган одамдай тўлғанди.— Мен шима? Ўзингиз... Сиз-ку фельетон қилган уни!

— Мен ҳалиям ўзимни оқлаётганим йўқ! Афсуски, сиз билан биз олди-қочди галларга, ифлос миш-мишларга ишондик, бу киши эса...— Мен эндиғина пайқадим: Қулаҳмаднинг хатти-ҳаракатларидаги илгариғи шошқалоқлик, сертавозеллик, сермулозиматлик йўқолган, у бошини қуйи солганича чурқ этмай ўти-

рар, афтидан, менинг галларим ҳам қулогига кирмас, аллақашдай ўз ўйлари билан банд эди.

Мен: «Бу киши эса...» деганимдагина секин бошини күттарди, маъсум шаҳло күэлари юзимга анча тикилиб қолди, сўнгра кўкрагини тўлдириб нафас олдида, секин ўрнидан турди.

У менга бир нима дермикан, деб ўйловдим, йўқ, мендан олдин Маҳмудга юзланди.

— Бўлди энди, бор, ишингни қил!— деди паст ва фавқулодда ҳорғин оҳангда.— Боятдан бери қулоқ-миямни единигку вайсаб!— Қулаҳмад тўхтаб чуқур тин олди, худди бўғилаётгандай бўлиб, кўйлагининг тугмаларини ечиб ташлади.— Менга қаранг, ёзувчи ака!.. Аммо мард бўлсанги... мана, фельетон қилинг мени! Мен — аҳмоқ! Аҳмоқ бўлмасам шундай қиласмиш! Салтанатга-я? Севиб қўшилган жуфти ҳалолимга-я?..

Унинг овози, гарчанд жуда паст ва ғамгин бўлса ҳам, шундай чуқур бир аламга, ифода этиш қиёнин бўлган шундай бир изтиробга тўла эдикни, ҳатто Маҳмуд ҳам тўсатдан жим бўлиб, писиб қолди. Азбаройи кўнглим бўшашиб кетганидан:

— Майли энди, хафа булманг,— деб юбордим.

Қулақмад яна юзимга узоқ тикилиб қаради. Мен умримда ҳеч қачон бундай маъюс ва чиройли кўзларни кўрмаганман.

— Гап хафа бўлишда дейсизми, ука? Кошки бу хомкаллани деворга уриб ма-жақлаб бўлса! — деди у ва уҳ тортиб се-кин қўшимча қилди: — Йўқ, ука, аяманг! Мендақа бефаҳм-бефаросат аглаҳларни аяш — гуноҳ! Фельетон қилинг, фельетон!

Бир дақиқа тилим лаббайга келмай лол бўлиб қолдим. Қулақмад бўлса ав-валгича тутикаиб гапирав, пушаймон ва аламдан ақли-ҳушини йўқотиб қўйгани сезилиб турарди. Шунинг учунми, ё Сал-танатшинг гаплари суюк-суюгидан ўтиб кетган эканми, ёки аксинча, фельетон чиқишини ўзидан кўрган эканми, ишқи-либ, мендан ранжимади.

Мен ҳам нима қилишимни билмасдан анча туриб қолдим.

Бир ўйим идорага таклиф қилиб, гапга солай дедиму, тагиц Камол аканинг: «Шошманг, ука, бафуржа гаплашамиз», деган сўзи эсимга тушиб, таклиф қилма-дим.

— Хўп, яка, ҳали учрашармиш,— дедим ниҳоят, юпатган бўлиб.

Қулаҳмад юзимга қарамай бош ирғади:

— Майли, ҳозир гапгаям тоқат йўқ ўзи!..

Мен Камол аканинг кабинетига кириб уни кутмоқчи эдим. Бироқ қатор деразаларнинг ёнидан ўтиб бораётисб, ичкарида хаёлга чўмиб ўтирган Ҳалима опани кўриб қолдиму, олдига кирдим.

Ҳалима опа қўлларини тиззасига қўйганча, чарм қопланган эски креслога чўкиб, паришон бир вазиятда ўтиради.

Мен уни биринчи марта бундай қиёфада кўришим эди! У ҳамиша ўқтам, сўзамол ва айни замонда хушчақчақ кайфиятда бўлар, олдига кирсангиш очиқ чеҳра билан қарши олар эзи. Бу сафар эса...

— Э, келинг шонр!— деди у.— Ҳамма ёқни алғов-далғов қилиб қўйиб, ўзингиз қаёқларда юрибсиз, ўргилай?

— Ҳа, шу... келдик-ку, мана!— Кўришаётисб столда ётган таниш хатга кўзим тушиб қолди.— Ўқидингизми?

— Ҳа, ўқидик, Ҳалима опа қизарди.— Ким билсин, еш раис, гап-сўзга қолмасин деб қўрқувдик-да, айланай.

— Бу воқеадан кейин раис гап-сўз бўлишидан қўрққандан кўра, уни гап-сўз қиласиган одамларнинг оғзиға урсак тўғри бўлмасмикан, опя?

— Ҳа, энди...— Ҳалима опа бошини чайқаб ғалати кулимсиради.— Бу ёгини ўзларнинг биласизлар. Биз қариб қолдик, ҳозирги ёшларнинг кўнглидагини тополмаймиз.

Мен аввал, Ҳалима опа пичинг қиляптимикан, деб ўйлаган эдим, бироқ соvuқда қорайиб кетган озгин юзига, тиззасида ётган катта, худди йигитларникидай суюкдор панжаларига кўзим тушди-ю, ушнинг самимий гапираётганига шубҳам қолмади.

Ҳалима опа ўйчан кўзлари билан юзимга тикилиб қолди, сўнгра, худди менинг фикримга тушунгандай бошини чайкади:

— Мен билмадим яна... Салтанатга қийин бўпти. Мўмин ака яхши қилмабди. Бироқ... шунчаликка бориш ақлданми? Ҳар қалай, биз кўрган машақкатни курган эмас булар. Сиз ёшсиз, билмайсиз. Уруш йиллари... Ҳамма йигитлар фронтда.. Тўрт йил кечаю кулдуэ тер тўкканмиз.

Ҳалима опанинг гапи оғзида қолди,
чунки шу пайт эшик томондан:

— Лекин... Ҳозир уруш йўқ-ку, Ҳалима
опа?— деган овоз эштилди.

Остонада Камол ака турарди!

— Е нотўғрими бу гап?

Камол ака келиб ёнимга ўтирди. Ҳали-
ма ола негадир бир оз шошиб қолди.

— Бундан чиқди, Салтанат тўғри қи-
либди-да! Шунақами?— Ҳалима опа кўз-
лари жавдикраб менга қаради, назаримда,
гўё мендан нажот сўраётгандай, ҳатто тў-
сатдан кўзларида ёш ҳалқалангандай
туюлди.— Майли, биз орқада қолган
одам,— деди у, кутилмаганда лаблари
титрауб,— илмимиз ҳам сизларникидақа
эмас. Бироқ...— Ҳалима опа бошини кў-
тариб кескин ҳаракат билан рўмолини
тўғрилаб қўйди, овози ҳам ўзгариб,
қатъий жаранглади.— Ҳар қалай Салта-
натдай бўлмас эдик. Биз кўрган қийинчи-
ликларнинг ярмини ҳам кўрган эмас у!
Урушдан олдин... Уруш йиллари тиизадан
сув кечиб гўза сугорганимиз, белимизни
маҳкам бοглаб олиб буғдой ўрганимиз,
трактор минганимиз... Ҳа!..

Мен, Камол ака ҳам кескин жавоб бе-
риб, ўртада жанжал чиқиб кетмаса эди

деб, хавотирланган эдим, хайрнят индамади. У тиззасига блокнотини қўйиб, уни бармоқлари билан чертганча, ерга қараб ўтирас, қошларининг чимирилишидан, у нимадандир ўнғайсизланаётгани билиниб турад, афтидан, Ҳалима опанинг кўнглини оғритишни истамас эди.

Ниҳоят, бир-икки дақиқа шу вазиятда ўтиргандан кейин, у бошини кўтариб Ҳалима опага қаради: қалин бўлса ҳам ўзига ярашган лабларининг четида билинар-билинмас табассум жилва қиласар, кўзлари ҳам мулойим қулимсирад эди.

— Умуман олгапда... сиз ҳақсанз. Салтанат яхши қилмаган!..

Унинг сапидан ҳам овози ҳайрон қолдирди мени! Унинг овози шундай босиқ ва мулойим эдики, худди ёш болага гап уқтираётган кекса ўқитувчининг овозига ўхшаб кетарди.

— Бироқ гап шундаки, ҳозир ўттизиинчи йиллар эмас, ҳатто урушдан кейинги эллигинчи йиллар билан ҳам солишириб бўлмайди ҳозирги даврни. Шундай эмасми, Ҳалима опа?

Ҳалима ола ишдамади.

— Ўзингиз бир ўйлаб кўринг,— деди Камол ака ва қалин қошларини чимириб

қүйді.— Іттиханчы әшларнинг бошларыда колхозда битта ҳам трактор бўлмаса. Ҳозир ўттиздан ортиқ трактор, шунча автомашина, йигирмата яқин терим машинаси бор. Агар бригадаларимизнинг тепасида бу машиналарнинг тилини била-диган, техниканинг шайдолари турганда эҳтимол бунчалик бўлмас эди!

Камол ака ўзини қанчалик босиқ тутишга ҳаракат қилмасин, товуши жаранглаб, худди торлари тарапт тортилган дуторнинг овозидай янграб кетди.

Сўнгра, афтидан, Ҳалима опанинг эътиroz билдиришини кутса керак, хиёл жумқолди-да, яна ўша эҳтиросли, қатъий овоз билан давом этди:

— Еки мана бунга қаранг: қишлоғимизда бухгалтер, сотувчи ошпаз, клуб мудирига ўхшаган қирқдан ортиқ енгил иш бор экану, ҳаммасини эркаклар, ҳатто ёш-ёш йигитлар эгаллаб олишибди. Шу адолатданни ахир?

Ҳалима опа қовғенини солиб, столдаги қоғозларни титкилай бошлади:

— Билмасак энди, бизнинг ақлимиз етмай қолди,— деди у таҳқирланган оҳангда.— Сиз ёшсиз, нима десангиэ ҳам қўлингиздан келади...

Камол ака бошини секин чайқаб мөл билан күз уриштириб олди.

— Гап ёш қарида эмас, Ҳалима опа,— деди у, япа үша босиқ, мулойим овоз билан.— Гап шундаки, ҳозирга қадар бу масалаларга яхши эътибор бермаганимиз. Аммо энди эътибор бермаслигимиз мумкин эмас. Ҳуллас...— У қошларини чимирниб бир зум сукут қилди.— Ҳуллас, эртага бюрони тўплаб шу масалаларни бир таплашиб олсак. Мумин ака билан Салтататни ҳам таклиф қилсак...

Раҳмат!— Ҳалима опа истеҳзоли жилмайди.— Бу гапнингизни янги партия ташкилотчиси Амина опангизга айтинг. Мен энди ишлаб бўлдим.

Камол ака ўнғайсизланниб бир йўталиб қўйди:

— Авваламбор, Амина опа ҳали ишни қабул қилиб олганича иўқ. Қолаверса, сиз ҳам бюро аъзосисиз.

Бу сафар Камол аканинг гапи оғзида қолди, чунки унга қадалиб ўтирган Ҳалима опа тўсатдан бошини кескин иргаб, ўрнидан турди, кўзларини пир-пир ёниб Камол акага тикилди:

— Мени кечирасиз, ўртоқ раис,— дели у қўлларини столга тираб.— Бошқасини

Билмадим, бироқ...— Ҳалима опа юзига қон телиб, сочларини силаб қўйди.— Бироқ партия ташкилотчиси бўлмасам ҳам, бюро аъзоси сифатида сизнинг Салтанат билан бунақа ғиди·биди қилиб юришнинг изни сираям ёқламайман! Гап шу!

«Ялт» этиб Камол акага қарадим. У ҳам кўзлари жавдираб менга қаради, лабининг четидаги чуқур чизик титраб кетди.

— Майли, мен сизга бу фикрингиздан қайтинг деёлмайман, опажон! — У ўрнидан турди, қаддини ростлаб менга ўтирилди:— Бўшагандан кейин чиқарсиз.

Тўғриси, Ҳалима опа билан гаплашадиган гап ҳам қолмаган эди. Кетма-кет ўрнимдан турдим. Ҳалима опа яна жойига ўтириб, қогоз титкилашга киришгани эди. Фақат мен қўзғалғанимдагина секни бошини кўтариб қаради: мулойим кўзларида яна боягидай гилт-гилт ёш кўринди.

Ажабо, бир нав орқада қолган бўлса ҳам, қалбининг софлигини йўқотмаган бу оқ кўнгил аёлни айблаб бўлармиди? Йўқ, ўшанда бу пок аёл соддалиги учунгина шундай қилганини тушунмаган эканман, айб ўзимда, демак, ҳамма айбни ўз эннамамга олишим керак!

Ҳалима ола билан илиқ хайрлашишга
ҳаракат қылдым.

VI

Қиши күнлари калта әмасми, биэ овқат-
ланиб бүлганимизча қош қорайиб қолди.

Мен бир ўйим ўз қишлоғимга бориб
келмоқчи ҳам әдим, бироқ Камол ака:
«Құйинг, бугун бирга бүлинг, раиснинг
бошидаги ташвишларни ҳам бир күриб
құйинг, ука, керак бұлади», деганидан
кейин, сұзини ерда қолдиришта истихола
қылдым.

Тұғрисини айтсам, боя қирда Камол
ака билан учрашганимдан кейин, айниқса,
Салтанатнинг хатларини ўқиганимдан
кейин, фельетондаги у кишининг шаңни-
га айтылган аччиқ гаптар қайта-қайта
әсімга тушиб, жуда ийманиб қолған
әдим, Назаримда, у ҳам күніліда гинаси
бордай туюлған эди. Шунинг учун ҳам
унинг бу таклифи мени жуда хушиуд қил-
ди. Фақат бир нарсадан сал ҳадикси-
рардим — Камол ака жуда кам гап, хат-
то аллақандай маъюс күринар, хаёли
паришон эди.

Қоронги тушганда меҳмонхонадан чи-

киб (Камол ака ҳали кўчиб келмаган, меҳмонхонанинг кичик бир ҳужрасида тураркан), яна идорага томон йўл олдик.

Гарчанд, сўнгги бир-икки йил ичидан раислар тез-тез ўзгариб, колхоз оқсаб қолган бўлса ҳам, у бир маҳаллар жуда бақувват бўлгани қишлоқ марказининг ободлигидан ҳам сезилиб турарди.

Шаҳарга борадиган катта кўчанинг икки четига пишиқ ғиштдан солинган ёллик чоғли бир қаватли янги уйлар тушган, идоранинг рўпарасидаги катта боққа кираверишда қишики клуб, унинг ёнида меҳмонхона билан болалар боғчаси бинолари қад кўтарган. Бу ер ёзда айниқса хушманзара бўларди. Лекин ҳозир ҳам чироқлар ёниб, кўчаларга қандайдир файз кирган, клубда кишо қўйилса керак, паркнинг олди гавжум, совуқ қиши ҳавосида қизларининг кумуш тангалардек жаранглаган кулгиси, йнгитларнинг ҳазил-мутобибаси эшитилар эди.

Бу ёшлик, шўхлик, ўзинга хос латофатга тўла қишлоқ ҳаёти мени сеҳрлаб бир куч билан юрагимга «жиз» этиб тегди-ю, кечадан бери хаёлимни банд этган ташпишларим, ўйларим, дилимни сиёҳ қил-

ган воқеалар — ҳаммаси күзимга жуда майда, чиркин, арзимаган бир нарса бўлиб кўриниб кетди.

Камол ака бу кайфиятимни пайқагандек тўхтади:

— Хоҳласангиза кинога киринг, айланинг. Мен энди бир-икки соат одамлар билан бўламан. Эҳтимол, сизга қизиғи ийӯқдир.

Хушимни йигиб, ёътироғ билдиридим:

— Йўқ, йўқ, нега қизиғи бўлмас экан?

Камол акани чиндан ҳам анча киши кутиб ўтиради. Пойгаҳроқдаги диванга ёнбошлиб колхоз раисининг кечки иш фаолиятини кузата бошладим.

Яширадиган жойим йўқ: мен, гарчанд шу маҳалгача колхоз ҳаётидан анча мунча очерк ва лавҳалар ёзган бўлсам ҳам, колхоз раисининг фаолият доираси Қанчалик катталигини биринчи дафъа кўришим эди.

Шу кеча Камол аканинг суҳбатида бўлганлар орасида ҳаммом қураётган архитектордан тортиб, узоқ даштдан келган чўпонгача, шулгорнинг боғиши туғрисида ахборот бергани келган бригадирларлан тортиб, тўй маслаҳати билан келган эр хотингача бор эди.

Мен анчагача ҳар дақиқа кириб-чи-
қиб турган одамларнинг гап-сўзларини
қизиқиб эшишиб, масалаларнинг ҳал
бўлшини эътибор билан кузатиб ўти-
дим, кейин қаёлимни Камол ака, тўғриро-
ғи, унинг ўзини гутиши, хатти-ҳаракат-
лари жалб этди-да, бошқаларни унудим
ҳисоб.

У боягидан ҳам ўйчан, ҳотто ғамгин
кўринарди. Гарчанд одамларнинг гап-
сўзларини эътибор билан эшишиб, маса-
лани шартта-шартта ҳал қилаётган
бўлса ҳам, хаёли бўлак бир оламда
юргани аниқ сезилиб туради. Буни унинг
гоҳо-гоҳо бошини кескин силкитиб, қалин
қора соchlарини тез-тез силаб қўйиши-
дан, худди уйқу босаётгандай бўлиб
кўзларини ишқалаб қўйишлиридан ҳам
сезилиб туради. Бир дақиқа шу вазият-
да ўтирганидан кейин аста-секин яна ўша
илгариги ҳолатига қайтар, кўзларидаги
учқунлар сўниб, маъюс ифода пайдо бў-
лар эди. Фақат соат ўнлар чамаси эшик-
дан Амина опа билан Юлдузхон кириб
келгандагина чеҳраси нур тушгандай
ёришиб, кўзларида, лабининг четида
илиқ табассум пайдо бўлди.

Улар тўғри даладан келишаётган

бўлса керак, икковлари ҳам ўша кундузги кийнмларида эди. Опанинг эгнида ўша эски пўстин, бошида тивит рўмол. Юлдузхоннинг эгнида эса ўзига ярашиб тушган ва шавниҳолдай нозик қоматиниң кўз-кўз қилиб турган комбинезон, оёғида пошнаси баланд бежирим этикча, фақат бошидаги қизил дуррача ўрнига тивит рўмол ўраб олган.

— Э, келинг, келинглар,— деди Камол ака ўрнидан туриб.

— Мана келдик...— Амина опа ўзини диванга «гурс» ташлаб, рўмолини еча бошлади. Унинг озғин қорамагиз юзи яна ҳам чўзилиб, қорайиб, яна ҳам дағаллашиб кетганга ўхшар, ўзиям жуда чарчагандек туюлар эди.

Диванга ёнбошлаган заҳоти кўзини юмди-да, кулимсираб:

— Мен кетдим, ухлаб қолсам уйғотиб қўйларинг!— деб ҳазиллашди.

Юлдузхон эса, аксинча, раиснинг рўпарасида пошнаси баланд этикчаси билан полни «дук-дук» уриб, худди пойгага шошилиб гижинглаган чопқир отдек депсиниб турарди.

— Қани, менин табрикламасангиз ҳам, опамларни бир табриклаб қўйинг, раис

ака!— деди у шўх чарос кўэлари чақнаб ва юзида кулгичлари ўйнаб.

— Э, тамом қилдиларингми шудгорни?

— Тамом қилдик, болам, ҳозир ўша ердан келяпмиз...— деди Амина опа кўзини очмасдан пешонасига тушив турган, оқ оралаган сочларини тузатиб.

— Э, табриклайман бўлмаса!..

— Раҳмат! Рус дугоналарим: «Ҳеч бўлмагандан кеч бўлганиям яхши» дейишарди, тўғрими, шоир ака?— Юлдузхон менга қараб кўзини қисиб қўйди.

— Бўлмаса!..— Камол ака унинг олдинга ўтди.— Қўлингизни беринг, кеч бўлса ҳам бир сиқиб қўяйлик.

— Марҳамат!— Юлдузхон ҳамон юзида кулгичлари ўйнаб, қўлини чўзди.— Табрикларингиз учун раҳмат, раис ака. Бироқ... тағин ўша қадрдан Мўмин акамларни бригадасига қайтарар эмишсизми бизни?

— Йўқ, йўқ, ниҳояти бир-икки кунга борасиз.

— Майли, бораман, фақат битта шартим бор!— Юлдузхон бошини кескин силкитган эди, чамбарак бўлиб турган икки сочи ечилиб белига сирғалиб

тушди.— Шартым шуки, ишларимга ара-
лашмайдилар!

— Бечора Мумин ака!— раис хахолаб
кулиб юборди.— Бу ёқда сиз, бу ёқда
журналист ўртоқ... Тоза сиқиққа олдила-
ринг-ку шўрликни!

Юлдузхон кўзларини хиёл сузиб менга
қаради.

— Ёзувчи акам Қачон сиқиққа опти-
лар у кишини? Қайтага ённи олганлар-
ку фельветонларида?— Юлдузхон шундай
деди-да, мен томонга бир қадам ташла-
ди:— Сиз ўйламанг, мен Салтанатни
ёқлаб жа... унга жоним ачишаётганидан
айтаётганим йўқ бу гапларни! Сирайм
ёқламайман уни! Нега десангиз... Мўмин
ака жабр қилган экан, фош қилсин эди!
Ё кетсин эди менга ўхшаб бошқа брига-
дагами, ўқишгами! Лекин, сиз адолатли
бўлсангиэ, Салтанатнинг юзига бир ша-
пати урган жойда, Мўмин акангизнинг
юзига ўн шапати урадингиз! Ҳа!

Мен нима леб жавоб беришмни ҳали
ўйлаб ҳам толмаган эдимки, Юлдузхон
Амина опага юзланди:

— Тўғрими, опажон?

Амина опа секин кўзини очиб, ҳоргинн
жилмайди.

— Сен гапирасану, нотүгри бўларми-
ди, Юлдузим?— деди у ва рўмолини
тўғрилаб ўрнидан турди.— Яна бирпас
ўтирсам ухлаб қоладиганга ўхшайман...
Эртага бюро бўлармишми?

Камол ака бош иргади:

— Ҳа, бюро чақирамизми, йўқми,
ишқилиб, шу гапларни бир гаплашиб
олсак дейман. Сиз ҳам ишни қабул
қилиб олсанги兹 бўларди Ҳалима опа-
дан.

— Ҳозир ишдан гапираманг, жон ука!—
деди Амина опа.— Ухлайлик, ухлайлик,
ухлайлик...

— Кечирасиз, кинонинг иккинчи сеани-
си бор ҳали!— Юлдузхон серкипrik кўз-
ларини сузив Камол акага қаради.—
Раис акамларнинг вақтлари бўлмаса
керак, албатта?

Камол аканинг кўзларида гуноҳкор
бир ифода пайдо бўлди:

— Йўқ, гап вақтда эмас, лекин...

— Ҳа, ҳа, тушундим, тушундим!— де-
ди Юлдузхон.

Гўё ўрталарида аллақандай бир сир
бордай, иккиси ҳам ўғрайсизланиб, қиза-
ришиб қолиши.

Ҳаммамиз бирга идорадан чиқдик.

Юлдузхон хайрлашар-хайрлашмас клубга томон кетди. Амина опа эса худди ёш боладай эснай-эснай мактабга қараб йўл олди. Камол ака икковимиз дарвозанинг олдида бир лаҳза тұхтаб қолдик.

Құчадаги бояги шов-шув босилган. Қишлоқ аллақандай сокин, осойишта сукутга чўмған эди. Ҳаво совуқ эмас, аксинча, шундай майин ва соф туюлардикі, гўё ҳозир декабрь эмас, илк куз оқшомларини эслатарди.

— Фалати кечада... Уйқу босаётгани йўқми?

— Йўқ.

— Бўлмаса, пича айланайлик,— деди Камол ака.

Биз гурс-гурс қадамларимиз билан деярли кимсасиз кўчаларнинг маъюс жимлитини бузиб, сельпо томон йўл олдик.

Мен қаёққа кетаётганимизни сельпо остонасида қўшофиз милтигини қучоқлаб хуррак отаётган қоровулнинг ёнидан ўтиб, амбулатория томон бурилганимиздагина фаҳмладим: Салтанатга шекилли!

Тахминим бекор чиқмади, Камол ака

шифохона рўпарасига етгач, индамай ўша томонга бурилди.

Бироқ амбулаториянинг чироқлари ўчган, фақат битта деразадан хира нур тушиб турарди.

Камол ака бинонинг чап ёнидан ўтиб, тепаликка чиқди.

— Ҳа-а... Ётиб қолишибди... — деди у ўйчан.

Тепаликнинг орқасида мактабнинг учтўрт гектар келадиган бедазори бўларди. Ҳозир бедазорга ёш ниҳоллар ўтқазилган, лекин беда ҳам ўсса керак, бир-икки жойда катта ўтовга ўхшаган ғарамлар қорайиб кўринарди.

Камол ака пастаккина пахсадан сакраб ўтди-да, ғарамларга томон юрди. Унинг бу иши менга бир оз ғалати туюлса ҳам, орқасидан боришта мажбур бўлдим.

Камол ака ғарамнинг ёнига боргандагина тўхтади, қоронғида юзимга яқипроқ эгилиб деди:

— Сиз эҳтимол ҳайрон бўлаётгандирсиз. Лекин, қаранг, қандай ажойиб кеча. Бирпас ёнбошлайлик. Аммо ҳузур қиласиа, ука.

У бир-икки қучоқ ғарамни ерга тўшаб,

әнбошларкан, менга бир дақиқа боқиб.
таклиф қилди:

— Чүэилинг, дўстим. Сөзяпсизми ҳи-
дими — худди ёз дейсиз!..

Мен миёнхимда кулиб унинг ёнига
чўзилдим. Чўзилишим билан диморхимга
қуруқ беда, ялпиз, какра ва аллақандай
гулларнинг бир оз тахир ва айни замон-
да хушбўй ҳиди урилди-ю, ажойиб ёз
оқшомлари эсимга тушиб кетди, ўзим-
ни мактаб боғида эмас, узоқ даштда,
пичан ўраётган ўроқчилар орасида ёт-
гандай ҳис этдим. Осмон ҳам ёздагидай,
ҳатто ундан ҳам тиниқ иўринди кў-
зимга. У шундай яқин, беғубор, юлдуз-
лар эса ғалати кўк учқунлар сочиб шун-
дай порлаб турардики, худди бирор
тепамга битта-битта қилиб жавоқир те-
рилған катта қора духоба чойшаб ёпган-
дай...

Атроф сув қуйғандай жимжит. Фақат
гоҳо-гоҳо гарамнинг орқасидан гарч-ғурч
беда чайнаган отнинг лишқириб қўйи-
ши, кишанларини шарақлатиб гуре-турс
сакраши эштилиб қоларди.

— Ажойиб нарса-да, юлдузлар!—
Анчадан кейин сўз қотди Камол ака.—
Тикилиб ётсанг қўнглинг равшан торта-

ди. Ҳаёт чексиз-чегарасиз эканинг ишонасан, киши...

Тўсатдан у бутун гавдаси билан ардарилиб, мен томон энгашди:

— Менга қаранг, ука, туноҳим нима ўзи?— деди у кутилмагандекескин бир оҳангда.— Гуноҳим раислигимми? Раис бўлганим учун севишга ҳаққим йўқми шу қизни?

Мен эрталабдан бери юрагимнинг бир четида шу саволни кутардим!

Қоронгиликда худди юлдуздай кўкимтири учқунлар сочиб, пар-пар ёниб турган кўзларидан кўзимни олиб қочдим.

— Йўқ...

— Нега бўлмаса фельетонда уриб чиқдингиз?

— Энди... ўзингиз айтдингиз-ку, эртага гаплашармиэ деб бу гапларни.

— Кўнглингизга келмасин, ука. Фельетон учун алам килганидан айттаётганим йўқ буни. Алам қилса... бунақа эргаштириб юрмас эдим сизни. Аммо.. Агар шу нарсага раислик сабаб бўлса, шу лавозимдан тушира қолишин! Шу бугунок топшираман!

Камол ака яна боягидаи чалқанча ётиб, осмонга тикилди.

Йўқ, эрталаб у менга руҳан эзилиб, тариб аҳволда юргандай туюлгани бекор, бу одам метин иродали, айтганидан қайтмайдиган бир йигит эди!

Нима дейишимни билмай индамай қолдим. Анчадан кейин жимлнкни Камол аканинг ўзи бузди. Лекин бу сафар унинг овози боягидай кескин эмас, босиқ ва аллақандай ўйчан эди.

— Башарти фельетон қилган бўлсангиз ҳам мен сизга кўнглимдаги битта гапни айтиб берай, ука,— деди у.— Бундан беш-олти йил аввал институтнинг охирги курсларида ўқиб юрганимда биттасини яхши кўриб қолувдим. Ёшлида бўлади-ку, биласиз. Жуда астойдил эди севгимиз. Ўзи яхши қиз эди-ю, ота-онаси сал ҳалигидақа... мешкан табиат одамлар эканми, менсишмади бизни. Хуллас, пешонамиз ёришмади-да, ука. Шундан кейин энди муҳаббат дегани насиб эмас экан бизга деб, йиғишириб қўя қолувдик... Мана, шундан бери қанча жойларда ишладик. Колхозлардаям, РТС даям, райкомдаям. Тупла-тузук қизлар учради-ю, бирортасиям бунақа... юракни жизиллатмаган эди. Шу ерга келдиму, шу... Гоҳо ўзим ҳам ҳайрон қоламан, ука.

Камол ака хижолат чекиб бир-иккى томоқ қирди-да, жим қолди. Ҳикоясини яна ўзи давом эттиришини сезиб, индемай ётавердим.

Дараңақырат, күп ұтмасдан Камол ака тағини ўша босиқ, маъюс оҳангда сұз бошлади:

— Тұғрисини айтсам, бошда унинг юриш-туриши менга ҳам ёқмаган зди, ука. Гапнинг очиги, ўзи ҳамма нарса жанжалдан бошланади. Жанжалдан бошланди-ю, кейин... Бундоқ суриштириб қөрасам, коса тағида ним коса бор әкан, ука.— Камол ака яна мен томонға ағда-рилиб, ёнбошлаб олди.— Мен сизге айтсам, умуман... яхши қыз, ука. Фақат, ўчакишиб, йўлидан адашиб қолган, холос. Бўлмаса, ҳамма нарсага әкли ета-ди, тушунади ҳам. Ишонсангиз, у ҳам раислигимни баҳона қилиб, рад қилса бўладими севгимни! Ўша куни сизлар борганде ҳам икковимиз худди шу маса-лада тортишиб, анча нари-берига бориб турган здик...

«Ха-а... гап буёқда әкан-да!» хаёлни-дан ўтди менинг.

— Аммо... энди бас! Бунақаси кетмай-ди!— Камол ака шахт билан қаддини

ростлаб, чордана қуриб ўтирди. Қоронғида яна боягидай күзлари ғалати уч-қунлар сочиб, чараплаб кетди.— Сизни билмадим, ука, аммо мен қишлоқ боласынан. Үн олти ёшимда трактор ҳайдаганман. Қилмаган ишим йўқ: машина ҳам ҳайдаганман, механик ҳам бўлганман. Армияда ҳам танк ҳайдаганман. Гапнинг лўндаси, биламан, пахтачилик қанчалик муракқаб куринмасин — бу масалани машина ҳал қиласди. Аммо Мўмин акадай одамлар билан ҳал қилиб бўлмайди! Гап ёшда эмас, ука. Амина ола ундан беш-олти ёш катта бўлса каттадирки, ёш эмас, аммо у кишининг қилаётган ишига бир назар ташланг. Эҳ!.. — Камол ака тўсатдан қўлини силтади.— Афсуски, журналист эмасман-да. Кўтарадиган шунаقا масалалар, айтадиган шунаقا гаплар борки, ука!

— Бунинг учун журналист бўлиш шарт эмас.

— Шарт эмаску-я, бироқ нонингизни яримта қилмай дейман-да,— кулди Камол ака.— Хуллас... Бошда биттаю битта маҳсад билан келувдим бу ерга, ука. У ҳам бўлса машина пималарга қодир эканини кўрсатиш эди. Мана энди бунга

тагин битта мақсад қўшилди — Салтанат! — Камол ака бошини чайқаб қўйди! — Аммо етаман иккала мақсадимга ҳам! Салтанатга уйланаман. Тўй қиламан, кейин ўқишига боради... Агар раисликдан шу бугун ҳайдасаларинг ҳам, битта эмас, ўнта фельетон ёзсаларинг ҳам уйланаман Салтанатга! Вассалом!

Гарчанд унинг ҳар бир гали юрагимга бир тикан бўлиб қадалаётган бўлса ҳам, беихтиёр кулиб юбордим:

— Агар раисликдан шу бугун ҳайдашадиган бўлса, биринчи мақсадингизни қандай исботлайсиз?

Камол ака гугурт чақиб папирос тутатди. Гугурт ёнгак пайтда кулимсираган кўзларини, лабининг четилаги муғамбир табассумни кўриб қолдим.

— Буни бир айтдим-қўйдим-да, ука. Ҳақлари йўқ бўшатишга! Мен уни йўлдан урсам бошқа гап эди. Севаман ахир. Тушуняпсизми, севаман!.. Ҳали ҳам бой-феодаллик касали ётибди дилларингда. Вассалом!..

Мен эндигина тушундим. Мен бу одамини Салтанатни ҳақорат қилганимдан ҳам қаттиқ ҳақорат қилган эканман! Ахир У

Салтанатни шундай севар экан, наҳот унга ёрдам қўлини чўзиш, пок муҳаббатини майда-чуйда ғийбатлардан асраш ўрнига, фельетон ёзиб бунчалик мазах қилсан? Нега ўшанде чуқурроқ ўйламадим? Фақат Қулаҳмаднинг ҳолига ачинганим учунми? Ё Камол аканинг муҳаббатига ишонмаганим учунми? Йўқ, у ҳам эмас, бу ҳам эмас, ҳаммасига сабаб — бу киши айтгандек, дилимда бой-феодаллик дарди илдиз отиб ётгани учун, холос!..

Шу пайт ёдимга Матлуба билан бўлган тўқнашув тушди-да, ўрнимдан туриб кетдим.

Ахир бу касал дилимда бунчалик чуқур илдиз отмаган бўлса, арзимаган нарсага хафа қиласмидим Матлубани?

Мени кўриб Камол aka ҳам қўзғалди.

— Ҳа, кетамизми, ука? Ана, ҳулкар ҳам тик тепамизга келиб қопти.

У ҳам уст-бошини қоқиб ўрнидан турди:

— Эҳтимол, сиз ҳайрон бўлаётгандирсиз бу юришларга? Майли, ҳозир ҳайрон бўлсангиҳ ҳам кейин тушунасиз. Севиб қолганда тушунасиз, ука.

Мен ичимда бир кулиб қўйдим.

Эрталаб кечроқ уйғондим. Деразадан тушган нур икки кишилик торгина хонани худди баҳор пайтидагидек ёритиб юборган эди.

Камол ака барвақт турнб чиқиб кетган бўлса керак, тўшаги солдатчасига бекам-кўст тузатиб қўйилган эди.

Кийинаётib столдаги графиннинг тагига қистирилган бир парча қоғозга кўзим тушди: «Учқунжон ука. Мен амбулаторияга кетдим. У ердан фермага ўтаман. Чой-пой ичиб, майд-чўїда ишларингиз бўлса битказиб туринг. Мен барвақт қайтишга ҳаракат қиласман. К-л».

Қолиб бораётган ишим ҳам йўқ: Салтанат билан нимани ҳам гаплашаман, Мўмин ака билан бўлса бюорода учрашамиз. Ўйлаб-ўйлаб, бир-икки бригадани айланиб чиқишга аҳд қилдим. Ҳар ҳолда биз журналистлар баҳорда ва кузда — терим пайтларида кўп жонбоэлик кўрсатсан ҳам, шудгор масаласига деярли эътибор бермаймиз. Башарти Амина опа билан Камол аканинг кечаги гапларида жон бўлса, бу нарсани кўтариб чиқиш ҳам катта иш-ку? Лоақал шу масалада уларга ёрдам бериб гуноҳимни пича оқлай!

Наридан-бери бир-икки пиёла чой ичиб,
күчата чиқдим.

Осмон беғубор. Қуёш терак бўйи кўта-
рилиб қолган. Туман тарқаб, ерлар эри-
тан, ҳаво худди кечагидай майин, ҳатто
илиқ, худди куз ҳавоси каби кишига сар-
ёфдай ёқади.

Афтидан, Камол ака чиндан ҳам бу ма-
салага астойдил киришган бўлса керак,
шудгор ҳамма жойда баравар бошланган,
бундан одамлар ҳам хурсанд, иш ҳам
қизғин борар эди.

Қандай ажойиб меҳнат шавқи! Кўнг-
лимни ғаш қилиб турган ҳамма ташвиш-
лар бир зумда эсимдан чиқиб кетди. Еш-
лигим ёдимга тушиб тракторга чиқиб
ҳайдаб кўрдим, плугларнинг пўлат тиш-
лари қоп-қора тупроқни пичоқдай тилиб,
ипакдай эшишини завқ билан томоша қил-
дим. Ешу кексалар билан суҳбатлашдим.

— Аттанг! Бултур кузда ҳам иш шу-
нақа бўлганда эди!

Бу сўзларни ҳар эшитганимда блок-
нотимга ёзиб, тушгача далама-дала пиё-
да кездим. Энди бу тўғрида ёзиб, Камол
аканинг ташаббусини тақдирлаш керак-
лигига шубҳам қолмаган эди. Ёзганда
ҳам масаланинг ички моҳиятини очиб,

жиддий бир нарса ёзиш керак. Лекин янови масала-чи? Фельетон-чи? Ахир уни бир ёқли қилмасдан туриб, бу ҳақда ёзиш қийин-ку?

Назаримда, гүё эрталаб сийраклашиб қолган булутлар тағиң қуюқлаша бошлади-ю, момақалдироқ гулдураб, чақмоқ чақадигандай туюлди.

Дарҳақиқат, идорага боришим билан булутлар йиғилиб, чақмоқ нафаси кела бошлади.

Ҳаммадан бурун Ҳалима опа билан Мүмин ака келишди. Кейин Қулаҳмад күринди. Сал ўтмай Амина опа билан Салтанат ҳам кириб келишди, бироқ Салтанат Қулаҳмаддан иймандими, ё бошқами, ишқилиб, биэ ўтирган хонага кирмади, даҳлизда қолган бўлса керак, кабинетга Амина опа ёлғиз кириб келди.

Гарчанд, опа муаллималик чоғларида яхши кийиниб юришини билсам ҳам, беихтиёр қизиқиб тикилдим: эгнида кечаги эски пўстин ўрнига янги кул ранг макинтош, бошида ипак рўмол, оёғида пошнаси баланд қора туфли, ўзи ҳам гүё бир кечадаёқ рангига қон югуриб, хийла яшариб қолганга ўхшарди.

Буни Ҳалима опа ҳам сезди шекилли,

қоғоз титишдан тұхтади ва менга қараб
қандайдыр аяңчли жилмайды:

— Ана, янги партия ташкилотчисига
бір қараб құйнинг, шонр ука. Ясан-тусан
мана бунақа бұptи. ўргилай!

Амина опа худди олхұри егандай юзи-
ни бужмайтырди:

— Шу ҳам гап бўлдими, Ҳалимахон?

— Ҳа, нега гап бўлмас экан? Рост-да!
Ут жойингта.

— Йўқ, йўқ, қўзғалма. Бугун қоғоз-
бозликка сира тоқатим йўқ! — Амина опа
диванга ўтириб, рўмолини ечди, чакка-
сига тушган оллоқ соч толаларини ту-
затаркан, қалик қошларини чимириб
кулди:

— Ахир бу ёқда планни бажариб, бу
ёқда шудгордан қутулғандан кейин на-
ҳот тузукроқ кийинишга ҳақимиз бўлма-
си?.. Мен қизларимга ҳам тайинладим:
энди ясан-тусанни жойнга қўниб эрга те-
тинглар, тўй-томошани бошлаб юборинг-
лар, дедим!.. — У қўзларини қисиб Мўмин
акага юзланди: — Ё чакки қилибманми?

Мўмин ака ўтирган жойида:

— Билмасак энди, тўғри бўлса, тўғри-
лир-да.. Сиз янги раҳбар, ақл-идрокда
етуқ! — деди, мийигида кулиб.

Амина опа яна боягидай қошлари чи-
мирилиб ерга қаради, гапни буриш учун
бўлса керак, сўради:

— Юлдузхон қалай, ишляяптими?

— Ишляяпти чоғи... — Мўмин aka:
«Мен билмадим, сен айт», деган маъно-
да Қулаҳмадга қаради. Лекин Қулаҳмад
унинг бу қарашини пайқамади ҳам. У
бурчакда деразага тескари ўгирилиб, бо-
шини солиб ўтирас, афтидан, хаёли бош-
қа нарсалар билан банд эди.

Бугун у кечагидан ҳам яхши кийнинган,
кўк шерстъ костюмининг ичидан оқ шойи
кўйлак кийиб, ёқасини чиқариб қўйган,
оёғидаги бигиз тумшуқ туфлиси худди
кўзгудай ялтирас эди. Қиёфаси ҳам бош-
қача — кўз қарашларида, қошларининг
чирилишида, чиройли дўнг пешонасига
тушиб турган қалин жингалак соchlарини
гоҳо-гоҳо орқага силтаб қўйишларида
илгарилари унга ёт бўлган ўзгача бир
кескинлик сезилиб турар эди.

Буни Амина опа ҳам пайқади шекилли,
бир лаҳза юзинга тикилиб қолди, сўнгра
кўзини ундан узиб. Ҳалима опага қаради:

— Бугун бюро бўладими шундай қи-
либ?

— Билмасам энди! Буни, янги партия

ташкылочиси сен биласан,— деди Ҳалима опа түсатдан лаблари титраб.

— Құй әнди шу гапларингни, Ҳалимакон.

— Иүқ, нега құярканман, рост-да!— Ҳалима опа столдаги қоғозларни четга суриб шартта ўрнидан турди.— Бюро бұладими-йүқми, буни билмадим,— деди у энтикиб.— Бироқ, ишни қабул қилиб олмайдиган бұлсанг, мен кетдім! Бор гапни кече раисга айтғанман. Шу. Бошқа тапим йүқ!

У күзлари қандайдир жағдирағ, юзидан мунчоқ-мунчоқ тер оқа бошлаган Амина опанинг ёнидан үтиб, ташқарнга чиқиб кетди.

Амина ола бир нағас уннің кетидан маъюс тикилиб қолди, сүнгра:

— Ҳалима, Ҳалима-ей...— деди секин бош чайқаб.— Үз ишим яхши әмасмиди менга қолса?

— Иүқ-э, нега бунақа дейсиз, опа? Сиз илмли, ғайратли киши,— Мұмнин ака сийрак мүйловини силаб илжайиб қўйди.

Үртага ноқулай жимлик чўкди. Яхши ҳам шу пайт эшикдан эгнида кечаги комбинезон, бошида ўша ўзига ярашиб турған қизил дурра — Юлдузхон кириб кел-

ди. Үнинг орқасидан уч-тўртта қиз-жувон ва ниҳоят Қамол ака ҳам кўринди.

Яна кўзим беихтиёр Мўмин акага тушди. Үнинг рангидан қони қочиб, яккамдуккам мўйлови баттар шалпаниб қолган, ўзи ҳам ҳадеб дўлпинсини бошига иш-Қалаб, ўтирган жойида тез-тез қўзгалиб қўяр эди. Ёлғиз Қулаҳмадгина вазиятини ўзгартирмади. У фақат Юлдузхон қайтиб чиқиб Салтанатни бошлаб киргандагина кўкраги бир кўтарилиб тушди, холос.

Бугун Салтанат ҳам бошқачароқ эди: эгнида сур ранг енгил макинтош, бошида ҳаво ранг тивит рўмол, оёғида пошнаси баланд кишки туфли. Бу кийимда у одатдагидан ҳам тўлароқ кўринар, юзи ҳам кечагидан бир оз тиник, лекин ҳаракатларида ўзгача бир тортичноқлик бор, гўё қилгуликни қилиб қўйиб, энди истигхола қилаётган одамнинг дидини берар эди.

У Юлдузхон қўлидан қанча тортқила масин, тўрга ўтмади, пойгаҳда турган креслога ўзини ташлади-да, кўзини бир нуқтага қадаб ўтириб олди. Шундан кейин Юлдузхон ҳам қўлинни силтаб, тўрга ўтган Амина опага юзланди:

— Мен бошқалардай қўлим бўшу, кўнглим ҳуи эмасман, жон опа, у ёқда тракторжон йўлинига нитизор бўлиб турибди. Шонр ақамларга кеча берадиган жавобимни берганман. Бошқа сўроғишигиз бўлса сўранг, бўлмаса йўлидан қолмай, опажо!

Ҳамма кўлиб юборди. Юлдузхон Амина опага жуда ёқса керак, у катта кафти билан чаккасини силаб, унга тикилганча мулойим жилмайиб ўтиради.

— Савол бўлса,— деди Амина опа,— Салтанатнинг хатларини ўқингандирсан?

— Ўқиганман. Ҳам бу кишига кечеёқ айтга шман.—Юлдузхон боши билан менга имо қилди.—Ҳар қалай мен Салтанатнинг бу қилигини ёқтирмайман. Бу нақа бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўйиб юргандан кўра фош қилсин эди бу кишини! Жиллақурса менга ўхшаб шартта бошқа бригадата кетиб қолса бўлмасми? Жудаям бўларди! Бироқ...— Юлдузхон тўсатдан бошидаги қизил дуррасини юлиб олди, юзлари гул-гул ёниб, кўзлари чақнаб Мўмин акага ўғирилди.—Бироқ, бу киши тўгрисида Салтанат нималар деган бўлса — ҳаммаси тўғри! Биттаям ёлғоли йўқ! Ҳар баҳор квадрат-

лаб экдим деб, ҳаммани чалгитишлари ҳам күзда пахталарга сув қўйиб, мешинани киритмаганлари, ҳамма-ҳаммаси тўғри. Мен буни илгарилари ҳам айтганман, ҳозир ҳам айтаман — биттаям ёлго ни йўқ. Шу!

Ҳамма баравар ўғирилиб Мўмин ака-
га қаради. У олдин ранги ўчиб, дўпписи-
ни бир қўлига олиб, бир кийиб, довдираб
колди, кейин менга ўғирилиб ғалати ку-
лимсиради:

— Ҳозир хотин-қизлар замони. Булар
турганда бизга гап йўқ, мулла,— деди
у.— Майли, давр келибди — гапиришсан.
Мен индамайман. Аммо, бу ёқдан ҳам
бир оғиз гап сўранг, мулла ака! — унинг
кўзлари Қулаҳмадга тикилди.— Инсоф
билан сен ҳам бир нима де, иним...

— А? Лаббаӣ?— Қулаҳмад бурун қа-
таклари пирпираб секин ўрнидан турди,
худди қулаб кетадигандай стулнинг су-
янчиғига маҳкам ёпишиб, Мўмин акага
энгашди:— Сиз... Сиз мени тинч қўйинг!—
деди секин ва қандайдир бўғиқ бир
товушда.— Инсоф билан бир нима де
эмеш! Қайси бирини дейман! Асли кет-
мон билан чоптириб, культивация қил-
дирдим, деб ахборот ёздирганларингиз-

німи, ё машинада тердирдім деб, күзбұямачилік қылғашларингизними? Е бўлмаса, ўша куни менинг жуфти ҳалолимга... Салтанатга қылған инсофензингизними? Хўш, қайси бирини айтіб берай буларга? Қайси бирини, акажон?

Мўмин ака шогирдидан бу тапни кутмаган бўлса керак, оғзи очилиб, аянчли бир қиёфада анграйиб қолди.

Қулаҳмад эса ерга қараганича бир нафас жим турди, кейин бошини кўтариб, бурунгидан ҳам маъюс катта шаҳло кўзларини Аммиа опага тикди:

— Аммо жазолайдиган бўлсаларинг бу кишини эмас, аввал мени жазоланглар,— деди паст, лекин алам тўла овоз билан.— Мен... мен бу ёқдан ҳам ўтган нодон бир одам эканман! Талабим шу сизлардан!

У шундай деди-да, дўнг пешонасига тушиб турған қалин жингалак соchlарини тўғрилаб қўйиб, эшикка томон юрди. Салтанатнинг олдига боргандада бир дақиқа тўхтади. Назаримда, бир нима демоқчи бўлди-ю, йўқ, индамади. Фақат қўлини бир силтади-да, чиқиб кетди.

Бутун вужудим жимиirlаб Салтанатга қарадим. У бошини тағин ҳам пастроқ

эгиб, чурқ этмай ўтирап, фақат узун қайрилма киприклари худди шабнам силаган барра майсалардай титрап эди, холос.

Үртага чуқур жимлик чўкди. Лекин бу жимлик фақат бир дақиқагина чўзилди, кейин йигилган қиз-жувонлар баравар шов-шув кўтариб юбориши, назаримда, худди боятдан бери портлай деб турган бомба тўсатдан портлаб кетгандай бўлди.

Қиз-жувонлар жуда тўлиб кетган экан чамаси, айтилмаган гап қолмади: Мўмин аканинг машинага ишонмай ҳадеб қўл меҳнатига зўр бериши дейсизми, ҳамма енгил-елни ишларга эркакларни қўйиб, хотин-қизларни кетмонга солиши дейсизми, бригадада хурсандчилик, ўйин-кулги деган нарсалар пўқолиб кетгани дейсизми, бирорта қиз бирорта йнгит билан пича ҳазиллашиб, кулишиб гаплашса, шунинг ўзи биланоқ номи ёмонга чиқиши дейсизми, хуллас, ҳаммаси айтилди!

Мен Мўмин ака шу сафар ерга кириб кетар деб ўйловдим, йўқ, сир бой бермади. Олдин ранги ўчиб, офтобда жизғинак бўлган киприкларини пирпиратиб, бароқ

қошлариниң тез-тез силаб, күзларини бир нүктага тикканча безрайиб ўтираверди.

Аммо хотин-қызлар ҳам бүш келишмади. Сочларига оқ оралаб қолған қотма аёл столни мүштлаб берди, қызлардан бири азбаройи Мұмнин аканинг қайсараги жон-жонидан ўтиб кетгани учун бўлса керак, ҳатто йиғлаб юборди. Агар Қамол ака кулиб: «Хўп, ўртоқлар, масала ойдин, бизга ҳам гап қолсин!» демачанида, билмадим, ахийри нима билан тугарди бу учрашув!

Юлдузхон бошлиқ қиз-жувонлар ҳаяжнидан күзлари чақнаб, юзлари ловуллаб, кабинетдан чиқишаётганда Салтанат ҳам ўрнидан турди. Худди ўтирганларнинг юзига қарашга иймангандай күзларини ердан узмасдан секин гапирди:

— Майли, бўлмаса, мен ҳам борай...

Гарчанд, боятдан бери бир оғиз бир нима демаса ҳам, ички бир ҳаяжондан юзлари ёниб ўтирган Амина опа:

— Ҳа, қаёққа шошасан, айтадиган гапнинг йўқми?— деб сўради ундан.

— Йўқ, нима ҳам дердим,— Салтанат бошини кўтарли, айни бир пайтда ҳам маъюс, ҳам қандайдир ўйчан бир ифода

пайдо бүлган мулойим қуралай күзлари билан Мұмін ақанинг юзінде узоқ тикилиб қаради.

Уннинг бу қарашида ғазаб әмас, ұтто нафрат ҳам әмас, балки таажжубға үкшагаш бір ифода бор, гүё Мұмін ақани бириңчи дағъя күраётгандек зди.

— Мен нима ҳам дердим,— деди у тақрорлаб.— Қызлар ҳамма ғапни айтишди. Фақат... Юлдузхон ҳақ, мен бургага аччиқ қилиб, күрпага үт құйибман!

— Лаббай?

Бу кескин овозни әшитиб «ялт» этиб қарадим. Мұмін ақа худди думини бирор босиб олган мушукдай ҳурпайиб, күзлари чақчайиб, яккам-дуккам мүйлови диккайиб туарди.

— Хе,— деди у хансирағ.— Ҳали біз бурга бүлдигу, шунча беҳаे-бепарда қиындылар қилиб, сиз биэзга ақл үргатадиган оппоқ қыз бўлиб қолдингиэмис, акаси үргилсинг?

Салтанат худди бўронда чайқалган одамдай бир чайқалди.

— Беҳаелик қилиб нима қилибман?

Мұмін ақа қўлини силтаб жойига ўтириди.

— Майли энди, биламиэ!

— Нимани биласиэ, айтинг? — Салтанат бир қадам олдинга юрди. — Айтинг!

Мұмшы ақа қовогини солиб:

— Хүп, бұлды! — деди кескин.

Салтанат күзларини катта очиб қотиб қолған зди.

— Сиз... Сиз! — деди у ниҳоят. — Одам ҳам шұнчалик... Шұнчалик бачканы бүладими? Ахир...

У гапини давом эттиrolмади. Тұсатдан күзлари жиққа ёшға тұлди да, қоқи-либ-сурилиб әшикка томон интилди.

Қани зди, эскилик қон-қонига сингиб кетған бу чиркін одам ёшроқ бұлса-ю, сакраб туриб ёқасига ёпишсам!.. Ия, нима деяпман! Ажабо! Кечагина уни мақтаб, бугун ёқасига ёпишишга маънавий ҳақим борми?

Ич-ичимдан зил кетиб, секин Қамол ақага күз ташладим. У ранги бұздай оқарыб, ерга қараб үтирад, тиәзасига тирылған құллари қаттиқ титрад, афтидан, қалбидаги ғалаён билан олишмоқда зди.

Хайрият, орамизда Амина ола бор экан, бұлмаса билмадим нима бұларди. Үртага чүккан жимликни яна ўша киши буздилар:

— Менга қаранг, Мұмін ақа,— деди у.— сиз... ёшингиз катта бўлиб, мендан катта эмассиз. Борсангиз энди элликка боргандирсиз. Эскиликка бу қадар муккасидан кетиш... Хотин-қизларга бунчалик ишонмаслик, бу дағаллик, бу фисқу фасод... Мен ҳайронман, қаёқдан ўргандингиз бунинг ҳаммасини?

Амина опа бу гапларни шундай секин, айни бир пайтда шундай күйиб-ёниб гапирдики, мен Мұмін аканы гап тополмай, лол бўлиб қолармикан, деб ўйлаган эдим, йўқ, бу сафар ҳам тилини тиймади:

— Мен ҳам ҳайрон бўляпман, партком опа, биттангиз келиб: «Нима қилсанг қишу, пахта бер», десаларингиз, пахта берсак, тагин биттангиз келиб: «Нечук квадрат-уялаб экмадингиз, нечук хотин-қизларни эъзозлаб икки қўллаб кўтариб юрмадинг?» деб дашном берсаларингиз... Қайси бирини қилайлик, спажон?

Йўқ, бу одам Салтанат ўйлаган Ойим-сулурги эмас, бирор хавф сезса, дарҳол тиканларини ҳурпайтирадиган кирпитинканинг ўзгинаси эди!

Амина опа олдинга энгашди:

— Менга қаранг, Мұмін ақа!— деди у энтикиб.— Намунча ўзингизни гўллик-

ка соласиз? Е ҳукуматимиз ҳамма оғир-ликни механизацияга юклаш ҳақида қанча-қанча қарорлар чиқарганидан бе-хабармисиз?

— Билмасак энди, опажон.

— Иүк, биласыз!

— Хай, нима ҳам дердик...

Мүмнүн ака бир-иккى томоқ қириб олди. Нечундир, түсатлан у бояги кирли қиёфасидан одатдаги Ойимсупурги қиёфасыга кирган, ўзи ҳам мулойимлашиб қолган эди.

— Энди... Қайдам, партком спа.— деди у, аллақандай ранжиган, мунгли төвушда ва негадир менға қаради.— Биз оми одам. Сизлар нима десаларингиз шуни қиласыз. Күни кеча бу кишига ўхшаган мулла йигитлар неча марта мақтаб газетага ёзишувди. Қўкларга кўтаришувди. Бугун келиб... Тағин билмадим, биз оми одам...

О, мұғамбір! У таслым бўлиш у ёқда
турсин, энг катта тошини менга атаб
қўйнида сақлаб турган экан!

На чора, бутун аламинни ичимга ютишга мажбур эдим! Ахир бу одам билан чүкүр танишмасдан, турмушдан нақадар орқада қолиб кетганини пайка-

масдан күкларга күтариб мақтаб юрганлар орасида мен ҳам борман-ку!

Бу одамни мақтаб ёзган чоғларимда мен бирор марта бригадада механизация масалалари билан пахтанинг таннархн ёки хотин-қызлар меҳнати билан қизиқ-қанмидим? Йўқ, бу ҳақда деярли гаплашмас эдик, чунки мен учун унинг бурунги довруги кифоя эди!

Бахтимга Қамол ака менинг ҳолимни тушунгандек шартта ўрнидан турди.

— Бас, бу гаплардан фойда йўқ!— деди у ва менга қаради:— Ё сизнинг бу кишига айтадиган гапингиз борми?

— Йўқ, ҳаммаси равшан.

— Бўлмаса,— Қамол ака белидаги камарини тўғрилаб Амина опага мурожаат қилди,— менга ҳам ҳамма нарса обидин. Қолган гапни правлениеда гаплашармиэ.

Мен гапнинг охирини кутмасдан ўрнимдан қўзғалдим, лекин шу пайт тўсатдан эшик очилиб, остоноада Ҳалима она кўринди. У кириши билан мен кечадан бери кутган чақмоқ ниҳоят чақлашини сездим: унинг важкоҳати бўлакча эди!

— Ҳа, нима бўлди?— деди у, доим мулоийм қараб туралиган қўй қўзларини

қисиб.— Эъзозлаб күтариб юришга аҳд қилдиларингни у танингни?

Мен Амина опага қараётганимда кўзим Мўмин акага тушди: у истеҳзоли плаҗайиб, нимадандир хурсанд ўтирар, чуқур ботган қисиқ кўзларида «Бизнинг ёнимизни ҳам оладиган бир инсон бор экану», деган маъно ўйнар эди.

— Бундан чиқди, уни тепкилиб ташласак оқилона иш қилган бўларканимизда?— деб сўради Амина опа секин.

— Қаёқдан билай, биз чаласавод одам бўлсак...

— Бас! Бўлди!

Амина опанинг овози шундай кескин эшитилдики, Ҳалима сапчиб тушиб, кўзлари жавдираб ён-верига қаради.

— Етар! Жонга тегди!— Амина опа қўлларини столга тираб, худди осмонга парвоз қилмоқчи бўлган қушдай олдинга талпинди:— Аттанг, Ҳалима, аттанг! Мен колхоз учун шунча жон куйдирган сендай оқ кўнгил бир аёлнинг ҳаётдан, турмушнинг ҳозирги талабларидан бунчалик орқада қолганинг учун минг афсус чекаман!— Амина опа кўкрагини тўлдириб чуқур нафас олди, худди ҳаво етиш-маётгандай томогини силаб қўйиб давом

этди:— Бироқ ҳамма нарсаннинг ҳам чегараси бор! «Чаласаводмиз, қаёқлан билайлик», деган личинглар жонга тегди. Ўқиш-ўрганиш ўрнига, шундай ажойиб машиналар учун курашиш ўрнига...

— Ўғлингнинг машинаси бўлгандан кейин ажойиб бўлади-да!— деди Ҳалима опа, деди-ю, лабларн титраб кетди.

— Ҳа, ўғлим ихтиро қилган машиналарни ажойиб деса бўлади! Ҳа, оқ сут бериб катта қилган ўғлим шундай машиналар ихтиро қилганидан фахрланаман! — жавоб қилди Амина опа.— Ҳа, фахрланаман!— такрорлади яна.— Ҳалқим ва партиям ўғлимдай олимларни қўллаб-қувватластганидан, улар ихтиро қилган машиналарга кенг йўл очиб берагётганидан баҳтиёрман. Афсуски, сендай софдил бир аёл буни тушуниш ўрнига...

Шу пайт кутилмаган бир нарса содир бўлди. Амина опанинг нафас олмасдан гапирган бу эҳтиросли, оташин нутқини жимгина тинглаб, бошини қўйи солганича лол бўлиб қолган Ҳалима опа тўсатдан ўзини диванта отди-да, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Аминна опа довдираб бир менга, бир Мұмін ақага қаради, сүнгра Ҳалима опага томон интилди:

— Ҳалима, ўргилай, кечир мени. Сен-га озор бермоқчи эмас әдим.

Камол ақа шошиб графиндан стакан-га сув қуя бошлади, мен шу қадар ҳая-жошланған әдимки, буни билдирмаслик учун секин эшикка чиқдим.

Ҳаёттинг қызыңқлигини. унда ниҳоятда чыгал ва мураккаб нарсаларнинг нақа-дар қоришиб кетганини қаранг! Ҳовлига чиқсам, мени Маҳмуд кутиб турған экан.

У күзойнаклари тағидан күзимга жав-дираб:

— Шу...— деди ёлворғаш товушда,— Амина опамларнинг бригадаси шудгор-ни сифатлы тугатғанликлари муносабати билан жиндак нарса ёзуудим. Шунн олиб кетсанғиа.

Үзим тұлиб турған бұлсам ҳам беих-тиәр кулиб юбордим:

— Яхши қилибсизу, аммо почтадан юбора қолинг, дұстим! Шундай дедиму, ундан қутулиб, бир оз ҳушымни йиғиб олиш ниятида рўпарадаги боққа қараб юрдим.

VIII

Бу учрашувдан кейин дарҳол жұнаб кетсам ҳам бўларди, Камол ака юбормади.

«Шошманг, ҳали гаплашадиган гап кўп,— деди у.— Ё фельетонга урдим деб тортиняпсизми? Асло тортиноманг, шу баҳонада номимиз чиқди, ҳаммага танилдик, ука».

Камол ака бу гапларни пичинг қилиб эмас, чин кўнгилдан ҳазиллашиб айтганини сезганимдан унинг сўзини ерда қолдиролмадим. Умуман, гоҳ жуда ўйчан, гоҳ жуда чўрткесар, гоҳ қарасанг, ниҳоятда мўмин, гоҳ қарасанг, аксинча, фавқулодда кескин, ҳатто дағал кўринган бу новча йигит менга ёқа бошлаган эди. Лекин яхши кўрганим сайин виждон азобим ҳам кучайиб борарди. Мен эндиғина, гарчанд фельетон Салтанат тўғрисида бўлса ҳам, ҳамма оғирлик Камол аканинг зиммасига тушганини, биргина эҳтиётсиэ жумла билан мен бу ажойиб йигитнинг соғ муҳаббатига, бу ерда бошлаган катта ишларига зарба берганимни аниқ тушунган эдим. Буни ўйлаганим сайин гапимиз ҳам қовушмай ўзимни

қандай тутишін билмасдим. Буннинг устига негадир хаёлимдан Матлуба кетмас, ҳар сафар уни эслаганимда юрагим орзықиб кетар зди.

Ниҳоят, тун яримга яқинлашиб қолған бұлса ҳам, кетишга ажд қилдим. Камол ақа ҳам ахвол·рухиямға тушунди шекилли, күп қистаб турмади: «Хұп бұлмаса, шоферни чақыртирай».— деб чиқиб кетді.

Мен диванга ёнбошлаганимча хаёл сурардым. Умримда ҳеч қачон ўзимні бунчалик ғарип, бунчалик нотавон сезмагандирман. Назаримда, кимдир метин құллары билан юрагимни маңкам қисиб, тобора қаттиқроқ әзмоқда зди. Фақат құнглымнинг бир четида биттаю битта истак милт·милт этар, у ҳам бұлса Матлубани күриш истаги зди. Кошки у ҳозир ёнимда бўлса! Дилемдаги бутун дардимни унга айтсаму, ҳамиша илиқ, майин кафтига бошимни қўйиб, лоақал ўн минут ором олсам! Лекин бу амалга ошмайдиган бир истак зди. Бу истак фақат ҳозиргина эмас, балки эртага шаҳарга борганимда ҳам рүёбга чиқмас! Ахир мендай бойвачча феодалдан қайси қиз ҳам юз ўгирмасны?

Ҳа, энди күзим очилди: бу масалада мен Қулаҳмад билан Мұмин ақадаң үтсам үтаманки, аммо қолиши маіман! Акс ҳолда...

Худди оловға исинаётгандай құлларини ишқалай-ишқалай Қамол ака кирди:

— Шоферни топдик, ҳозир келади!— деди у ва ҳазылнома:— Ҳа, намунча на шасидан айрилған нашаванддай бошиңгиз осилиб қолди?— деб кулди.

— Ҳа, шу... Ұзим.

Қамол ака пальтосини ечмасдан стулни суриб ёнимга үтирди, бошидан шапкасини олиб, қоп-қора соchlарини си ларкан:

— Хүш, нима қылмоқчысиз?— деб сұради.

Мен елкамни қисдим.

— Билмадым энді Гаплашиб күрар миз борғандан кейин. Ҳар ҳолда... Шундай қолдирмасмиз.

Қамол ака күзларини қисиб, юзимга узоқ тикилиб қарали, сұнgra сұради:

— Сизга гап тегмасмиқин?

— Билмасам, бошга тушганин күз күрар дейдилар-ку!

— Мен шунинг учун сұраялманки,

Битта сиз айбдор эмассиз бу масалала,—
деди Камол ака. У худди дилимдаги ға-
лаённи кўзимдан билиб олмоқчи бўл-
тандай, ҳамон юзимга диққат билан ти-
килиб ўтиради.

— Масалан, ўзингизни айтмоқчими-
сиз?

— Ҳа, мен ҳам, бошқалар ҳам.

— Майли энди, бу гапларнинг ҳожати
йўқ,— дедим мен ва негадир енгил торт-
дим.

Шу пайт эшикда шофер йигит кў-
ринди:

— Машина тайёр, раис ака.

Камол ака менин кўчагача кузатиб
чиқди. Ҳайрлашаркан, қоронгида қўлим-
ни қўйиб юбормасдан бир зум турди.
Сўнгра:

— Хўп, хайр!—деди секин.— Бу ёги-
ни ўзингиз ҳал қилинг, ука!

Қўлинни қаттиқ сиқдим.

Машина қўзғалиши билан бошимни
плашчимга буркаб ётиб олдим.

Машинанинг ичи аввал совуқ эди, бир
оздан кейин шофер батареясини улади
чамаси, анча исиб қолди.

Мен одатда кечаси машинага, ё поезд-
та чиқсан, дарҳол ухлаб қолардим. По-

еезд гилдиракларининг муттасил «тақ-туқ»и, машинанинг асфальт йўлда енгил тебраниб учиши қандайдир руҳимни эр-калар, ором берар, гўё аллалар эди. Бу сафар қанча уринмай, кўзимга уйқу келмади. Ҳар сафар кўзим илиниб бора-ётганда ёдимга тўсатдан фельетон ту-шарди-да, юрагим орзиқиб уйғониб кетардим.

...Машина асфальт йўлда товушсиз учиб борарди. Етган жойимдан осмон-нинг кафтдай жойи кўринарди. Милт-милт ёнган юлдузларга тўла бу бир парча осмон секин айланар ва мен ўзимни машинада эмас, гўё катта бир планета-рийда ётгандай ҳис қиласдим.

Шундай пайтларда хиёл ором олардим, совуқ ялтиллаган сирли юлдузларга тўла бу фалак олдида мени ташвишга солаётган ўйларнинг ҳаммаси майда ва чиркин бўлиб кўринарди. Лекин кундузги учрашувни эслашим билан юрагим яна хаприқиб кетарди-да, ҳушим ўзимга келарди.

... Манзилга кун чиқар-чиқмас етиб келдик.

Машинадан шаҳарга кираверишаёқ тушиб, редакцияга пиёда кетдим.

Кўчалар сершовқин, барвақт бўлса ҳам автобус ва трамвайларда одам гавжум эди.

Кун совуқ, аммо осмон беғубор, артилган шишадай мусаффо. Қирор тушган ларактлар худди қор ёққандай оппоқ, фақат наизадай тўғри шохлари осмонга қадалган ёи толларгини яланғоч ва кўмкўй.

Редакцияга етмасимданоқ кун чиқди. Оппоқ дараҳатлар худди табассум қилгандай очилиб кетди-да, кўча ва уйларни нупта чўмилтирди.

Қизиқ: «Қўй бир йилда бир терининг ичида минг семириб, минг озади», деган-ларидек, машинадан тушгандан кейин негадир, эҳтимол, қуёш чарақлаб, шаҳар ёруғ нурга чўмилиб ётгани таъсиридалир, ҳар қалай, кўнглим ёришиб, елкамни босиб турган оғир тош ағдарилгандек бўлган эди. Аммо таниш хиёбонга бурилиб, редакциянинг уч қаватли салобатли биносига кўзим тушиши билан, ҳозиргина тарқагандек туюлган ваҳима қайта ёпирлиб келиб вужудимни қамраб олди.

Кўзимга яна «Газета материаллари изидан» деган рубрика ва унинг тагидати хабарда каминанинг шаънига айтила-

дитган аччиқ гаплар күриниб кетди. Ажабо, мен бу даргоҳда бир-икки йил ишлаган бўлсам ҳам, гўё шу бугунгача газета шималигини яхши билмас эдим! Ҳатто заҳарга тўла шафқатсиз фельветонлар ёзганимда ҳам, аччиқ кулгиларим кишинларга Қашчалик оғир тегишини яхши тасаввур этмаган эдим! Бунинг ҳаммасини гўё эндиғина тушуна бошлаган эдим!

Редакцияга киришга юрагим дов бермай, ён кўчадаги автомат будкасига ўтиб, Матлубага телефон қилдим.

Бахтимга трукани Матлубанинг ўзи олди. У менинг овозимни эшитиб:

— А?— деб юборди.

Барвақт телефон қилганим учунми (кейин билсам Каримий учраб колиб, бўлган гапни айтиб берган экан), ишқилиб, у аллақандай овози титраб:

— Ишларингиз нима бўлди? Тинчликми?— дея сўради қайта-қайта.

— Тинчлигу, бир гал бор, тез келинг, ақациянинг тагида кутаман.

Мен айтган ақация редакциянинг рӯпа расидаги дарахтзорнинг бир четида, фонтаннинг орқасида эди.

Матлуба билан биринчи марта шу ақация тагида учрашган элиқ. Шундан бери

бу акация күэймга иссиқ куринар, Матлуба ҳам «акация» дейишим билан тушинарди.

Ҳар сафар кечикмай келмайдиган, интизор қиласынан Матлуба бу сафар үн минут үтар-үтмас етиб келди. У үшіа иккөвимиз араэлашиб қолған күнгі күйимида эді: обғида келишгап қадын-коматини яна ҳам хүшқомат қилиб курсатадиган пошпасы баланд туфли, әгнида плашч.

У мени қўриб қадамини тезлаштириди, кейин қўлларини чўзиб чопқиллаб келди.

Мен унинг совуқда қизариб, ҳаяжондан яшиаб кетган юзини, шабадада тўзғиб, пешонасига тушиғап майин сочларини, тараддуд ифодаси жилоланиб турган катта чарос кўзларини кўрдиму, ўзимдан ранжидим. Наҳот шундай қизга ишонмасдан, раشك қилиб кўнглига озор бериш инсофдан бўлса?

Кўзларига бир зум тикилдим, сўнгра илиқ, майин кафтини, узун бармоқларини ҳайта-ҳайта ўлдим.

Кошки бу учрашув кимсесиз хилват бир жойда бўлса ю, бошимни Матлубанинг илиқ кафтига қўйиб, бир нафас ҳамма нарсани унутсам!

Матлуба қўлини секин тортиб олиб, юзимга тикилди. Худди чашмадай тиник мусаффо кўзларида айни бир пайтнинг ўзида ҳам хайриҳоҳлик, ҳам садоқат, ҳам савол ифодаси акс этиб туради.

— Нима бўлди? Нима қилди ўзи?— деди у қўлимни қаттиқроқ қисиб.

— Ҳеч нима... фельетон нотўғри чиқди!

— Вой?— деди Матлуба.— Нега энди... Нега?

Мен унинг қўллари титраб кетганини сездим ва шундагина Матлубани кўриб жуда бўшапиб қолганимни тушундим. Ҷэйнга ўзим жуда аянчли кўриниб кетдим.

— Нега индамайсиз? Гапиринг ахир,— деди Матлуба.

— Шошманг...— Мен қаддимни тутиб ўтирдим.

Матлуба менинг гапларимни эшитаркан, олдин қўлимни сиқиб ўтирди, кейин секин-секин силай бошлади, ниҳоят, қўйиб юборди да, бир нуқтага тикилганича ўйланиб қолди.

У гапириб бўлганимдан кейин ҳам анчагача вазиятини ўзгартирмасдан чурқ этмай ўтираверди, сўнгра:

- Мен билувдим,— деди секин.
- Нимани билувдингиз?— дедим күлини олиб.
- Конингизда ўша.. бой-феодаллик касали борлигини! Фельветонингизни ўқи-ётганимдаёқ сезган эдим буни!— деди Матлуба.— Наҳотки, ўша Мўмин акадай одамлар турмушимида ҳали кўп эканидан бехабар бўлсангиз?
- Қайдам, шунча киши букаقا деб тургандан кейин...
- Сиз ҳалиям бўлса ҳамма айбни ўша одамларга тўнкаб, ўзингизни четга олиб тураверишингиз мумкин!..
- Мен, гарчанд Матлубани яхши билсам ва ундан ҳар қанақа гапни кутган бўлсам ҳам, бундай дейишини кутмаган эдим. Урнимдан қандай турниб кетганимни билмай қолдим:
- Агар мен ҳамма айбни бошқаларга тўнкашни ўйлаганимда сизни бу ерга чақириб юрмас эдим, бунчалик... бунчалик эзилиб ўтирумасдим бу ерда!..
- Матлуба назиятни ўзгартирумасдан бир нуқтага тикилганича жим ўтираверди. Сўнгра, худди менинг гапларимни эшишмагандай:
- Энди нима бўлади?— деди секин.—

Сизни.. Сизга қаттиқ чора кўришмас-
микан?

Унинг овозидаги бу ташвиш — тарад-
дуд бояги тапларилан кейин кўнглимда
пайдо бўлган музни эритиб юборди ю,
вужудимни гўё илиқ бир тўлқин силаб
ўтгандай бўлди.

Ёнига ўтириб яна қўлини олдим.

— Нима бўлса ҳам ҳақиқатни тик-
лашга аҳд қилдим, Матлуба!..

— Ҳа, ҳа, албатта,— деди Матлуба.

— Ҳатто ишдан ҳайдашса ҳам!

— Тўғри, тўғри,— Матлуба бошини
тез-тез иргаб сўзимни маъқуллади, ке-
йин қўлимни олди. Тўсатдан кафтимда
унинг ёноқлари тафтини ҳис этдим. Бу
ҳарорат кишининг қалбига қудрат ба-
ғишловчи сеҳрли бир куч эди.

Рўпарадаги хиёбондан ўтаётган одам-
лар узоклашиб кетишини бир паст
кутдим, сўнгра этилиб, Матлубанинг ел-
касида тўзғиб ётган майин соchlаридан
ўпдим...

* * *

Ўша куни редакцияда бўлган ҳамма
воқеани гапириб ўтирмайман. Шуниси
қизиқ бўлдики, баъзилар ҳикоямни эши-

тиб ҳайрон қолиша, баъзилар ҳикоямдан ҳам кўра кўпроқ таклифимга ажабланишиди. Айниқса, Каримиининг соchlари типла-тик бўлиб кетди:

— Сохта мардлик бу!— деди у, гапларимни охиригача эшитишта ҳам сабри етмасдан.— Аммо бунақа мардликдан ҳеч кимга фойда йўқ, фақат газетанинг обрўси тўкилиши мумкин, холос!

У мени Ҳошимжон аканинг олдига ўзи бошлаб чиқди ва гапиришга ҳам қўймасдан ўзи гапириб кетди.

Ҳошимжон ака кечаси вёрстка кечикиб кам ухлягаши, ё бошқами, пшқилиб, эрталабданоқ кўзлари киртайиб, қалқиб ўтиради.

У Каримиининг «докладини одатдагидай кўзларини қисиб, ялтироқ бошини кафтларининг орасига олиб эшитди, сўнгра ҳорғин бир товушда сўраб қолди:

— Кечаги материал нима бўлди?

Карими тушуммаган бўлиб менга қарди ва елкасини қисди:

— Ишлвяпман, тайёр бўлиб қолди.

— Бўлмаса ўшани тезроқ билтказинг,— деди Ҳошимжон ака.— Буёқ билан ўзимиз бир битимга келармиш.

— Яхши!— Карими кечаглдан ҳам

баттар таҳқирланган бир қиёфада бошини мағрур күтариб чиқиб кетди. Ҳошимжон ака эса негадир креслосини столга яқинроқ сурит үтириди. Тоқатсизланган бир оқангда:

— Қани, бир бошдан гапириб берчи, нима гап ўзи? — деди сийрак қошларини силаб.

Мен бу учрашувга кечадан бери тайёрланган бўлсан ҳам, анча довдираб, дудуқланиб қолдим. Ҳошимжон ака менинг галларимни аввал бошини қўйи солиб, сабр билан эшилди, лекин ҳикоям ярмига бормасданоқ, ўрнидан туриб кетди, қўлларини орқасига қилиб ва юмaloқ қорнини дўппайтириб, чорси кабинетининг у бурчидан бу бурчига қадамлай бошлади. Гоҳи-гоҳида тақир бошини силаб: «Ҳм.. ҳа, ҳм...» деб кўярди.

Шу йўсинда гапимни охиригача эшилди, кейин жойига бориб үтириди-да, қисиқ кўзларини юмиб ўйланиб қолди.

— Ҳмм, ҳа... — деди анчадан кейин, худди ўз-ўзига гапираётгандай бошини қашиб.— Қош қўяман деб кўз чиқариб-миз-да, ошна!

Индамадим, чунки мен унинг:— «Хўш,

етти ўлчаб бир кес», деган мақолнинг тағига етдиларми энди?— дейишини кутган эдим, бироқ у чурқ этмади, яна анча ўйлангандан кейин столдаги кнопкани босди.

— Соат иккига летучка эълон қиласиз,— деди у эшикда пайдо бўлган секретарь қизга.— Ҳамма редколлегия аъзолари қатнашиши шарт.— Сўнгра менга юзланди:— Хўп, қолган гапни энди редколлегия аъзоларидан эшитамиз, ука.

Мен Ҳошимжон аканинг олдинга киравётганимда, у бу янгиликни эшниб қаттиқ ранжир, ҳатто аччиқ гаплар айтиб, койиб ташлар, деб ўйлаган эдим. Бироқ унинг бир оғиз ҳам бир нима демагани, лоақал тунов кунги мақолни эсимга солиб, гинахонлик ҳам қилмагани сўккандан, сўккандан ҳам эмас, ургандан ҳам қаттиқ тегди менга. Устига-устак бўлимга чиқишим билан Каримийнинг тазийининг учрадиму, икковимиз яна ғижиллашиб қолдик.

У ҳадеб бояги гапини такрорлар, мени сохта мардликда айблар эди. Охири:

— Э, бўлди-да, қулоқни битирдиянгку!— дедим ва эшикни тарс ёпиб чиқиб кетдим.

Мен уни, летучкада ҳаммадан буруп сүз олиб, дүппослаб кетармикан, деб үйловдим, йўқ, индамади, ҳатто бошқалардай савол ҳам бермали. Афтидаи, Ҳошимжон аканинг бояги муюмаласидан ҳадиксираб қолган бўлса керак, ер остидан унга тез-тез кўз ташлар, унинг имонишорасини кутар эди. Бироқ масъул секретаримиз сўзга чиқиб: «Учқунжоннинг мақсади яхши-ю, аммо... газетанинг обрўси деган нозик масала бор, бу ёги қандоқ бўларкин?», дегаш эди, жим ўтиришга бардоши етмай қолди, чамаси:

— Ҳа, балли! Биз ҳам шу ёгини ўйляяпмиз-да! — деди Каримий ҳаяжондан лаблари учиб. — Модомики, ўртоқ Учқун Умаров масалага масъулиятсизлик билан енгил-елпи ёндашиб жиддий хатога йўл қўйган экан, шахсан ўзи жавоб берсин!

— Мен ҳали ҳам жавобгарликдан қочаётганим йўқ...

— Марҳамат қилиб, сўзимни бўлманг. Сиз гапирганда биз жим ўтиридик! — Каримий ранги бўздай оқариб, худди қулаб кетадигандай стулнинг сунячиғини ушлаб олди. — Жавобгарликдан қўрқасизми-йўқми, буни билмадим,

аммо шунга имоним комилки, ўзингизни кўрсатиш учун қиляпсиз бу ишни!

Мен Каримиининг баландпарвоз гапларни севишини, расмиятчиликни жойига қўйиншини билардим, аммо бунчаликка бориши хаёлимга ҳам келмаган эди.

Нажот тилаб Ҳошимжон акага қардим. У ҳам менга тикилиб ўтирган экан, кўзим кўэига тушиши билан икки қўлини столга тираб, секин ўрнидан турди, тақир, ялтироқ бошини силаб бир лаҳза сукут қилгач:

— Мен ҳаммадан кейин гапирмоқчи эдим,— деди столдаги ручкани ўйнаб.— Аммо Каримиининг оташин нутқидан кейин гапирмасдан иложим қолмади, ўртоқлар... Тўғри, Учқунжон масалага енгил қараб, ҳаммамизни ниҳоятда ноқулай бир аҳволга солиб қўйди. Аммо,— Ҳошимжон ака бошини кўтариб киртайган кўзлари билан атрофдагиларга бир-бир қараб олди.— Аммо Учқунжоннинг ҳозир айтган гаплари, унинг ҳамма айбни ўз бўйнига солиб бўлса ҳам адолатни тиклаш учун бундай жонбоэлик кўрсатиши, тўғрисини айтсан, бу менга жуда маъқул тушди, ўртоқлар.

Болаликдан қолган ёмон бир одатим

бор: мақтасалар ҳам, сўксалар ҳам баббаравар ўзимни йўқотиб, саросимага тушиб қоламан. Ҳозир ҳам худди шундай бўлди: Ҳошимжон аканинг гапларидан кейин ҳамма бирдан менга ўгирилиб қарраганини, айниқса, тенгдошларимнинг чеҳралари очилиб кетганини кўрдиму, қаёққа яширинишни билмай қолдим.

Ҳошимжон аканинг гапларидан шунчалик ҳаяжонланиб, шунчалик ўзимни йўқотиб қўйган эдимки, у ҳам, бошқалар ҳам кейин нима деганлари яхши эсимда йўқ, фақат анча илиқ сўзлар айтилганини биламан, холос. Ниҳоят, бир оз тортишувлардан кейин Ҳошимжон ака:

— Хўп бўлмаса, сизга рухсат, бу ёғини редколлегия ўзи ҳал қиласди,— дегандагина ҳушимга келдим ва эшикка қараб ўқдай отилдим.

IX

Эрталаб телефон жиринглаганидан уйғониб кетдим. Кўэимни очар-очмасданоқ сеездим — Матлуба!

— Табриклайман, ўртоқ феодал! — трубкада Матлубанинг мулойим ва бир оз ясама шўх овози эшитилди.

— Ҳа, босилибдими? — дедим бирдан вужудимни совуқ тер босиб.

— Босилганда қандоқ,— Матлуба мен-га далда бериш учун бўлса керак, яна кулди.— Учинчи бетда, шетит билан терилиган. Эшитадиларми? Марҳамат! Үқиб бераман:— «Газетамиз материаллари изидан... Редакция газетамизнинг шу йил 26 ноябрь сонида босилган Үчқун Умаровнинг «Жарқудуқ таннози» номли фельветони бўйича қўшимча текшириш ўтказди. Текшириш оқибатида фельветонда келтирилган бирмунча фактлар бузиб кўрсатилгани ва нотўғри талқин қилингани, шунингдек, колхозчи Салтанат Жалолова ва колхоз раиси коммунист Камол Бўрибоев шаънига тўғри келмайдиган бирмунча дағал ва ўринсиз иборалар ишлатилгани, ниҳоят, колхоз бригадири Мўмин Муродовнинг техникага қарши кирдикорлари, хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муюмаласини фош қилиш ўрнига, унинг бу хатти-ҳаракатларини хас-пўшлагани аниқланди. Редакция фельветон автори Үчқун Умаров жиндий хатога йўл қўйган деб ҳисоблайди, лекин унинг ёшлигини ва ўз хатосини эътироф этганини ҳисобга олиб, ҳайф-

сан билан чекланди. Шунингдек бўлим мудири ўртоқ Каримий ҳам огоҳлантирилди. Редакция бу хатоларни эътироф этиш билан бирга, газета ходимларидан бундан кейин ўз вазифаларига катта масъулият билан ёндошишни талаб қилди».

Мен, гарчанд хабарнинг мазмуни шундай бўлишини кечаёқ тахмин қилган бўлсам ҳам, кўнглим алланечук бўлиб, анчагача нима дейишимни билмай, трубкани ушлаганимча қотиб қолдим.

— Ҳа, оғизларига сўк солгандай индамай қолдилар? Аҳволлар қалай, ўзи?

— Михдай! — дедим илжайган бўлиб.

— Учқун ака,— деди Матлуба,— мих ҳам ҳар хил бўлади-я, биласизми? Сиз бир урушда майишиб қоладиган нозик михга ўхшайсиа дейман-а?

— Майли, кулинг, кулаверинг. Танаси бошқа дард билмас, деганлари шу экан-да...

— Майли! Жа... димоғингиз шишиб кетувди, бундан буён қадамингизни билиб босадиган бўласиз, ўртоқ феодал! — Матлуба овози жонон пиёладай жаранглаб, хандон отиб кулди, сўнгра бирлан товуши ўзгарди.— Йўқ, рост айтаман, ҳазилингизни қўйинг!

Мен беихтиёр кулиб юбордим.

— Ҳазиллашаётган қайси биримиз ўзи? Сиз-ку ўлганинг устига чиқиб тена-ётган...

— Бўлмаса бу ёққа келинг, бирга йиғ-лашайлик.

— Мушукка ўйин, сичқонга ўлим...

— Яхшиликка ёмонлик! — деди Мат-луба.— Ким сизни бу ишни ўзи бошла-тан мард йигит дейди? Чиқинг кўчага, кўрплага бурканиб ётгунча.

— Кутасиами? Үқишига бормайсами?

— Иўқ.

— Нега?

— Шунгаям ақлингиэ етмадими?

— Ҳозир! Матлуба, азизим, ҳозир етиб бораман!

Наридан-бери кийинниб, энди кетаман деб турсам, ойим кириб дарвозада бир қиз чақираётганини айтди.

Ҳайрон бўлиб кўчага чиқдим. Қарасам, дарвозанинг олдида Камол аканинг ҳаво ранг «Волга»си, «Волга»нинг ёнида.. Салтанат турибди!

Эгнида кул ранг пальто, сёғида қишлик туфли. Бошига ҳаво ранг тивит рўмол ўраб, иягининг остидан нафис қилиб боғ-лаб олган.

Юрагим «шиғ» этиб, ёнига бордым:

— Салом, Келинг, Салтанатхон.

Салтанат катта серкіпприк күзлари билан юзимга бир қаради-да, яна бошнини әгди:

— Сизге бир оғиз гапим бор эди.

— Марҳамат, Қани, уйға кирайлик.

— Йүқ, раҳмат,— деди Салтанат на нимадандир үшгайсизланғандай қошларни чимириб, пальтосининг тұгмасини үйнай бошлади.— Үзи бир оғиз гап...

Шу сабаб бұлдымы, ё бошқами, ишқилиб, менға шундай туюлдики, гүё рўпарамда тунов кунғи Салтанат эмас, учтourt йил мұқаддам, мактаб кечасида чиройи на иффати билан ҳаммани мафтун қылған Салтанат турарди!

Ха, Камол ака уни бежиз севиб қолмаган экан, назаримда, кўпдан бери бундай мулойим аёлни кўрмаган эдим!

— Мен бир гап эшиздим,— деди Салтанат,— Сиз... ҳамма айбни ўз бўйнингизга олиб, мени оқламоқчи эмишсиз.— У кўзини ердан узиб, юзимга бир қараб олди:— Шунга... Шундай қилмассангиз, деб келдим.

— Нега?

— Нега дессангиз... ӽашандан бери жуда

кўп ўйладим. Юлдузхон ҳақ, айб ўзимда экан. Шунчалик қилмаслигим керак экан.

— Гап унда эмас, Салтанатхон.

— Пўқ, йўқ, жуда-жуда сўрайман,— деди Салтанат.— Шундоқ қилманг. Мен сизнинг олдингиизда гуноҳкорман.

Қизиқ, гарчанд ҳамма нарсага Салтанат эмас, ўзим айбор эканимга аллақачон амин бўлиб қўйган бўлсам ҳам, кўнглим аллақандай туйғу-ла яйраб кетди.

— Айб сизда эмас, менда, Салтанатхон. Ундан ташқари... фельетон ёлғиз сизнинг тўғрингиздагина эмас. Умуман, сизнинг илтимосингизни бажара олмайман. Чунки сиз айтган нарса газетада босилиб чиқди.

Салтанат нимадандир сесканиб кетгандай қўлини тортиб олди:

— Вой, қачон?

— Шу бугун. Бугунги сонида бор.

— Шунақами?— деди Салтанат аллақандай сўниқ оҳангда ва худди ёмон бир хабарни эшитган одамдай, тўсатдан бўшашиб қолди.

Мен уни юлатмоқчи бўлиб, яна гапира бошлагандим, у эътироэ билдиргандек секин бошнни чайқади, сўнгра бир нафас иккиланиб тургандан кейин, пальтоси-

ниңг ички чүнтагидан түрт буқланган
бир қоғоз чиқарып чүзди:

— Мана, ўқиб күринг буниям...

Хат худди ипга терилганды садафдай
дона·дона ҳарфлар билак ёзилган эди.

«Аана ёрим, севгилим Салтанатхон.

Бўлиб ўтган шунча гап·сўалардан ке-
йин «азиз ёрим» ҳамда «севгилим» дега-
ним учун кечиргайсан. Ақл бундай дейиш-
га ҳақинг йўқ, деб турса ҳам, кўнгилга
гал уқтириш қийин экан.

Илож қанча — кўзим кеч очилди, ақ-
лим кеч кирди. Ҳуллас, бу қишлоқдан
кетиш сиздан эмас, мендан лозим экани-
ни тушундим. Аммо шунда ҳам сизга бир
офиз бир нима дейишга, ёки бўлмаса таъ-
на қилишга тилим бормайди. Фақат бит-
та нарса кўнглимга сал қаттиқ ботди.
Сиз айтибсилик, «неча марта йўлига кўз
тутдим, келиб юзимга бир шапати уриб
бўлса ҳам етаклаб олиб чиқиб кетишини
кутдим», дебсиз.

Нима ҳам дейман. Неча марта ўша
лаънати дўкон айланасида гирдикапалак
бўлиб айланиб юрганимни билсангиэ эди,
неча марта кечалари эшигингиз олдида
деразангиздан термилиб тоңг оттирга-
нимни кўрсангиэ эди!

Майли энди. Буни таъна қиляпти деб тушунманг. Менинг гина қилишга ҳаққим ғүйк. Фақат шуни билиб қўйсангиз дейман: мен чаккамга қистириб юрган ҳамма қаламларимни синдириб, ҳамма дафттарларимни ўтга ёқдим. Насиб бўлса сиз айтган пўлат отни мен ҳам жиловлаб минаман. Шу ниятда белимни бойлаб ўқишга отландим.

Бошқа нима ҳам дейман. Кўнглимда гап дарё бўлиб тўлиб ётибди-ю, сизнинг мактубингиздан кейин бир нима дейишга тилим бормайди. Елғиз битта гапим бор: Қаерларда юрмай, бошимдан нишалар кечмасин, сизни ҳеч қачон юрак дафттаримдан ўчириб ташлай олмайман.

Сизга ҳамиша баҳт тилаб, ҳамда кечирим сўраб қолган Қулаҳмад деб билгайсиз».

Мен кўнгли бўш йигитлардан эмас эдим, шекилли. Шундай бўлса ҳам, хат юрагимни эзиб юборди. Секин Салтанатга қарадим.

— Ана кўрдингизми,— деди Салтанат,— озор бермаган одамим қолмади. Қишлоқдагилар нима дейди энди?

— Унақа деманг,— юпатган бўлиб

айтдим.— Одамларнинг нималар дейиши бундан буён ўзингизга боғлиқ.

Салтанат бу гапни ўзича тушуди шекилли, бошини силкитди:

— Ҳа, эрта-индин ўқишига кетялмиз.

— Жуда яхши бўлти! Ўқинг, ўзингизни кўрсатинг,— дедим ва агитаторлигим тутиб қўшимча қилдим:— Мен сизга ишонаман, Салтанатхон!

Салтанат индамади. У бир дақиқа бошини қўйи солганча ўйланиб турди, кейин қўлинни чўзди:

— Майли. Мен кетдим.

— Қаёққа?

— Қаёққа бўларди, қишлоққа! Эртага жўнаймиз, ҳозирлик кўриш керак.

Қўлинни қаттиқ сиқиб хайрлашдим:

— Кўришгунча, Салтанатхон!

— Кўришгунча,— у ҳам ажойиб қурагай кўзлари билан юзимга мулойим тикилди.— Ҳар нечук, сизнинг олдингиэда гуноҳкорман. Кечиринг, Учқун ака.

— Йўқ, йўқ, қўйинг бу гапларни!

— Раҳмат сизга!— дели Салтанат.

У, машина қўзгалиши билан деразасидан бошини чиқариб анча жойгача қўлини силтаб борди.

Менга шундай туюлдики, гўё у бўрон

этиб кетган қаддини қайта тутиб олган ниҳолнинг ўзгинаси эди! Ажабо, агар Амина ола билан Камол ака, ниҳоят каминанинг ўзлари (бу мақтанчоқлик учун кечиринг мени, ҳурматли китобхон!) унинг юрагига қўл солиб кўрмаганда, ёрдам қўлини чўзмасдан илгаригидай совуқ муомала қилганда, бу ёш ниҳол бунаقا қаддини растлаб олармиди ёки баттар эгилиб синиб кетармиди?

Мен биринчи марта инсонга яхшилик қилиш нақадар ажойиб нарса эканини жуда чуқур ҳис этишим эди! Юрагим шодликдан яйраб Матлубага қараб чопдим.

Биз қишки кинотеатрнинг олдида учрашдик. Матлуба кўзларини гинахонлик билан сузиб:

— Иғлоқи! — деди юзимга секин шапати уриб. — Тағин феодаллигингизни билдиридингиз-а? Беш минут деб, ярим соат кутдиридингиз.

Мен Салтанат келиб қолганини айтган эдим, қолдим балога, қолдим балога!

— Ахир нега айтмадингиз! — дерди у йиғлагудек бўлиб. — Мен ҳам кўрадим, Гаплашардим.

Яқин кунларда мавридини топиб та-

ништириб қўйишга ваъда бериб, зўрга қутулдим.

Бир соатча кўчалар, хиёбонларни айландик. Одатда ёнма-ён юришдан ийманадиган Матлуба бу сафар мени қўлтиқлаб олган, ҳатто дугоналари, танишибилишлари учраб қолганда ҳам қўлини қўлимдан тортиб олмас, аксинча, жўрттага кулимишиб, эркаланиб гапира бошлар, гўё бу билан: «Майли, танқид қилишса қилишаверсин, мешга илгаригидан ҳам азиз бу йигит!» демоқчилик эди.

Кейин редакциянинг олдигача кузатиб қўйди. Хайрлашаркан:

— Қалай, кўнгиллари бир оз тинчидими?— деди муғамбирсона қараб.

— Раҳмат. Үзларининг шарофатлари билан.

— Бўлмаса,— у эшикка имо қилди,— юрагингиз пўкилламасдан идорангизга киринггу, бундан кейин қадамингизни билиб босадиган бўлинг, ўртоқ феодал!

Редакцияда одатдаги иш куни бошланган эди. Бир қарашда арининг уясига ўхшаган тор, ярим қоронғи йўлакнинг иккитомонидаги қатор эшикларининг бири очилиб, бири ёпилар, ҳар ким ўз иши билан банд эди. Эҳтимол, ҳамма гап кеча ред-

коллегия мажлисидаёқ ҳал бўлгани учун-
дир, одамлар менга ортиқча эътибор бе-
ришмас эди.

Бўлимда ёлғиз Каримий ўтиради. У
саломимга алик ҳам олмади, фақат бо-
шини бир қимирлатиб қўйди-да, гранка-
ни тузатишда давом этди.

Анчадан кейин:

— Эълонлар тахтасини кўрдингми?—
деб сўради.

— Йўқ, нима қилибди?

— Нима қиларди — газетадан қирқиб
ёпишириб қўйнишибди. Яна бир ўқишин
деб!

Беихтиёр кулиб юбордим:

— Бутун шаҳар, ҳатто бутун область
ўқистганда би ердагиларнинг яна бир
уқигани нишон о, ўқимагани нима?

— Ҳа, сабатта, сенга барибир!—
Каримий узун, ингичка бармоқлари билан
соchlарини силай-силай ўрнидан тур-
ди.— Сохта мардлик қиласман деб,
менинг ҳам юзимни ерга қаратдинг!

Кечадан берн бу тапни минг биринчи
марта эшишишм эди!

— Қўй энди, Каримий,— дедим, унинг
нафрат тўла кўзларидан кўзимни олиб
қочиб.— Сохта мардлик учун қилга-

ним йўқ бу ишни! Умуман, ёқмаётган бўлсам, бўшатиб бера қолай кабинетингни!

— Шошма, ҳали ҳам бўшатасан!— Каримий шундай деди-да, столда ётгаи гранкани олиб, эшикни тарақлатиб ёпганча чиқиб кетди.

Журналист ўз бўлим бошлиғи билан уришганидан кўра редактор билан уришгани яхши!

Кўнглим хит бўлиб, диванга ёнбошлидим. Бироқ шу пайт телефоннинг қулоқни битиравчи жиринглаши эшитилиб қолди.

Трубкада олдин нимадир тақиллади, шақиллади, сўнгра бу овозлар ҳам ўчиб, ҳеч нарса эшитилмай қолди, ниҳоят, анчадан кейин кимнингдир таниш товуши эшитилгандай бўлди:

— Менга ўртоқ Умаров керак, ўртоқ Учқун Умаров!

— Мен, Умаровми, ҳа, ҳа, Учқунман.

— Э, салом, Учқунжон, бу мен, Камол акангиzman...

— Камол ака?— худли булут орасидан кун чиққандай аъзойи баданим яйраб кетди.— Қалай, ишларингиз дурустми?

— Ишлар... Газетани ўқидик, ука. Катта раҳмату, аммо ўзингизга анча жабр қилибсиз-да!

— Нега?

— Негаки, айбор өлғиэ сиз эмассиз-да, ука.

— Майли, зарари йўқ.

— Менга қаранг, ука. Эшитяпсизми?

— Эшитяпман, Қамол ака, эшитяпман.

— Эшитсангиз, эртага колхозда дўстона бир кечамиз бор. Бир гурӯҳ қизжувонларни механизаторлар курсига жўнатяпмиз. Салтанат ҳам бор. Шунга. Сизни ҳам таклиф қилмоқчимиз. Албатта келинг.

— Раҳмат.

— Келасизми? Мана, тўйбошимиз Амина оға ҳам таклиф қилятилар.

— Раҳмат.

— Қуруқ раҳмат деявермасдан, аниқ ваъда беринг, ука.

— Бораман, албатта бораман, Қамол ака!

Каримийниг ҳамма дўқ-писандалари бир бўлди-ю, бу гаш ҳам бир бўлди.

Шундай яйраб кетдимки, Каримийни ҳам кутмасдан, тўғри Ҳошимжон акашниг олдига чиқдим.

Ҳошимжон ака одатдагидай суюнчиғи бўйидан баланд эски креслога чўкиб корректура ўқиб ўтиради.

У юзимга тикилиб қаради, сўнгра корректурани четга сурниб, юмалоқ қўлини чўзди:

— Э, келинг, Учқунжон!— Овози жуда мулоийим, дўстона эди.— Хўш, ишлар қалай, ошина?

— Шу, юрибмиз, хабарни ўқиб, «етти ўтчаб бир кес», деган мақолнинг магзини чақиб!

— Ҳо-о?— Ҳошимжон ака оддин ҳахолаб кулди, тақир бошини силаб, сўради:— Танқид қаттиқ ботганми дейман-а?

— Йўғ-э, шунчаки... ҳазиллашялмада, Ҳошимжон ака!— дедим ва Камол аканинг таклифини айтдим.

Бу гап мени канчалик қувонтирган бўлса, Ҳошимжон акани ҳам шунчалик қувонтириди.

— Офарин. Зап ўғил бола иш қилишибди. Бир кунга эмас, уч кунга рухсат, ука. Бир яйраб-ёзилиб кел. Аммо, битта таклиф: кеча яхши ўтса, уч-тўрт қоғоз ширингина бир лавҳа ёзиб келасан.

— Шу сафар ҳам топшириқсиз бўлмади-я, Ҳошимжон ака!

— Не! — леди Ҳошимжон ака. — Яхши журналист тўй эмас, космосга учгандаем ён дафтарини унутмаслиги керак-а, ука!

Ҳошим аканинг тапини қайтариб бўлармиди? Ҳўп дейнишга мажбур бўлдим.

Биз (бу сафар менга Матлуба ҳам ҳамроҳ бўлди) қишлоққа эртасига кечқурун кириб бордик.

Борганимизда кеча бошланган ҳисоб эди. Клубнинг зали тўйдагидай безатилган. Комбинезон ўрнига атлас кўйлак кийиб, яна ҳам очилиб кетган Юлдузхон билан нимадандир жуда ҳаяжонланган ва эҳтимол шунинг учундир, тунов кунгидан ёшрок, ҳатто чиройлироқ бўлиб кетган Амина опа одамларни мева-чева тўла столлар атрофига ўтқазишмоқла эди.

Ўқишига борадиган қизлар — улар ўн чоғли эди — тўрдан жой олган, қолган жойларда ёниу кекса, аёл-эркак аралаш-қуралаш ўтиришар, бир бурчакни машшоқлар эгаллаган эди.

Биз киришимиз билан Юлдузхон:

— Мана, шоир акамлар ҳам ўз рафиқалари билан келдилар,— деб эълон қи-

либ юборди-ю, Матлубани мендан ажратиб, тўрда, ўқувчи қизлар даврасида ўтирган Салтанатнинг ёнига етаклаб кетли.— Сиз бирпас бу ёқла ўтириб туриш, ҳозир Камол акамлар ҳам келиб қоладилар,— деди у, қизларнинг рўпарасидан жой кўрсатиб.

Шундан кейин Амина опа:

— Ҳозир ране ҳам келиб қолади, ўйинкулгини бошлайверайлик!— деб, қадаҳларни тўлдиришни таклиф қилди.

У биринчи қадаҳни ўқишга кетаётган «шу қора кўз қизлар учун, улар мактабни яхши битириб келиб, меҳнатда йигитлардан ҳам ўзиб кетиши» учун кўтаришни таклиф қилди ва сўзининг охирида тұсатдан кўзига ёш олди:— Ҳаммаларингга маълум, мен ўқитувчиман,— деди у, овози титраб.— Бироқ, баъзи эркакларимизга паҳтачиликда ҳамма ишни механизациялаштириб, аёлларни оғир меҳнатдан қутқазиш мумкин эканлигини исбот килиш керак бўлиб қолди. Шу фикрни исбот килиш учун севимли касбимни ташлаб келган эдим бу ишга. Эндиги умидим — бу қизларим яхши ўқиб, яхши механизатор бўлиб келишину, менинг ўрнимни эгаллашсин. Мен эса, қариган

чогимда, яна ўз қасбимга қайта! Үмидим шу, оппоқ қизларим!

Мен Амина ола «баъзи эркакларимиз» деганда ён-веримга аланглаб қарадим: йўқ, Мўмин ака кўринмас, Қулаҳмад ҳам келмаган, ҳатто Ҳалима ола билан Маҳмуд ҳам йўқ эди даврада.

Биринчи қадаҳдан кейин Юлдузхон:

— Қани, эндиғи сўз созандаларга! «Жонон»ни олинглар! — деди енгларини шимариб, сўнгра бир-икки айланди-да, тўрга ўтиб Салтанатни даврага тортмоқчи бўлувди, кўнмади.

Юлдузхон қўлини силтади-да, аччиқланган бўлиб, Салтанатнинг чап ёнида ўтирган юмалоқ қизни ўртага тортди.

Ўйин бошланиб кетди. Бироқ менинг кўзим Салтанатда эди. У одатдагидай, балки ундан ҳам яхши кийинган, оқ шоҳи кўйлакнинг устидан белини қисиб турган қизил шерстъ жемпер кийган, бошидаги ҳаво ранг капрон дурраси ҳам ўзига яратшиб, худди мактабни бити्रувчилар кечасидагидай бошқа қизлар орасида гул-гул очилиб ўтирас, фақат ҳиёл ўйчан эди. Енидаги Матлубанинг саволларига ҳам кўпроқ бош қимирлатибгина жавоб берар, умуман, бир оз маъюс эди. Нега?

Хаёлимни Камол ака бўлиб юборди. У орқамдан келиб, елкамга қўлинни қўйди:

— Яшанг, жуда яхши бўлди келганинги,— деди у ва ёнимга ўтири.

— Ишларингиз қалай?— дедим унинг қорамагиз, оғизин юзига, ўйчан қуралай қўзларига тикилиб.

— Раҳмат, мана, юрибмиз!— деди у қошларини чимириб.

У ҳам бир-икки марта ер остидан Салтанатга кўз ташлади, сўнгра ён чўнтагидан четлари эгилган бир конверт чиқариб, ёнида ўтирган йигитга чўэди:

— Шуни узатиб юборинг, ука,— деди у, Салтанатга имо қилиб.

Мен Камол ака ҳам эсимдан чиқиб, яна Салтанатга тикилдим.

У хатни олиб, ажаблангандай қошларини чимириди, «ялт» этиб Камол акага қаради, сўнгра қовогини солиб конвертни очди.

Хат ўзи қисқа эканми, ё Салтанат унинг маъносини тез уқиб олдими, билмадим, фақат у мактубга бир лаҳзагина тикилди. Бироқ шу бир лаҳза давомида унинг чеҳрасида ғалати бир ўзгариш рўй берди: олдин худди севгилисингининг тилидан биринчи дафъя «севаман» сўзини

Эшитган ёш қнздаи «дув» қизарди, сүнгра күзлари чақнаб, бўялмаса ҳам қипқизил лаблари кулимсираб, пирпираб учди-ю, чеҳраси ёришиб кетди.

Буни Юлдузхон ҳам сезиб турган эканми, ё хатни кўриб қолган эканми:

— Ҳо, шамол бошқа ёқдан эсдими, дейман, Салтанатхоннинг ҳам қовоғи очилиб кетди,— дея ҳазиллашди.

Салтанат хатни яшираркан, кулди:

— Ҳа, бошқа ёқдан эсди!

— Қани бўлмаса шу янги шамол учун бўйингни бир кўрсатгин!

— Марҳамат!— деди Салтанат.— Ўйна десанг ўйнайвераман!

У ҳаво ранг дуррасини тўғрилаб ўрнидан турди, пошиаси баланд туфлиси билан полни дук-дук босиб, давранинг ўртасига чиқди.

«Роҳат»нинг бир оз кескин, лекин қалбни жўштирадиган шўх куйи зални янгратиб юборди.

Салтанат худди узоқдан келаётган куйга қулоқ солаётгандай бошини сал эгиб ва қошларини чимириб бир лаҳза турди, сўнгра оппоқ қўлларини кўтарди ва учмоқчи бўлган қушдай бир талпинди да, йўрғалаб рақсга тушиб кетди.

Мен энмдан Камол ақага разм сөлдім.
У, худди Салтанаттинг ўйинини томош
ша қылишдан ийманған одамдай, бошини
қүни солиб, қошпани чимириб үтирад, қий-
ғир буршининг четларнда, қошларининг
чимирилишида аламли бир ифода бор
эди. Мен қарашим билан секин үрнидан
турди:

— Бир чекиб кирай, ука! — деди мен-
га қарамасдан.

Мен Салтанаттинг шұх ва дилбар рақ-
сими томошта қилгим келса ҳам, секин
түриб орқасидан чиқдим.

Камол ақа айвоннинг четида устунга
сұяниб, папирос чекиб турад, қошлари
ҳамон чимирилған, лабининг четидаги
таниш тирығи чуқурлашиб, бояғи аянч-
ли, айни замонда кескин ифода яна ҳам
кучайған эди.

— Кечирасиз, халақит бермадимми?

— Іўқ, нега? — жавоб берди Камол ақа.
Бир зум жим қолдик.

— Бир нимадан хафага ұхшайсиз?

— Іўқ, іўқ, — деди Камол ақа ва тү-
сатдан ғамгин күлимсиради. — Ұшағи
ғап. Бу сафар ҳам янглишдик, ука. Мен
уни... эридан күнгли совуган деб үйлов-
дим. Чучварағи хом санаған экапман.

Шу пайт, ичкарида музікка садосы ти-
ниб, гулдурос қарсақлар әшитилди, осто-
нада Салтанат пайдо бўлди.

У худди рақсда давом этаётгандай
«лук-дук» йўргалаб ёнимизга келди ва
аллақандай яшнаб, чарақлаб кетган кўз-
лари билан бир менга, бир Камол ақага
қаради:

— Хат учун раҳмат, ранс ака! — деди
у. — Агар мумкин бўлса мен ҳозир шаҳар-
га кетсам.

Камол ака жавоб бериш үрнига папи-
росни қаттиқ торти, тутунини узоқ пуф-
лагандан кейин сўради:

— Бугун кетиш шартми шунчалик?

Салтанат бошини силкитиб кулди.

— Сира иложи йўқ, ранс ака.

— Иложи бўлмаса, нима ҳам дёй-
миз! — Камол ака папиросини ғижимлаб
четга отди. — Ҳозир машинани қарай...

— Раҳмат, машинанинг кераги йўқ.

— Нима, пиёда кетмоқчимисиз?

— Майли, бир иложини топарман.

— Кўриб турибман, учишга тайёр-
сан! — Камол ака шундай деди да, қорон-
гиликка шўнгиди. Мен унинг пичинги
Салтанатга тегиб кетармикан, деб ўйлон-
дим, йўқ, менга қараб жилмайди:

— Сиздан яширадиган сирим йўқ. Учкун ака, мана ўзингиз ўқиб кўра қолинг.

Таниш қўл! Ўша таниш битта-битта терилган садафдай ҳарфлар:

«Азиэ ёрим Салтанатхон!

Бу хатни энг сўнгги хатим деб билгайсиз ва кечиргайсиз.

Бугун сиз ўқийдиган механизация мактабининг катталари билан гаплашдим. Гапга тушунадиган одамлар экан, келинг, қабул қиласми, дейишди. Эндиғи ҳамма гап сизга боғлиқ бўлиб қолди, азиэ ёрим.

Мен шаҳарда тоговинкида турибман. Шу жойга бир оғиз хабар қиласангиз: сиздан умид қилсан бўладими, ё бўлмаса умидимни узиб кўя қолайми? Негаки, сиздан умидим бўлса қолиб бирта ўқийман. «Йўқ, умид қилма, кўнглимни бошқага берганман», десангиз, бу мактабда олтин берсалар ҳам ўқимайман. Лайло сиздан айрилган Мажнундай кетаман бошимни олиб бу юртдан.

Гапим шу. Жавобингиани орзиқиб кутаман деб Қулаҳмад».

Салтанат пар-пар ёнган қуралай кўзлари билан юзимга тикилиб турарди.

— Сизга ғалати туюлаётгандир.— деб кулди у.

— Пўқ, нега? — дедим мен.

Қаронғиликда Камол ака кўринди.

— Машина тайёр. Жўнашингиз мумкин.

Салтанатни кўчагача кузатиб чиқдик.

Машинанинг ёнида нимадандир ўнғай-сизланиб бир зум жим бўлиб қолдик.

— Хўп, хайр бўлмаса! — деди охири Камол ака. — Яхши боринг.

Салтанат негалир қўлини бермади.

— Хайр, — деди у ва овози бироз титраб қўшимча килди. — Сизга катта раҳмат, Камол ака, озор берган бўлсан...

У гапини тутатмай машинанинг эшигиди шартта очди, лекин машина энди қўзгалган эди, Камол ака:

— Тўхтанг! — деди кутилмагандан қатъий бир овоз билан. — Сиздан илтимос, орамизда ўзи ҳеч гап бўлмаган эди. Бундан кейин ҳам бўлмайди. Шу Яхши ўқиб, яхши битказиб келинглар. Битта бригадани бераман. Ишлайсизлар. Тушундингиими?

— Тушундим. Раҳмат...

Камол ака машинанинг қизил чироқлари қоронғида ўчиб йўқолгунча орқасидан тикилиб турди, сўнгра менга юзланди:

— Мана, ране аканинг муҳаббат қис-

саси ҳам тугади, ука!— деди киноя ара-
лаш гамгин бир оқангда.

— Ҳа-а... Ҳафа бўлманг,— дедим, бош-
қа гап тополмай.

— Гап бунда эмас,— Қамол ака елкам-
га қўлини қўйиб кулди:— Умуман олган-
да бу қисса сиз учун ҳам, мен учун ҳам
ажойиб бир сабоқ бўлди: Ҳаёт биз ўйла-
гандан минг марта мураккаброқ экан,
ука. Тўғрими?

— Тўғри, албатта.

— Ҳа, белли! Умуман... Ростими айт-
сан, бир томондан бу қисса шундай тү-
гаганидан хурсандман ҳам, ука. Бирон-
нинг бахти ҳисобига яратилган баҳтнишг
ўзи кимга керак? Хуллас, бас қилайлик
бу гапларни!— деди у, бошини силтаб.—
Бу хафачиликлар устига у ёқда Юлдуз-
хонни ҳам хафа қилиб қўймайлик тағин?

Клуб эшигига Матлубата дуч келдик.

— Ҳа, нима бўлди?— деди у, мени чет-
га тортиб.— Салтанат қани?

— Салтанат кетди.

— Кетди?— Матлуба юзимга тикилиб
қаради.— Қаёққа?!

Мен жавоб беришга улгуrolмай қол-
дим, чунки шу пайт ичкаридан «слазги»-
нинг қувноқ садоси янгради.

Залга қарадик: Эшпекка яқин жойда
үтирган Камол аканинг олдида қўлида
қадаҳ Юлдузхон турарди. У бир қўли билан
қадаҳни Камол акага чўзиб, бир кўли билан уни ўйинга таклиф қиларди.

Залда кулги, қийқириқ кўтарилиди.
Кулги босилмаган ҳам эдикн, Камол ака
белидаги камарини тўғрилаб ўрнидан
турди, Юлдузхоннинг қўлидан қадаҳни
олиб секин шимириди, сўнгра кимнингдир
дўпписини олиб чеккасига қўндириди-да,
худди чопқир отдаӣ тиپирчилаб, депси-
ниб, яйраб турган Юлдузхоннинг ёнига
ўтиб, рақсга туша кетди.

Матлуба қўлимдан секин тортди, боя-
гидан ҳам очилиб кетган Юлдузхон билан,
унинг кўзларига тикилиб, борган сари қизишиб ўйнаётган Камол акага имо
қилиб, кулди:

— Бу сафар ҳам янглишдиларми дейман,
ўртоқ феодал?

— Ҳа, бу сафар ҳам янглишдим. Лекин бу хатомдан ўзим ҳам хурсандман!—
леб жавоб бердим ва бўлган воқеани
Матлубага айтиб бериш учун секин қўлтиқлаб рўпарадаги паркка бошладим.

Ташкент, 1962—63 йиллар.

На узбекском языке
АДЫЛ ЯКУБОВ
ИСТОРИЯ ОДНОГО ФЕЛЬЕТОНА
Повесть

Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1964

Редактор Г. Имомхужаев
Рассом Д. Файзирақмонов
Расмлар редактори Г. Бедорла
Тезн. редактор Н. Куралоза
Корректор М. Абдушукуров

Босмахоната берилди 4/1-1964 й. Босмашга
руҳсат ўттыди 5. III 1964 й. Формати. 60×90 эз.
Боюма л. 5,875 Нашр л. 4,82 Инзенс.
б/я Р 07702 Тиражи 15000. УзССР Даълат
бадий адабиёт науриёти Тошкент.
Навий кўчаси. З0. Шартнома № 165/63

■ ■ ■
Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг
матбуот бўйича Даълат комитетининг
иختисослаштирилган Ҳарф терида фабрика-
сида төйёрланган матрицайдан 2 босма-
зонасида Сосими Ягийзл. Чисон
кўчаси № 8 йўказ бўйси 25 т.